

323  
Б 79

Б.Н. БОБОЁРОВ

**ЖАМИЯТ  
ДЕМОКРАТЛАШУВИДА  
МИЛЛАТЛАРАРО  
МУНОСАБАТЛАРНИЙ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИ**



323

Б 79


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИРИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ – ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Б.Н.БОБОЁРОВ

**ЖАМИЯТ  
ДЕМОКРАТЛАШУВИДА  
МИЛЛАТЛАРАРО  
МУНОСАБАТЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЖАРАЁНЛАРИ**

(Монография)



ТОШКЕНТ – 2019

**УЎК: 323(575.1)**

**КБК: 66.5**

**Б.Н.БОБОЁРОВ.** Жамият демократлашувида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш жарабёнлари. Монография. Т.: “Aloqachi”, 2019, 180 бет.

**ISBN 978-9943-5642-9-9**

Мазкур монографияда миллатлараро муносабатларни назарий методологик асослари билан боғлиқ масалалар тадқик этилган бўлиб, “миллат” нинг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланишига оид замонавий концепциялар, назариялар, миллий муносабатлар ва миллатлараро муносабатлар мазмуни, фарқли жиҳатлари ва диалектик алоқадорлик масалалари, бу борада хорижий ва миллий доирадаги изланидилар илмий ўрганилган, миллий бошқарув мазмуни ва амалга оширилган ишлар, миллий ва умуммиллий манфаатлар диалектикаси, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтлари роли, глобаллашув шароитида миллий ўзига хосликни асраб қолишининг устувор вазифалари, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, миллатчилик ва уни кайта тиклашда терроризмнинг роли, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятлар ва уларни бағтаграф этиш йўллари билан боғлиқ масалаларни очиб беришга бўғишиланган. Монография кенг китобхонлар оммасига мўлжаллашган.

Монография Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Илмий техник кенгаши (Баённома № 1-19, 23 январь 2019 йил) ҳамда ТАТУ кенгашининг (Баённома № 6(688), 31 январь 2019 йил) қарорлари асосида чоти этилди.

**УЎК: 323(575.1)**

**КБК: 66.5**

**Маъсул мухаррир:** – Г.Ж.Туленова – фалсафа фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар:** -- О.О.Сирожов – сиёсий фанлар доктори, доцент;  
Д.Ш.Сагдуллаева – фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**ISBN 978-9943-5642-9-9**

© «Aloqachi» нашриёти, 2019.

## **МУҚАДДИМА**

Ҳозирги кунда дунёда кечаётган демократик жараёнлар полиэтник (кўп элатли) ва моноэтник (бир элатли) таркибга эга давлатлар ҳётидаги муносабатларни такомиллаштиришга кенг имкониятлар яратмоқда. Дунёда ўзининг бетакрор маданий ва маънавий қадриятлариға эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гурӯх яшаётган бўлса-да, этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас. Дунё сиёсий харитасида атиги икки юзга яқин давлат борлиги ҳам бунинг далилидир. Дунёда кечаётган этник ўзлигини англашнинг ўсиши ҳозирги тараққиётнинг динамикасини белгилаб туради.

Шу сабабли кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатлариға ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Миллатлараро муносабатларга нохолис ёндашувлар дунёning турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайишига, оқибатида эса, миллатчилик, диний муросасизлик радикал гурӯх ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда.

Жаҳонда кечаётган тенденциялар, дунё бозорларидаги беқарорлик, ёқилги-энергия ресурслари тақчиллиги деярли барча давлатларнинг иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатиб, табиий ресурслар учун кураш қатор давлатларда ҳарбий - сиёсий аҳволининг кескинлашувига олиб келмоқда. Бундай вазиятда “инсон хуқуqlари” учун кураш олиб бораётган, аслида эса, табиий ресурсларга эгалик қилиш учун харакатланаётган кучларнинг фаоллашувига сабаб бўлмоқда. Бундай кучлар ўз мақсадига эришиш йўлида кўпмиллатли давлатлардаги барқарорликнинг издан чиқаришда миллатлараро зиддиятларни кучайтириш, миллатчилик гояларни ёйиш, сингдириш ва тарғиб қилишда этник - диний омиллардан, шунингдек, ахборот - коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланаётгани жамоатчиликда катта ташвиш туғдирмоқда.

Ана шундай мураккаб вазиятда Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлик ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш, диний экстремизм ва терроризм хавфига қарши кураш олиб бориш, кўп миллатли жамиятимизда миллий бирдамликни таъминлаш бўйича ишлар янгича ёндашувлар асосида ташкил этишни илмий – амалий асосларини ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

**Маълумки,** мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган эди<sup>1</sup>.

Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши сифатида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, яқин қўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий сиёсатни юритилаётгани бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги боскичга кўтаришга замин яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzасида, давлат ва унинг органлари халқ билан доимий мулоқотда бўлиши, одамларнинг ташвиш-муаммоларини ҳал этиши, уларни рози қилишни олий мақсад, мезон қилиб белгилаб олганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш, соғликни сақлаш тизимини

---

<sup>1</sup>Бу хақда қаранг: “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги N ПФ-5046 фармони. “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 май.

ривожлантириш, ёшларнинг илмга интилишини кучайтириш, тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб – қувватлаш, хорижий мамлакатлар билан турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш бундан буён ҳам ислоҳотлар марказида бўлишини таъкидлаб: “**...билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ - фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир**”<sup>2</sup>, деб қайд этди Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев.

Жамиятимиз тараққиётида миллий ва миллатлараро муносабатларга таалуқли бўлган масалалар ҳамма вақт муҳим ўрин эгаллаб келган ва ҳозирда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. “...энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли ҳалқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш, - деб таъкидлайди **Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев**, - Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир”<sup>3</sup>.

Жамият демократлашув истиқболи кўп жиҳатдан миллий ва миллатлараро муносабатларнинг уйғунлиги билан бевосита боғлиқ ҳамда бугунги кунда муҳим стратегик аҳамият касб этадиган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар тақдири, мамлакатимизнинг келажаги кўп жиҳатдан бу соҳадаги муаммоларни зудлик ҳал этилиши, миллатлараро муносабатларнинг демократик қадриятлар асосида ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга боғлиқ. “...олдимизга қўйилган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантишимиз зарур, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев,- хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борадаги

<sup>2</sup> Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ-фаровон ҳаётининг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, “Ҳалқ сўзи”, № 253 (7211), 8 декабрь, 2018.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Республика Байналминал маданият маркази ташкил этилганинг 25- йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи.Ўзбекистон – тинчлик ва тотувлик мамлакати //Ўзбекистан – страна мира и согласие.– Т.: “O’zbekiston”, НМИУ, 2017. 587 б.

илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур”<sup>4</sup>.

Шунинг учун ҳам бугунги шароитда давлат миллий сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида алоҳида халқлар, турли конфессиялар маданияти, қадриятлари, диний эътиқодлари билан танишиш, ўрганиш миллатлараро ва конфессиялараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва барқарорлаштиришга, ўсиб келаётган авлодимизда бошқа миллат вакилларига нисбатан бағрикенглик муносабатларни тарбиялаш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий ғоянинг аҳамияти масалаларини **илмий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим**.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги нутқида “Маърифат ва диний бағрикенглик” номдаги маҳсус резолюциясини қабул қилиш заруратини асослаб, жумладан шундай деди: “Ушбу резолюция, бағрикенглик ва ўзаро хурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қўмаклашишига қаратилган”<sup>5</sup>. Ушбу резолюция 2018 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 73 сессиясида қабул қилиниши, дунё миқёсида миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга, халқлар ўртасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Миллатлараро муносабатлар масаласи бўйича “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган жамоатчилик фикри сўров натижаларининг кўрсатишича, ўзбекистонликларга Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидағи энг қимматли бойлиги ва ютуғи сифатида жамиятда тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро ва фуқаролар

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил, 28 декабрь.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги нутки. “Халқ сўзи”, 2017 йил, 19 сентябрь.

тотувлигига барқарорлик хислати хосдир. Ўзбекистонликларнинг мутлақ кўпчилиги ( 99,6 ) бу фикрга тўла қўшиладилар<sup>6</sup>.

Юқоридаги концептуал ғоялардан келиб чиқкан ҳолда монография мавзуининг долзарблигини қуидагилар билан асослаш мумкин:

**Биринчидан,** Ўзбекистон қўпмиллатли давлат. Давлат ва жамиятни барқарор тараққий этиши миллатлараро ҳамжиҳатликка бевосита боғлиқ. Шунинг учун миллатлараро муносабатлар соҳасида барқарорликни таҳдид солувчи хатарлар қўламини аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқиш давр талабидир.

**Иккинчидан,** жамият демократлашуви жараёнида ахборот-коммуникация тизимларининг кенг қўлланиши, давлат бошқарувининг электрон шаклда ташкил этилаётгани миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга кенг имкониятлар очмоқда, ўз навбатида, ёт кучлар ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан миллатлараро зиддиятлар, кескинликлар, қарама-қаршиликларни кучайтириш, миллатчилик ғояларни ёйишни, сингдириш ва тарғиб қилишда ахборот майдони сифатида фойдаланишмоқда. Бундай тенденциялар ўз вақтида таҳлил қилиш, бу жараёнларни салбий оқибатларини олдини олиш имконини беради.

**Учинчидан,** глобаллашув жараёнларининг жадаллик билан кечаётганлиги оқибатида бугун ёшлар “оммавий маданият”, миллат ва юрт учун бутунлай бегона бўлган салбий таъсирларга тушиб қолмоқда. Бундай таҳдидларни олдини олиш учун “...маданият ва маърифат, - деб таъкидлайди Ўзбекистон президенти Ш.М.Мирзиёев,- ёшларни миллий ва умумисоний қадриятлар руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни янада кучайтириши зарур. Бу бугун бизнинг барчамиз учун ҳаётий муҳим вазифадир”<sup>7</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72 сессиясидаги нутқида “Ёшлар хуқуқлари

<sup>6</sup> “Ижтимоий фикр”жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг “Ўзбекистон – умумий уйимиз”мавзусидаги жамоатчилик фикри сўрови натижалари хисоботи. – Тошкент, 2017.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25– йиллигига бағишлиланган учрашувдаги нутқи. Ўзбекистон – тинчлик ва тотувлик мамлакати // Узбекистан – страна мира и согласие. – Т.: “O’zbekiston”, НМИУ, 2017. 587 б.

**тўғрисида”ги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиши заруратини асослаб, “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”, деб таъкидлаган эди.**

Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ёш авлодни миллатлараро тотувлик, бағрикенглик руҳида тарбиялаш, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, ушбу жараёнларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини асослаш ҳамда имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ масалаларни илмий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш мухим.

**Тўртинчидан, Жамият демократлашувининг янги босқичида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ва амалга оширилишининг миллатларарабо муносабатларни такомиллаштиришга таъсирига оид янгича ёндашувларни таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.**

**Монографиянинг амалий аҳамияти** унда баён этилган назарий хуносалар ва амалий таклифлардан миллатларарабо муносабатларни ривожлантириш истиқбол режаларни ишлаб чиқишида, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш, давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида, ижтимоий-социологик сўровларни ўтказишида; ОАВ тизимида, радиоэшиттиришлар, таҳлилий телекўрсатувлар тайёрлаш жараёнида, шунингдек, Олий ўқув юртларида “Фуқаролик жамияти. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Геополитика”, “Диншунослик”, “Миллий ғоя ва миллатларарабо муносабатлар” каби ўқув курсларини ўқитишида кенг фойдаланиш мумкин.

## **БИРИНЧИ ҚИСМ. МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Мазкур қисмда миллатларарапо муносабатларни назарий методологик асослари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган бўлиб, “миллат” нинг пайдо бўлиши, шакланиши, ривожланишига оид замонавий концепциялар, назариялар, миллий муносабатлар ва миллатларарапо муносабатлар мазмуни, фарқли жиҳатлари ва диалектик алоқадорлик масалалари, бу борада хорижий ва миллий доирадаги изланишлар илмий ўрганилган, миллий бошқарув мазмуни ва амалга оширилган ишлар тадқиқ этилган ҳамда ҳар бир фаслдаги илмий фикрлар тизимлаштирилиб, бу борада монография доирасида концептуал тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилган.

### **Ҳозирги замон илмий адабиётларида “миллат” категориясига оид ижтимоий – фалсафий қарашлар таҳлили**

Монография ишининг асосий категориясидан бири “миллат” тушунчасига доир ёндашувларни таҳлил қилиш ҳамон ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Зеро, замонавий тараққиётда бу категория доимо давлат ва жамиятнинг стратегик мақсадлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқда.

Шу ўринда этнос, ҳалқ ва элат тушунчалари мазмунини ҳам тадқиқ этиш мухим. “Этнос” тушунчаси юонон тилидан олинган бўлиб, унинг этимологик маъноси ҳалқ, қабила, тўда, кишилар гурӯҳи деган маъноларни англатади.

Н.Маманазаров фикрича, “этнос” термини муайян жой, яъни ҳудудда яшовчи ҳалқнинг локал гурӯҳини англатади. Ҳозирги пайтда “этнос” тушунчаси факатгина илмий доира ва илмий адабиётлардагина қўлланса, “ҳалқ” термини эса, кундалик ҳаётнинг барча ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларида актив қўлланилади. Шу жиҳатдан ҳам “этнос” ва “ҳалқ” тушунчалари маълум маънодабир-бирига яқин бўлса-да, аммо мазмун ва моҳият жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди<sup>8</sup>.

Илмий адабиётларда “этнос” тушунчаси ва ҳодисасига ўттиздан ортиқ таърифлар учраса-да, уларда маълум бир яқинлик, муштараклик мавжуд. Яъни, “этнос

<sup>8</sup>Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар.-Т.: ТМИ, 2004.-7-б.

- бу бир тилда сўзлашувчи, ўзларининг бир хил келиб чиқиши ва муштарак шаклланиш жараёнини тан олувчи, бошқа халқлардан фарқ этувчи қатор урф-одат ва анъаналарга эга бўлган кишилар гурухидир”<sup>9</sup>.

Тор маънода “халқ” атамаси эл, элат, миллат, аҳоли, халойиқ, оломон, муайян гурух вакилларини англатади. “Халқ” сўзи муайян локал ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолига нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, қишлоқ халқи, шаҳар халқи ва ҳ.к. “Халқ” сўзи, биринчи марта халқаро ҳукуқ субъекти сифатида 1945 йили БМТ Уставида "Халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш" тамойилининг мустаҳкамланиши натижасида тан олинган. Ҳозирги вақтда халқаро ҳукуқда халқлар ҳукуқи турли конвенция ва декларацияларда ўз аксини топган. Шу билан бирга, халқаро ҳамжамият томонидан умумий тан олинган ягона "халқ" тушунчаси ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаган.

**Бизнинг фикримизча, халқ - муайян давлат ҳудудида яшовчи, миллати, тили, дини ва ижтимоий мавқеи, турли этник гурухга мансублигидан қатъий назар давлат фуқаролигига эга кўп сонли кишиларнинг умумийлигини сиёсий-ҳукуқий жиҳатдан бирлиги.**

Шарқда “миллат” (арабча – халқ) тушунчаси, «миллий», «миллийлик» каби тушунчалар бизнинг тилимизга араб тилидан VIII асрда, яъни араб халифалиги томонидан Мовароуннахрнинг забт этилиши давридан бошлаб кириб келган. Ушбу тушунчаларнинг негизида «мил» ибораси ётади. «Мил» тушунчаси араб тилида «ўзак», «туб моҳият», «негиз» маъноларини ифодалайди. «Миллат» тушунчаси эса кенг миқёсда қўлланилиб, бир неча маънони беради: 1)дин, диний жамоа; 2)уммат, маълум динга эътиқод қилувчилар жамоаси; 3)халқ, миллат каби маъноларни англатади<sup>10</sup>.

Ғарбда эса, “Миллат” атамаси (лотинча *natío*) римликлар ўша даврда яшаган турли қабилаларга нисбатан ишлатишган. Феодал жамиятларнинг ривожланиши даврида “миллат” атамаси кенг миқёсда қўллана бошлади.

<sup>9</sup>Қаранг: Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса.-М.: “Наука”, 1983.- С.57-58; Жаббаров Исо. Ўзбек халқи этнографияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 1994. -17-18 б.; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.-Т.: “Шарқ”, 2001. -101-1036.

<sup>10</sup>Қаранг: Ислом энциклопедияси. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004. -Б.160.

Аммо, бу атама ижтимоий тизимни эмас, балки ташкилий маънони англатган.

Кейинчалик шаклланаётган буржуазия билан аристократия ўртасидаги гоявий кураш натижасида, “миллат”га нисбатан замонавий қараш шаклланди. “Миллат” атамаси муайян худуд, ҳатто муайян давлат худудида яшаётган халқлар, элатларга нисбатан қўлланадиган тушунчага айланган. “Демократия” ва “халқ суверентети” каби тушунчаларга ўхшаб “миллат” тушунчасига ҳам сиёсий ғоя сифатидаги қараш Буюк француз инқилоби даврида шаклланади.

Умуман олганда, «миллат» мураккаб характерга эга бўлган этник бирлик бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун унга таъриф беришда бугунги кунгача мавжуд бўлган илмий-фалсафий адабиётларда яқдиллик йўқ. Лекин ушбу таърифларни умумлаштирувчи томонлари алоҳида қайд этилади.

Илмий адабиётларда “**миллат**” тушунчасининг мазмун-моҳиятига қараб билдирилган муносабатларни қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

**Биринчи гурухга** - диний нуқтаи назарлардан берилган таърифларни киритиш мумкин. Уларга мувофиқ ягона миллат деб – миллати, ирқи, яшаш жойи, жинсидан қатъий назар бир динга эътиқод қилувчилар киради, деб ҳисобланадилар. Уларнинг барчаси ягона Оллоҳ бандалари<sup>11</sup>dir.

**Иккинчиси гурухга** - дунёвий фан нуқтаи назардан берилган таърифларни киритиш мумкин. Бу йўналишдаги қарашлар дастлаб Европа мамлакатларида эркин бозор муносабатларининг шаклланиши жараёни билан узвий равища вужудга келган.

XVIII - XX асрларда Европа фалсафаси ва фанида “этнос” ва “миллат” категорияларини эволюцияси ва асосий йўналишларига эътибор қаратилган. Ж.Боден, А.Бюффон, Дж.Вико, И.Гердер, И.Кант, Ж.Кондорсе, Ш.Монтескье, А.Тюрго каби XVIII аср мутафаккирларнинг ирқ ва миллатларнинг шаклланиши ва фарқланувчи табиатлари ҳақида қарашлари

<sup>11</sup> Куръон Карим./ Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур/. – Тошкент: “Тошкент Ислом Университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014.

бу борадаги концептуал қарашларнинг шаклланишига ҳамда XIX асрда Г.Гегел, К.Маркс, Ф.Мейнеке, Дж.Ст.Милл, Э.Ренан, Р.Нейман, Э.Дюркгейм, М.Вебер каби тарихчи, социолог ва файласуфларнинг назарий таълимотларининг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатган.

Хорижий тадқиқотлардаги, “миллат” ва уни асосларига аниқлаштиришга оид қарашларни ҳам **учта йўналишга** ажратиш мумкин.

**Биринчи йўналиш** вакиллари миллат мавжудлигини муайян объектив этник белгилар билан аниқлаштириб, ижтимоий тавсифини беришган.

Бу йўналишга оид табиий назария ижтимоий-дарвинистик хусусиятга эга бўлиб, у “халқ руҳи”, “халқ характеристи”ни умумий келиб чиқиши (умумий ирқ)га боғланади ҳамда миллат моддий асосини “қон бирлиги” ташкил этади, деб ҳисоблашган. Г.Гегел фикрига кўра, миллат халқ руҳи тараққиётини алоҳида босқичи бўлиб, аниқ шаклда намоён бўлади, “аниқ шаклда руҳ мавжуд бўлиб, ўзини дини, маросимлари, одатлари, ўзини давлат қурилишида, сиёсий қонунларида, барча ташкилотларида, фаолият ва ишларида намоён бўладиган ҳақиқий дунёсини яратади”<sup>12</sup>. Бу йўналишга Монтескье, Габино, Карлейль кабилар нуқтаи назарлари ҳам мансуб бўлиб, бу йўналиш вакиллари миллат объектив белгиларини шаклланишида “табиий” омилларга асосий эътибор қаратишади.

**Иккинчи йўналишга кўра** – миллат субъектив, ижтимоий-психологик омилларга асосланиб, изоҳланади. Субъектив назария тарафдорлари, миллатга мансублик инсон ҳиссиёти, онги ёхуд ушбу умумийликка тегишли бўлган кишиларнинг нерв тизимидағи умумийликка асосланади. Унга умумий тарих, умумий келиб чиқиши ва ҳудуд, умумий анъана ва маданият, гурур ва бирдамлик хусусиятлари киритилади. Бу нуқтаи назарларда, этник гурухларга давлатга талаб қўйишнинг энг мақбул шакли сифатида қаралиб, бирламчи гурухга ўз ҳудудига эга, иккинчи гурухга эса ўз ҳудудига эга бўлмаганларга ажратилади (мас. Д.Белл, Н.Глейзер, Р.Клем, Д.Мойнихем,

<sup>12</sup> Гегель Г. Соч. Г. VIII. - М.-Л., 1935. - С. 71.

М.Сакс, Р.Смит<sup>13</sup>. Ушбу йўналишда К.Реннер ва О.Бауэрлар “миллат”нинг психологик назариясини яратишиди. Улар миллат “интеграция”си негизига маданият, анъаналарни киритишиди<sup>14</sup> [ 20; 19 б.].

Ч.Кейес, Д.Комарофф, Г.Лапидус, Д.Лейн, М.Нэш, Д.Ротшильд ишларида этник бирликлар жамият ижтимоий ташкилотларининг асоси сифатида гурухларни ҳиссий ва руҳий манфаатларини бирлаштирадиган ҳамда умумий сафарбарлик маркази сифатида талқин этилади [21; 20 б.].

**Учинчи йўналиш** вакиллари (К. Маркс, Ф. Энгельс, М. Вебер, В.Ленин) миллатга ижтимоий-иктисодий, сиёсий бирлик сифатида қараб, айнан шу омиллар миллатни шакллантирган деган нуқтаи назарни илгари суришади.

К.Маркс ва Ф.Энгельс қарашларига кўра эса, капитализм тараққиёти туфайли, ижтимоий сафарбарлик бошланиб, муносабатларни ривожланиши интеграция жараёнларини кучайишига ва янги умумийликни шаклланишига, яъни миллат бирлашуви якунига етади. Улар таъкидлашича, миллий ва миллатлараро жараёнларни тараққиётига пролетар байналминалозми ва буржуа миллатчилигига намоён бўладиган синфий факторлар, қарама-қаршиликлар улкан таъсир кўрсатди<sup>15</sup>.

В.И.Ленин эса К.Маркс ва Ф.Энгельс ғояларига асосланиб, миллатга, улкан худудлардаги аҳолини бутун бирликка бирлаштирадиган, иктисодий муносабатлар асосидаги мураккаб характердаги ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди. Унинг фикрича, миллат элементлари капитализмга бўлган даврларда пайдо бўлган, аммо барқарор умумийлик - миллат – “буржуа даврининг ижтимоий тараққиётдаги муқаррар маҳсули ва муқаррар формасидир”<sup>16</sup>.

<sup>13</sup> Sacks M. Understanding the Soviet Society. - Boston, 1988. - P.11-22.

<sup>14</sup> Қаранг: Бессонов Б.Н., Филиппов Ю.И. Национальный вопрос во II Интернационале. - Второй Интернационал: социально-философские причины раскола социалистического движения. - М., 1991. - С.91-92.; Бауэр О. Национальный вопросы социал-демократия. - СПб., 1909. - С.159.

<sup>15</sup> Маркс К., Энгельс Ф. Соч. - Т. 4. - С.428.

<sup>16</sup> Ленин В. И. Полн. собр. соч. - Т. 26. - С. 75

II Интернационал назариётчилари (айниқса, К.Реннер ва О.Бауэр) “миллат”нинг психологик назариясини яратишиди. Миллат “интеграция”си базисига маданият, анъаналарни киритишиади<sup>17</sup>. И.В.Сталин “миллат”га нисбатан ўз қарашини илгари суриб, бу қарашида миллатнинг қатор объектив белгилари (умумий тил, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт) қаторига маданий-психологик факторларни қўшади. Айниқса, И.В.Сталин миллатни аниқлаштиришда унинг ҳудуди ва республика мақомига алоҳида эътибор қаратади. Айнан шу аснода Stalin социалистик миллатларни “қуриш”, уларни рўйхатини тузиш ва Конституцияда мустаҳкамлашга ҳаракат қилди<sup>18</sup>.

Хуллас, марксизм-ленинизм таълимотларида миллатни капиталистик ишлаб чиқариш билан боғлаб, унда мавжуд бўладиган синфий қарама-қаршиликларни тугаши, миллий тафовутларнинг ҳам йўқолишига олиб келади, ғоя ишлаб чиқилган ва уни амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилишган. Уни амалга оширишда жаҳон йўқсилларнинг ватани “йўқ”, балки ягона душмани бор, у ҳам бўлса буржуазия деган тамойилни амалга оширишга қаратилган фаолият олиб борганлар. Уларнинг ғоялари ғайри илмий эканлигини ҳаётни ўзи тасдиқлади. Чунончи, капитализм ривожланган сари унда синфий қарама-қваршиликлар ҳам сусайиб борди, аммо миллий ўзига хослик тугаши ўрнига янада кенгроқ доирада ривожланиб борди.

Собиқ Иттифоқ даврида илмдаги нохолислик авж олди. Чунончи, 1966-1969 йиллардаги илмий адабиётларда “миллат”га таъриф бериш ва унинг шаклланиш жараёнларига бағишлиланган мунозаралар олиб борилган. Улардаги асосий ғоя ҳам “миллат”нинг мустақил омил сифатидаги мақомини белгилаш, унинг ривожланиш имкониятларини очиш ўрнига, дунёдаги барча миллатларнинг ўзаро қўшилиб, ягона “миллат” шаклланишига қаратилган турли илмий нуқтаи назарларни ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилган.

<sup>17</sup> См.: Бессонов Б.Н., Филиппов Ю.И. Национальный вопрос во II Интернационале. - Второй Интернационал: социально-философские причины раскола социалистического движения. - М., 1991. - С.91-92.; Бауэр О. Национальный вопрос социал-демократия. - СПб., 1909. - С.159.

<sup>18</sup> См.: Тишков В.А. О новых подходах в теории и практике межнациональных отношений // Советская этнография. - 1989. - N 5. -С. 10.

Собиқ Иттифоқ давридаги олимлар “миллат” тушунчасига коммунистик мафкура\_манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда, синфий нуқтаи назардан ёндашиб, сохта байналминалликни ўрганишга ва тарғибот қилишга мажбур әдилар.

Чунончи, “миллат” таърифига унинг умумэътироф этилган белгилардан ташқари собиқ иттифоқ даври олимлари П.М.Рогачев ва М.А.Свердлинлар “этник мансубликни англаш, рухият хусусиятлари, илгор анъаналарни”<sup>19</sup> ҳам кўшишса, М.С.Джунусов эса, миллий ўзликни англашга<sup>20</sup> миллий белги сифатида қараган.

Умумий таҳлил қиласидан бўлсак, собиқ шўро давридаги олимлар “миллат” тушунчасига, унинг омилларига мафкуравий ва тузум манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда синфий нуқтаи назардан ёндошишган. Миллий масалани айнан шу жиҳатлари қатор олимларнинг илмий тадқиқотлари ва асарларида таҳлил қилинган<sup>21</sup>.

Сўнгги йилларда Англия – Америка адабиётларида “миллат” тушунчаси ўрнига “этниклик” ва “этник гурух” категорияси кўп қўлланилмоқда (Д.Белл, Н.Глейзер, Р.Клем, Д.Мойнихем, М.Сакс, Р.Смит), унга умумий тарих, умумий келиб чиқиш ва ҳудуд, умумий анъана ва маданият, ғурур ва бирдамлик хусусиятларини киритишади. Бу нуқтаи назарда, этник гуруҳлар давлатга талаб қўйишини энг мақбул формаси сифатида қаралиб, бирламчи гуруҳга ўз ҳудудига эга, иккинчи гуруҳга ўз ҳудудига эга бўлмаганларга ажратишади<sup>22</sup>.

Ч.Кейес, Д.Комарофф, Г.Лапидус, Д.Лейн, М.Нэш, Д.Ротшильд ва бошқа тадқиқотчилар “этниклик”ка жамият ижтимоий ташкилотларини базаси сифатида гуруҳларни эмоция ва психологик манфаатларини

<sup>19</sup> Рогачев П.М., Свердлин М.А. Нации — народ человечество.— М.: “Политиздат”, 1967, с.12.

<sup>20</sup> Джунусов М.С. Введение в марксистско-ленинскую теорию нации.— Ашхабад: Ылым, 1988, с.291.

<sup>21</sup> Бу ҳақда қаранг: Абдурахмонов Ф.Р. Мустақиллик ва миллий манфаатлар.- Т.: “Фан”, 1994; Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даври: сиёсий ва мафкуравий тайзиқ оқибатлари (1917-1991 йил).— Т.: “Ўзбекистон”, 2000; Отамуродов С., Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий-рухий тикланиш (социал-фалсафий таҳлил).— Т.; Янги аср авлоди, 2003. —Б.3-28.

<sup>22</sup> Sacks M. Understanding the Soviet Society. - Boston, 1988.- P.11-22.

бирлаштирадиган ва умумийлаштирадиган ва аниқ шаклда тил, озиқ-овқат, мусиқа каби кўринишларда ҳамда умумий сафарбарлик маркази сифатида “этник гурух”лар орқали аниқ сиёсий мақсадларга эришиш хусусиятларини ойдинлаштиришда умумий ёндошувга эга<sup>23</sup>.

Собиқ иттифоқнинг барбод бўлиши “миллат” тушунчаси ва унинг ривожланиш жараёнига бўлган муносабатларнинг ўзгаришига олиб келди. Бугунги кунда, МДҲ доирасидаги давлатларда, хорижда, шунингдек Ўзбекистонда эълон қилинган ва қилинаётган илмий адабиётларда, илмий изланишларда “миллат”нинг мустақил омил эканлиги, унинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳалардаги ўта муҳим роли эътироф этилмоқда. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, “миллат” тушунчасига берилаётган таърифларда ҳалигача умумий яхлит фикрга келинганича йўқ. Унга ҳар бир муаллиф қарашларини ўзига хос таърифлаб келмоқда. Улар орасида, ҳатто “миллат”ни реал омил сифатида мавжуд эмаслиги ғоясини илгари сураётганлар борлигини кўриш мумкин.

Жумладан, рус олимни П.А.Сорокин, миллат ижтимоий борлик сифатида мавжуд эмас<sup>24</sup>, деган фикрни илгари сурган бўлса, В.А.Тишков “миллат бу сиёсий шиор ва сафарбар қилувчи восита, аммо у илмий тушунча ҳам эмас... Унинг яшашга ҳуқуқи йўқ ва у илмий тилдан олиб ташланиши керак”<sup>25</sup>, деб ҳисоблайди.

Бизнинг фикримизча, олимларнинг бундай концепциялари ҳақиқий реаллик сифатида намоён бўладиган, тили, маданияти, қадриятлари сингари ўзига хос белгиларга эга элат ва миллатлар каби инсониятнинг ижтимоий бирлик шаклларини инкор этишdir, зеро дунё миқёсидаги миллий жараёнларнинг бугунги ҳолати (Испанияда католон ва басклар ҳаракати, Ироқда курдлар, Буюк Британияда ирландияликлар ва шотландияликларнинг мустақил давлатчилик учун амалга оширилаётган ҳаракатлари) нуқтаи

<sup>23</sup>Rotschild J. Ethnopolick: a conceptual framework. - W.-Y..1981. - P. 7; Komaroff J. Op.clt. - P.667; Glazer N. Op.cit.- P.141-176.

<sup>24</sup>Сорокин П.А. Человек, цивилизация, общество.–М.;1992. –Б.248.

<sup>25</sup>Тишков В.А. Пост Советское пространство: этночеловеческие проблемы ( “круглый стол”). – Социологические исследования.№1, 1997. –Б.52.

назаридан қарайдиган бўлсак, юқоридаги фикрлар реал ҳаётдан узилиб қолганлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда “миллат” инсоният, жамият ва ҳатто мамлакатлараро муносабатларнинг муҳим омили сифатида ўзини таъсир кучини кўрсатмоқда. Бунга ҳозирда жаҳонда шиддат билан кечеётган ўзгаришлар негизида миллий ўзликни англаш жараёнларини кучайиши ва айнан акс таъсир жараёнларини кузатиш мумкин.

Мустақилликдан кейинги даврларда эълон қилинаётган илмий асарлар, изланишларда “миллат” тушунчаси, унинг генезиси ва ривожланиш жараёнларига оид янгича тафаккур асосидаги ёндошувларни кўриш мумкин. Зеро, илмий фаолият соҳасида мустақиллик шарофати туфайли кенг имкониятлар эшиги очилди. Жумладан, С.Оtamуратов, Н.Жўраев, Н.Маманазаров, А.Очилдиев, В.Кўчқоров, З.Ҳайитов, З.Хусниддинов<sup>26</sup> ва бошқа муаллифлар томонидан эълон қилинган илмий асарлар, мақолалар, диссертация ва монографик асарларни келтириш мумкин. Бу асарларда “миллат” тушунчаси, у билан боғлиқ бўлган муносабатларни турли қирралари ўрганилган.

Хусусан, С.Оtamуратов миллатга таъриф беришда моддий омиллардан кўра маънавий омилларга устуворлик билан қараганлигини кўриш мумкин: “...Миллат деганда, кишиларнинг ягона тил, миллий ўзликни англаш рухияти, маънавият (кенг маънода), урф–одатлар, анъаналар, қадриятлар ягоналиги асосида маълум ҳудудда яшовчи ўз давлатига эга бўлган, иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи ҳамда яратувчи кишиларнинг этник бирлиги тушунилади”<sup>27</sup>.

<sup>26</sup>Оtamуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). –Т.: “Янги аср авлоди”, 2008; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: “Маънавият”, 2008; Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар. –Т.: 2004.; Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: “Ўзбекистон”, 2004; Кўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий сиёсий жараёнлар. –Т.: “Akademiya”, 2007; Ҳайитов З. Мустақиллик ва миллий ўзликни англаш. –Т.: “Фан”, 2008; Хусниддинов З. Диний бағрикенглик ва жамият тараққиёти. –Т.: “Академия”, 2005 ва бошқалар.

<sup>27</sup>Оtamуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). –Т.: “Янги аср авлоди”, 2008.–Б.39.

Яна бир файласуф олим А.Очилдиев “...ҳар қандай миллат муайян ижтимоий-иктисодий алоқалар тизими билан боғланган этноижтимоий бирлиқдир” – деган хulosага келади. Унда “миллат” мавжудлигини миллий ғоя билан уйғун ҳолда күрсатиб беради<sup>28</sup>.

“Миллат” моҳиятига ёндошувда Н.Маманазаров, миллатнинг тил, ҳудуд, иқтисодий белгилари белгилари бир қаторда маданий–психологик бирлиги ва миллатни асосий мезонларидан миллий ўзликни англашга алоҳида урғу берган<sup>29</sup>.

Миллат мақомини ойдинлаштиришда маданиятга устуворлик берилганини В.Қўчқоровни асарида кўриш мумкин: “Маданият этногенезда ҳал қилувчи ўринда туради. Маданиятсиз бирор ҳалқ, миллат ижтимоий–этник бирлик сифатида шаклланган эмас. Айнан ўзига хос маданияти орқалигина ҳалқ, миллат мавжуддир. Шунинг учун ҳам ҳалқ, миллат шаклланишининг тарихи уларнинг маданияти тарихидир. Ундан миллий ўзлик ҳам чекада қолмайди. Ҳатто, айтиш мумкинки, миллий ўзликни англаш ҳалқ этногенезининг ҳам, миллий–маданий тараққиётининг ҳам чўққисидир”<sup>30</sup>

Миллатни мустақил субъект сифатида шаклланишида моддий ва маънавий омилларни аҳамияти ҳақида мутахассислар ўз илмий қарашларини илгари суришган. Хусусан, бу омиллар уйғунлиги ўзбек миллатини шаклланиш тарихи, этнографияси ва ижтимоий ҳаётини ўргангандар Б.Ахмедов, К.Шониёзов, И.Жаббаров, А.Аширов ва бошқа бир қатор ўзбек олимлари асарларидан билиб олишимиз мумкин.<sup>31</sup>

<sup>28</sup> Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатларо муносабатлар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004.–Б.37-38..

<sup>29</sup> Мамназаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар.-Т.: ТМИ, 2004.– Б.7–26 – 30.

<sup>30</sup> Қўчқаров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий сиёсий жараёнлар.– Т.: “Akademiya”, 2007.– Б. 23

<sup>31</sup> Ахмедов Б. Ўзбек улуси.– Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси, 1992; А.Аскаров ва Б.Ахмедов. Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиш тарихи (дастлабки мулҳозалар), “Ўзбекистон овози” газетаси, 1994, 20 январь; Шониёзов К. Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни.– Т.: “Шарқ”, 2001; Жаббаров И. Антик маданият ва маънавият ҳазинаси.– Т.: “Ўзбекистон”, 1999; Жаббаров И. Ўзбеклар ( Анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти ) Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри).– Т.: “Шарқ”, 2008; Ахмедов А. Туркликми, ўзбекликми ? – “Мулоқот”, № 11–12, 1994; Аширов А. Ўзбек ҳалқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.– Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007 ва бошқалар.

“Ҳар қандай халқ миллат даражасига кўтарилиганда у ўз–ўзини англаб етади. Аниқ ҳудудий чегарага эга бўлган, бой маданий ва маънавий бойлик меросхўри сифатида она–Ватан ғурури ва ғами билан яшайди, она – юртининг келажаги йўлида фаол ва астойдил меҳнат қиласиди”<sup>32</sup>, деб ёзади А.Аскаров ва Б.Аҳмедов. Улар фикрини ўзига хослиги, миллатнинг шаклланишига моддий ва маънавий омиллар таъсирини эътироф этиб, унинг маънавиятини асосини миллий ўзликни англаш ташкил этишига алоҳида урғу беришган.

Миллатларнинг этник бирикиш жараёнида иқтисодий ва маданий муносабатларнинг аҳамиятини кўпгина мутахассислар таъкидлаб ўтишади. Хусусан, К.Шониёзов бу борада қуидагиларни ёзган эди: “Бир этноснинг бошқа этнос билан жипслashiши жараёнини этнослараро бирикиш деб атаймиз. Бу турдаги бирикишда келиб чиқиши бир хил бўлмаган этник гуруҳлар ҳам иштирок қиласиди. Аммо бир хил ( қавм – қариндош ) этнослар яшаш жойлари яқин ёки бир ҳудудда бўлса, этнослар орасидаги жипслashiш жараёни ижтимоий –иқтисодий ва маданий алоқалар тобора ривожланиб бораверса бирикиш жараёни самарали бўлади”<sup>33</sup>.

Миллатнинг мустақил субъект сифатида шаклланишида иқтисодиёт, маънавият ва маданиятнинг ўзаро уйғунлигига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бу фикрни исботини ўзбек миллатини ривожланиш босқичларидан топиш мумкин. Бу борада этнограф, И.Жаббаров изланишлари диққатга сазовордир<sup>34</sup>.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида: “Миллат - узоқ давом этган ижтимоий, сиёсий ва этно-маданий жараёнда, аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг юксак

<sup>32</sup>Аскаров А., Аҳмедов Б. Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиш тарихи (дастлабки мулоҳазалар). “Ўзбекистон овози” газетаси, 1994, 20 январь.

<sup>33</sup>Шониёзов К. Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни. – Т.: “Шарқ”, 2001.– Б.81–82.

<sup>34</sup>Жаббаров И.Ўзбеклар. ( Анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти) Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри).– Т.: “Шарқ”, 2008.– Б. 72– 73.

чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли”<sup>35</sup>, деган таъриф берилган.

Айрим олимлар миллатнинг мустақил субъект сифатида шаклланишида иқтисодиёт, маънавият ва маданиятнинг ўзаро уйғунлигига алоҳида эътибор қаратишади<sup>36</sup>.

*Бизнингча, миллат деганда – кишиларнинг ягона тилда сўзловчи, ўзларини келиб чиқши бирлигини англаган, жуғрофий омиллар таъсирида шаклланган ирқий қиёфага эга, ўзига хос моддий ва миллий маданият, урф–одат, маросим, анъаналар, қадриятлар, турмуш тарзи, руҳияти, дунёқараши, ўзлигини англаш негизида шаклланган маънавият, тарихий хотира асосида маълум ҳудудда яшовчи, ўзларини йўқ бўлиб кетмаслиги учун онгли ҳимояланиш тизимиға эга, жаҳон ҳамжасияти томонидан эътироф этилган, мустақил субъект сифатида ўз миллий давлатига эга бўлган кўп сонли кишиларнинг этник бирлиги тушунилади.*

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, миллат шаклланишида нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий омиллар бир қаторда маънавий-маданий-моддий омилларнинг ҳам таъсири ва роли бўлган.

**Шу билан биргаликда бошқа тадқиқотчиларнинг назаридан четда қолаётган, миллат шаклланишига, унинг ташқи қиёфаси, ирқи, турмуш тарзи ва хўжалигини шаклланишида бевосита таъсир кўрсатадиган жуғрофий омилни ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ хисоблаймиз. Буюк аждодимиз А.Р.Беруний ўз асарларида, инсонни ранг-рўйи, ташқи қиёфаси, тили, турмуш тарзи, қадриятларининг шаклланишига улар яшаётган замин таъсир кўрсатишини қайд этган** <sup>37</sup>.

<sup>35</sup>Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.Ж.5.- Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.659.

<sup>36</sup> Бу ҳақда қаранг: Жаббаров И. Ўзбеклар. ( Анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти) қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри). – Т.: “Шарқ”, 2008.– Б. 72– 73; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: “Шарқ”, 2001.– Б.81–82.ва б.

<sup>37</sup>Бу ҳақда қаранг:Беруний А.Р.Танланган асарлар. Итом.— Т.: “Фан”, 1968.

**Жуғрофий омилларнинг инсон жамоалари, шунингдек миллатларнинг шаклланишидаги таъсирини қуидагича изоҳлаш мумкин: миллатлар ўзи яшаётган географик худуд ( макон ) белгилаб берган, шу худуднинг ўзига хос хусусиятлари, рельефи, ландшафтiga боғлиқ ҳолда ва улар асосида шаклланган “худудий инсон” категориясига асосланади. Бироқ бундай алоқадорлик инсонларнинг муайян этник мансублигини ойдинлаштириб, инсонларнинг давлатлар, этнослар, маданиятлар, цивилизациялар ва ҳакозаларда юритадиган кенг миқёсидаги ижтимоий фаолиятида яққолроқ намоён бўлади<sup>38</sup>.**

Ўзбекистон полиэтник таркибга эга давлат. Тадқиқот давомида илмий изланишларни ўрганиб, жамият таркибини кўп миллатли бўлиб шаклланиш жараёни омиллари ҳақидаги қарашларни қуидагича тизимлаштирилди:

- **Тарихийлик омили** (Қадимдан бу ҳудудда ўзбекларга жондош–кондош бўлган қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келишган)<sup>39</sup>;
- **Чор Россиясининг кўчириш сиёсати омили**<sup>40</sup>;
- **Совет давлатининг аниқ мақсадга қаратилган миграция сиёсатиомили**<sup>41</sup>;
- **Собиқ иттифоқни парчаланиш омили**<sup>42</sup>;
- **Замонавий миграция сиёсати омили**<sup>43</sup>.

---

<sup>38</sup> Дугин А. Основы geopolитики. Часть первая.— М.: Арктогея, 1997.; Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли.— Л.: Гидрометеоиздат, 1990.

<sup>39</sup> Бу ҳақда қаранг: Жўраев Н. Ягона замин — ягонатақдир. Ўзбекистон миллатларо ҳамжиҳатлик йўлида.— Т.: “Университет”, 1996.; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.— Т.: “Шарқ”, 2001 ва бошқалар.

<sup>40</sup> Бу ҳақда қаранг:Fafforov Ш. Чоризмнинг кўчириш сиёсати.— Т.: “Фан ва турмуш” 4/99.; Пасилов Б. Колониальный характер миграционной политики советского тоталитарного режима. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар.— Т.: “Шарқ”, 1999. ва бошқалар.

<sup>41</sup> Бу ҳақда қаранг:Ата.— Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко.– демографический аспект.– Тошкент, 1998.; Мельникова Г.С. Формирование промышленных кадров в Узбекистане. – Тошкент, 1956.; Гентшке В.Л., Таджибаев А.А. Формирование рабочего класса Средней Азии ( 20–30–е гг.).– Тошкент, 1992. ва бошқалар.

<sup>42</sup> Бу ҳақда қаранг: Известия.: “Перевод с русского” Чем оборачивается языковая непримеримость. № 296, октябрь, 1990.; G.Fuller. “Central Asia: the New Geopolitics” 1992.; Ремарчук В.Н. Постсовет маконидаги мажороларнинг ҳал этишда армиядан фойдаланишнинг айrim жихатлари.– Москва, 1994. ва бошқалар.

<sup>43</sup> Бу ҳақда қаранг: Мусаев О.Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий– фалсафий хусусиятлари ( докторлик диссертация автореферати). – Тошкент, 2016.

Маълумки, миллатлараро муносабатлар ижтимоий муносабатларни алоҳида шакли, шу билан биргаликда иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

“Миллат”га оид ижтимоий–сиёсий, фалсафий–илмий концепцияларни туркумлаштириш тамойиллари назарий– методологик жиҳатдан ўрганилган. Этнос, этник бирлик мавзуси доирасида қатор ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Примордиалистик** концепциясида этнос доминант сифатида олиб ўрганилган. Унда “этнос” ва “миллат” тушунчаларининг субстанционал ва экзистенциал ёки тарихий илдизларини таҳлил қилиш, “қондош” ўзгармас белгиларга эга ижтимоий гурӯхни инсониятнинг бошланғич уюшмаси сифатида талқин қилиш устуворлик касб этади<sup>44</sup>.

« Этнос – ўзининг келиб чиқиши бирлигини англашган, бир тилда сўзлашувчи, ўзининг турмуш тарзи, урф–одатлар, қадриятлар мажмуасига эга кишилар гурӯхи бўлиб, айнан бошқалардан шу белгилар билан фарқланади»<sup>45</sup>.

Бизнинг фикримизга, бу ёндашувда этносга этногенез нуқтаи назарда ёндашилган бўлиб, этносни ижтимоий–фалсафий воқелик сифатида моҳияти тўлиқ ечишмаган.

**Этноснинг дуалистик концепцияси** Собиқ Иттифоқ ФА Этнография институти ( ҳозирда РФ ФА этнология ва антропология институти)да Ю.В.Бромлей бошчилигида ишлаб чиқилган.

Бу концепциясида этносларни мавжудлигига икки нуқтаи назардан ёндошилади: тор маънода этнос “этникос” деб номланиб, “ худудда муқим яшайдиган тарихий шаклланган нафақат умумий белгилар, балки барқарор маданий ўзига хослиги, рухиятига эга, ўзларини бирлигини англашган, миллий

<sup>44</sup> •Коркмазов А. Ю. Проблема этноса и этничности в науке: в поисках парадигмы // Сборник научных трудов. Выпуск 1 (11). Серия «Гуманитарные науки» // Северо-Кавказский государственный технический университет. — Ставрополь, 2004.

<sup>45</sup> Широкогоров С. М. Этнос. Шанхай, 1923. С.13

ўзлиги этнонимида намоён бўладиган, шу хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турадиган кишилар йигиндисидир”.

Кенг маънода этнос “**Этноижтимоий организм**” ( ЭИО) деб номланиб, давлат ҳудуди доирасида яшайдиган этнос сифатида қаралган<sup>46</sup>.

Этносга нисбатан **ижтимоий** – **биологик ёндошувда** этносни мавжудлиги инсоннинг биологик моҳияти туфайлидир, деган ғояни илгари суришади. Этник мансублик примордиал, яъни азалдан кишилар учун хос хусусият сифатида қаралган. Бу ёндошувни моҳияти **Пьер ван ден Берге** ҳамда **Гумилёвни пассионар** назарияларида кенг ёритилган. **Пьер ван ден Берге назариясида** этология вазоопсихология нуқтаи назари кучли бўлиб, унга кўра, ижтимоий ҳаётнинг кўп кўринишлари инсон табиатини биологик хусусиятларидан келиб чиқади, деган ғоя илгари сурилади. **Этнос**– бу “**кенг қариндошлар грухи**”<sup>47</sup>.

Гумилевнинг **этногенез пассионар** назариясида, этнос табиий шаклланган кишилар грухи бўлиб, тизимли бутунлик сифатида мавжуд бўлади. Унинг фикрича, этнослар (субэтнос, конвиксия, консорция) этник тизим шаклларидан бири бўлиб, супер этносни таркибига киради. Этнослар шаклланишида ландшафт таъсирини қайд этади. Гумилёв гипотезасида этнос моҳиятини тушунтиришда пассионарлик тушунчасини киритиб, уни этногенез жараёнлари ва этносларни ўзаро алоқасини ёритишга ҳаракат қиласи<sup>48</sup>.

Афсуски, Гумилевни бу назарияси кенг илмий жамоатчилик томонидан қўллаб–қувватланмади<sup>49</sup>.Хозирги пайтга келиб эса, Гумилев назариясини ўрганишга илмий доираларда интилиш кучайиб бормоқда<sup>50</sup>.

---

<sup>46</sup>Бромлей Ю. В. Очерки теории этноса / Послесл. Н. Я. Бромлей. Изд. 2-е доп. — М.: Издательство ЛКИ, 2008. — 440 с.

<sup>47</sup>Бу ҳақда қаранг: Коркмазов А. Ю. Проблема этноса и этничности в науке: в поисках парадигмы // Сборник научных трудов. Выпуск 1 (11). Серия «Гуманитарные науки» // Северо-Кавказский государственный технический университет. — Ставрополь, 2004

<sup>48</sup>Гумилёв Л. Н. Этногенез и биосфера Земли. СПб.: Кристалл, 2001

<sup>49</sup>Давидов Д.Г. Пассионарность – от идеи к эмпирическим исследованиям // Пассионарная энергия и этнос в развитой цивилизации: Материалы Всерос. междисциплин. науч.-практ. конф. –М.: Изд-во СГУ, 2008. С. 24-33.;Владимир Кореняко«Этнонационализм, квазисториография и академическая наука» // «Реальность

Этнос моҳиятини ойдинлаштиришда **инструменталистик** ёндошувда илгари сурилаётган ғоялар диққатга молиқдир. Бу концепцияда кишилар у ёки бу мақсадларга эришишларида этниклик инструмент сифатида қаралади. Этник гурухларни ҳар қандай фаолияти ва фаоллиги этник элитларни ҳокимият ва имтиёзлар учун мақсадли фаолияти деб қаралади. Инструменталистик ёндошувда икки хил йўналиш: **элитар** ва **иқтисодий** инструментализмга ажратишади.

**Элитар** инструментализмда этник туйғуларга амалга оширишда элитларни ролига алоҳида аҳамият беришади. **Иқтисодий инструментализмда** эса, этник зиддиятлар ва келишмовчиликлар турли этник гуруҳ аъзоларини иқтисодий нотенглиги билан изоҳлашади<sup>51</sup>.

**Конструктив** ёндошувда, **этносга** алоҳида олинган шахслар (маданий ва бошқарувчи элиталар) интеллектуал таъсири ёрдамида шакллантириладиган конструкт сифатида қаралади, конструктивистлар этник анъаналарни сунъий яратиш ва амалиётга кенг жорий этилганлигига эътибор қаратишади<sup>52</sup>.

Миллатлараро муносабатларга оид илмий–назарий концепциялар Мусаев О.Р. илмий ишида қуидагича таснифлаган<sup>53</sup>:

- Эстатистик концепциялар;
- Этнологик концепциялар;
- Этносоциал концепциялар;
- Этномаданий концепциялар;
- Этнопсихологик ёндашув;

---

этнических мифов» Под ред. А. Малашенко и Марты Брилл Олкотт. М.: МосковскийцентрКарнеги, октябрь 2000. — 99 с

<sup>50</sup> Zaikova T.M. Passionarity ethnogenesis theory and laws of historical development. — Vienna. : Avstrian journal of humanities and social Scienses, 2015, № 1-2.p.25-27/

<sup>51</sup>Бу ҳақда қаранг: Гулиев М. А., Коротец И. Д., Чернобровкин И. П. Этноконфликтология. — М.: ИКЦ «МарТ»; Ростов н/Д: Издательский центр «МарТ», 2007. — 224 с.

<sup>52</sup>Бу ҳақда қаранг: Андерсона Б. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма / Пер. с англ. В. Николаева; Вступ. ст. С. Баньковской.— М.: «КАНОН-пресс-Ц», «Кучково поле», 2001.— с 31.; Попков Ю. В., Топорков В.Т.Этничность реальная или воображаемая: новый конструктивизм. // Вестник НГУ. Серия: Философия. 2006. Том 4, Выпуск 2

<sup>53</sup>Бу ҳақда қаранг: Мусаев О.Р. Узбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий–фалсафий хусусиятлари.( докторлик диссертация автореферати)— Тошкент, 2016.

- Трансцендентал ёндашувлар ;
- Мультикультурация ғояси.

**Аммо ушбу тизимлаштиришни тугал деб қарааш мақсадга мувофик эмас.** Илмий адабиётларни ўрганишлар бу тизимлаштириш таркибига қўйидаги концепцияларни киритишни тақозо этади:

**Этноантропогенез концепциялари.** Ушбу концепцияларда айнан ирк, “миллат”нинг келиб чиқиши, шаклланиши ва унга хос бўлган хусусиятлар ўрганилган. Ушбу йўналишларга хос ғояларни илмий изланишлар олиб борган қатор олимларни ишларида қўриш мумкин<sup>54</sup>.

**Этномаънавий концепциялар.** Уларда миллатни шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар доирасида маънавий хусусиятларга устуворлик берилган, глобаллашув жараёнида ўзликни асраб қолиш, миллий ривожланиш, миллий ғоя билан боғлиқ масалалари чуқур тадқиқ қилинган<sup>55</sup>.

**Этногеосиёсий концепциялар.** Бу йўналишлар тарафдорлари фикрича<sup>56</sup>, миллатнинг пайдо бўлиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларни шаклланишида, миллий манфаатларини қандай бўлишлигини географик омил, аниқроғи замин (макон) ва иқлим омилларига боғлаб тушунтиришади.

**Ўзбекистонда** мустақиллик йилларида “миллат” тушунчасини мустақил тадқиқот обьекти сифатида ўрганиш, миллий ва миллатлараро муносабатларни ривожланиши борасида концептуал ғоялар шаклланди.

---

<sup>54</sup>Бу ҳақда қаранг: Широкогоров С. М. Этнос. Шанхай, 1923.; Бромлей Ю. В. Очерки теории этноса / Послесл. Н. Я. Бромлей. Изд. 2-е доп. — М.: Издательство ЛКИ, 2008.; Коркмазов А. Ю. Проблема этноса и этничности в науке: в поисках парадигмы // Сборник научных трудов. Выпуск 1 (11). Серия «Гуманитарные науки» // Северо-Кавказский государственный технический университет. — Ставрополь, 2004; Ахмедов Б. Ўзбек улуси.— Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси, 1992; А.Аскаров ва Б.Ахмедов. Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши тарихи (дастлабки мулоҳазалар), “Ўзбекистон овози” газетаси, 1994, 20 январь; Шониёзов К. Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни.— Т.: “Шарқ”, 2001; Жаббаров И. Антик маданият ва маънавият хазинаси.— Т.: “Ўзбекистон”, 1999; Жаббаров И. Ўзбеклар (Анъянавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти) Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри).— Т.: “Шарқ”, 2008; Ахмедов А. Турклими, ўзбеклими ? — “Мулоқот”, № 11–12.

<sup>55</sup>Каримов И.А. Юқсан маънавият енгилмас куч.— Т.: “Маънавият”, 2008.; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). — Т.: “Янги аср авлоди”, 2008.; Маманазаров Н. Мустақиллик ва миллий-этник жараёнлар.— Т.: 2004.; Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. — Т.: “Ўзбекистон”, 2004 ва бошқалар.

<sup>56</sup>Бу ҳақда қаранг: Гумилёв Л. Н. Этногенез и биосфера Земли. СПб.: Кристалл, 2001.; Коркмазов А. Ю. Проблема этноса и этничности в науке: в поисках парадигмы // Сборник научных трудов. Выпуск 1 (11). Серия «Гуманитарные науки» // Северо-Кавказский государственный технический университет. — Ставрополь, 2004 ва бошқалар.

“Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади, - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак. Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гурӯхларни ўз ичига олувчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир” [56; 27 б.], - деган фикрни билдирган<sup>57</sup>.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев бу борада: “Ҳозирги вақтда диёримизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшамоқда, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи-назар, барча фуқаролар учун teng ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади”<sup>58</sup>.

Бу фундаментал нуқтаи назарлар бугунги кунда “миллат”га таъриф бериш ва мезонини белгилашда методологик аҳамиятга эгадир.

**“Миллат”га оид ижтимоий – фалсафий қарашлар таҳлили бўйича фикрларни умумлаштириб қўйидаги назарий хулосаларга келинди:**

1. Юқоридаги тадқиқотлар таҳлилидан кўринадики, олимларнинг миллатга таъриф беришда ягона ёндашув мавжуд бўлмаса-да, аммо таърифларда умумий хусусиятлар мавжудлиги аниқланди. Шунга асосланган ҳолда, “миллат”ни инсоният ижтимоий тараққиётининг ҳосиласи сифатида шаклланадиган, жуғрофий омиллар таъсирида шаклланган ирқий қиёфага эга, умумий этник белгилар (тил, ҳудуд, маданият, турмуш тарзи, онг, ўзликни англаш, руҳият, қадриятлар ва х.к.) асосида бирлашадиган, айнан шу

<sup>57</sup>Каримов И.А.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари .-Т.: “Ўзбекистон”, 1997.- Б.73-74.

<sup>58</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016.Б- 9

белгилар асосида бошқа бирликлардан фарқланадиган кишиларнинг маданий-ижтимоий бирлик шакли сифатида таърифлаш мумкин.

2. Миллат ўз тақдирини мустақил белгилаши ва миллий тараққиётга эришиши шарти сифатида миллий давлатчиликка эга бўлиши тушунилади. Қарамлик ва тобелик миллат манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқишига тўсқинлик қиласди..

3. Миллатни мустақил ижтимоий бирлик сифатида шаклланишида жуғрофий, моддий ва маънавий омиллар уйғунлиги муҳим роль ўйнаган. Бу омиллар миллий хусусиятларда алоҳидалик ва бошқаларга ўхшамаслик каби имманент менталитетни вужудга келтиради.

4. Миллий мустақиллик ҳар бир миллатга мавжуд имкониятлари, салоҳиятларини тўлиқ намоён этишга, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига, сиёсий ва маънавий жиҳатдан тараққий этишга кенг имкониятлар яратиб беради.

5. Ўзбекистон халқини ташкил этаётган барча миллат ва элатлар “Ўзбекистон-умумий уйимиз” ғояси атрофида бирлашиб, ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олижаноб мақсадга эришишда ўзларини муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

## **“Миллий муносабатлар” ва “миллатлараро муносабатлар” тушунчасининг мазмуни ва ўзаро вобасталиги**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик хуқуқий давлат фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари кўп миллатли мамлакатимизда миллий ва миллатлараро муносабатларни бутун ҳолатини қайта идрок этишни, бу соҳада йиғилиб қолган муаммоларни янгича тафаккур нуктаи назаридан туриб чуқур назарий мушоҳада этишни талаб қилмоқда. Зеро, аксар тадқиқотчилар глобал, минтақавий, худудий геосиёсатда этник омил ролини ортиб бораётганлигига эътибор қаратишмоқда<sup>59</sup>. Бу ҳодисани ғарб тадқиқотчилари “этник уйғониш” феномени сифатида талқин этишмоқда<sup>60</sup>.

Миллатнинг ривожланиши – миллий муносабатлар, миллий психология, миллий тил ва маданият, миллий ўзликни англаш ва миллий туйғуларни ўзида ифодалайдиган миллатлараро муносабатларни ҳам ривожланиши демакдир. Шу боисдан ҳам ана шу муаммоларни ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам миллий ва миллатлараро муносабатларда ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар, мавжуд қийинчиликлар, зиддиятлар ўз аксини топиши табиийдир. Миллий муносабатлар билан миллатлараро муносабатлар ўртасида фарқ борми? деган саволга Отамуратов С.: “Фикримизча, улар ўртасида фарқ бор. Миллий муносабатлар деганда айрим олинган миллатга нисбатан бўладиган турли амалий фаолиятни тушуниш мумкин. У давлат у

---

<sup>59</sup>Бу ҳақда қаранг: Абдурахманов Ф. Проблемы национальных интересов в условиях независимости Республики Узбекистан.-Автореф.дисс.докт.филос.наук.-Тошкент,1995; А.Мўминов.Миллатлараро муносабатлардаги муаммоларни ўрганишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: Фан, 1996; А.Очилдиев. Миллий истиқол ғояси-миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш омили. - Автореф.дисс.доктфилос.наук.-Т.:2004; О.Мусаев.Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари.докт..дис.автореферати. – Тошкент, 2016 ва бошқалар.

<sup>60</sup>Бу ҳақда қаранг: G.Fuller. Central Asia: the New Geopolitics. 1992. № 7; Христианство и цивилизация (Сборник статей А. Тойнби) Москва, «Прогресс», 1995.

ёки бу миллатнинг бошқаси билан бўладиган алоқаларини англатадиган тушунча ҳисобланади”, деб таъкидлайди. Миллатлараро муносабатларни эса, “у бир миллатнинг бошқаси билан бўладиган муносабати, давлат ёки бошқа объектнинг унга бўладиган муносабати эмас, балки бир неча миллатлар ўртасида бўладиган кенг қамровли муносабатлар англатади”<sup>61</sup>.

Олимнинг фикрини таҳлил қилсак, миллий муносабатлар у ёки бу даражада давлат фаолияти билан намоён бўлади, миллатлараро муносабатларда эса, унинг ( яъни давлатни) аралашуви назарда тутилмайди. Шу фарқлар мавжуд бўлиши билан биргалиқда, улар ҳар доим узвий алоқадорликда намоён бўлишини таъкидлайди<sup>62</sup>. Бизнинг фикримизча, бу фарқлар ушбу муносабатларнинг маънавий-аҳлоқий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатларига таалуқли, аниқроғи, муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жиҳатлари доимо давлат фаолияти орқали қонунлар билан тартибга солинади, маънавий аҳлоқий жиҳатлар эса, синергетик қонуниятлар асосида ўз ўзини ташкиллаштириш орқали такомиллашади.

Миллий муносабатлар миллий масала бўйича миллий бирлик субъектларининг ички алоқаларида намоён бўлувчи жамиятдаги муносабатлар шакли бўлиб, бу йўналишда асосий ургу муайян давлатда ички миллий ҳамкорликка эришишга қаратилган бўлади. Миллий муносабатлар тизимида ижтимоий, маданий, сиёсий, этник, хуқуқий аспектлар мавжуд бўлади. Шунингдек, миллий муносабатлар турли даражада – давлатлараро ва давлат ичидаги, муайян миллатлар ичидаги ва миллатлараро кўринишда ( яъни, кўп миллатли давлат доирасидаги миллий бирликлар ўртасидаги муносабат кўринишида), жамият ва шахслараро кўринишда мавжуд бўлади ва ривожланади<sup>63</sup> .

Миллий муносабатлар ривожланишида иккита ўзаро кесишадиган тамойил ажратилади:

<sup>61</sup>Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат.- Т.: “Янги аср авлоди”, 2008. – Б.64-65.

<sup>62</sup>Ўша жойда.

<sup>63</sup>Бу ҳақда қаранг: Моисеев Н.Н. Цивилизация на переломе. Пути России. М., 1996; Социология межнациональных отношений. М., 1996; Россия: социальная ситуация и межнациональные отношения в регионах. М., 1996.

- инсон ҳаёти барча томонларининг иқтисодий интеграцияси ва байналминаллашуви тамойили;
- Миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзлигини намоён этиш, ўзини ўзи бошқаришга интилиш тамойили.

Ушбу тамойиллар қўпинча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги асосларга эга бўлган объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ тўқнашув ва зиддиятлар ҳолида бўлади.

Қайд этиш лозимки, “миллий” тушунчасининг маъно-мазмуни объектив воқелик билан боғлиқ бўлиб, унда иккита асосий муҳим белги-этник белги ва давлатчилик белгиси акс этади. Faafurov S.M.ning фикрича, бир ҳолда “миллат” тушунчаси одамларнинг тарихий бирлиги билан, бошқа ҳолда эса “давлат” тушунчаси билан ва, тегишлича, “миллий” сўзи – “давлатга оид” сўзлари билан айнанлаштирилади<sup>64</sup>.

Э.Кадоури фикрича, “миллийлик” давлат мустақиллигини қўлга киритган пайтидан эмас, балки кўпроқ унда муайян жамият ва яшаш худудига содиқлик ва мансубликка асосланган ижтимоий-этник бирлик ҳисси туғилган, яъни миллат юзага келган пайтдан бошланади<sup>65</sup>.

Фикримизча, “миллий” тушунчасининг маъно-мазмуни объектив воқелик билан боғлиқ бўлиб, унда иккита асосий муҳим белги-этник ва давлатчилик белгиси акс этади. Миллий мустақиллик Ўзбекистоннинг миллий қайта тикланиши ва давлатчиликнинг ривожлантириш учун зарурӣ шароитларни юзага келтирди ҳамда мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг миллий эҳтиёжларни қондиришга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Ўзбекистонликлар мустақилликни олий қадрият сифатида эъзозлашади, ўз навбатида, миллатлараро тотувлик мустақилликнинг асосий бойлиги ҳисобланади.

---

<sup>64</sup>Бу ҳақда қаранг: Faafurov S.M. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё республикалари ва Форс кўрфази араб давлатлари амалиёти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нашриёти, 2007. Б-12.

<sup>65</sup>Бу ҳақда қаранг: Kedourie E. Nationalism.- Cambridge, MA:Blackwell, 1994.-P.5- 8.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган тадқиқот доирасида “Сиз, умумий уйимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги Ўзбекистон мустақиллигининг энг қимматли бойлиги эканлигига қўшиласизми?”, деган саволга респондентлар жавобларининг натижалари (2003–2017 йиллар) ўзбекистонликларда жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги мамлакат мустақиллигининг энг қимматли бойлиги ҳисобланиши ҳақидаги яққол ифодаланган ишонч устуворлик қилишини тасдиқлади.

Қиёсий таҳлил қилинганда, 2016 йилда респондентлар 94,30%и бу фикрга тўлиқ қўшилишини, 2,2%и қўшилмаслигини, 3,1 %и жавоб беришга қийналишини билдирган бўлса, 2017 йилда 99,8%и тўлиқ қўшилишини, қўшилмайдиганлар 0%ни, 0,2 %и жавоб беришга қийналишини билдирган. Тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги мамлакатнинг мустақиллик йилларидағи энг қимматли бойлиги ҳисобланиши ҳақидаги мамлакат фуқароларининг қатъий ишончи, уларнинг яшаш жойидан қатъий назар, барча фуқароларга хосдир.

Ушбу тенденция ҳудудий кесимда мамлакатнинг барча минтақаларида қайд қилинади. Юқори кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси (100%), Сурхондарё (92,8%), Тошкент шаҳри (88,4%) га тегишли. Шундай қилиб, Ўзбекистонликларнинг тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги мамлакатнинг мустақиллик йилларидағи энг қимматли бойлиги ҳисобланиши ҳақидаги ижобий фикрлари барқарор эканлиги аниқланди<sup>66</sup>.

Маълумки, миллий муносабатлар асосини миллий манфаатлар ташкил қиласиди. Миллий манфаат - муайян халқни турмуш тарзини яхшилаш, ўз суверенитетини англаш, бошқа халқлар билан дўстона муносабатларни ўрнатишга қаратилган халқлар фаолияти ва эҳтиёжларни ўзига хослигидир.

---

<sup>66</sup> “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг “Ўзбекистон – умумий уйимиз” мавзусидаги жамоатчилик фикри сўрови натижалари ҳисоботи. – Тошкент, 2017.

Жамият демократлашуви онгнинг хусусан, унинг шаклларидан бири бўлган миллий онгнинг ўзгариши, жамиятда бўлаётган янгиланиш ва ўзгаришларни онгли равишда идрок этиши ва жараёнларда фаоллигини эътиборга олинади. Э.Юсупов “...миллий онг оддий ҳис, туйғу эмас, балки муайян аҳлоқий, ҳуқуқий, илмий, мафкуравий асосланган эътиқоддир”, деб таърифлаб, миллий онг моҳияти, мазмунини миллат ўз-ўзини англаш даражасига боғлиқлигини тушунтириб беради<sup>67</sup>. Туленов Ж. эса, миллий онгга миллий маданиятнинг таркиби қисми сифатида қараб: “...миллий онг миллий маданиятнинг миллий манфаати билан, миллат истиқболи билан, тараққиёт билан боғлик бўлган муаммоларнинг инсон онгидаги ифодасидир”, деб ҳисоблаган<sup>68</sup>.

**Бизнинг фикримизча**, жамият демократлашуви шароитида янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнининг инсон онгидаги акс этиши ва тараққиёт талабларига мос равиша ривожланиши, инсоннинг муайян этник гурӯхга мансублигини идрок этиши, унинг истиқболи ва келажаги учун қайғуриши билан боғлик фикрлари, ғоялари ва уларнинг амалий фаолиятида намоён бўлиши миллий онгдир.

Миллий муносабатлар тизимида миллий тил масаласи муҳим ўрин эгаллади. Бу масала айниқса, кўп миллатли таркибга эга Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамиятлидир. Миллий тилларни эркин ривожлпниши шароит яратиш билан биргаликда, миллий бирликлар ўртасида давлат тили сифатида ўзбек тили муроқот тили сифатида фойдаланилаётгани қувонарли ҳолатдир.

Давлат тили мақомидаги ўзбек тили мамлакатда тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигига эришиш ва уларни мустаҳкамлашда кишиларнинг аҳлоқий ва сиёсий бирлашувига ёрдам берувчи муҳим ижтимоий ва ижтимоий-руҳий омил ҳисобланади.

<sup>67</sup> Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.-Т.: “Университет”, 1998.

<sup>68</sup> Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси.- Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

Давлат тилини билиш Ўзбекистон фуқароларида қадрият йўналишларининг ягона тизимини шакллантиришга ёрдам берувчи, жипслаштирувчи омил сифатида майдонга чиқади.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2017 йилда олиб борилган социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, “Сиз ўзбек тилини яхши биласизми?”, деган саволга 2008 йилда респонентларнинг 57,5 %и жуда яхши билишини, 39,4% и яхши билишини, 2,7%и озроқ билишини, 0,4%и билмаслигини билдирган бўлса, 2016 йилда эса, 72,2 %и жуда яхши билишини, 27,1 %и яхши билишини, 0,6 %и озроқ билишини, 0,1%и билмаслигини билдирган. 2016 йил билан қиёслаганда давлат тилини билмаслигини ёки уни кам билишини кўрсатган респондентлар сонининг камайганлиги кузатилди.

Ўзбекистонликларнинг давлат тилига нисбатан фикрини ўрганиш учун “Сиз ўзбек тилини (давлат тилини) биласизми?” деган саволга миллатлар кесимида респондентларнинг жавоблар таҳлили натижасига кўра, Ўзбеклар 72,3 %, Қоракалпоқлар 41,2%, Қозоқлар 51,9 %, Тожиклар 46,4%, Қирғизлар 75,9%, Туркманлар 41,0%, Славъянлар 2,6%, бошқа миллатлар 21,5 %и аъло даражада билишини қайд этган. “Ҳа, биламан” деганлар Ўзбеклар 27,4%ни, Қоракалпоқлар 35,3%, Қозоқлар 48,1 %, Тожиклар 51,2%, Қирғизлар 24,1%, Туркманлар 56,4%, Славъянлар 26,9%, бошқа миллатлар 54,0%ни ташкил этган.”Камроқ биламан” деганлар Ўзбеклар 0%, Қоракалпоқлар 23,5%, Қозоқлар 0 %, Тожиклар 2,4%, Қирғизлар 0%, Туркманлар 2,6%, Славъянлар 50,0%, бошқа миллатлар 20,9%ни ташкил этган. “Йўқ, билмайман” деганлар Ўзбеклар 0,3%, Қоракалпоқлар 0%, Қозоқлар 0 %, Тожиклар 0 %, Қирғизлар 0 %, Туркманлар 0 %, Славъянлар 20,5%, бошқа миллатлар 3,6%ни ташкил этган. Таҳлил шуни кўрсатадики, уни ўрганиш ва билишнинг муҳимлиги муаммоси кескинлиги камайган бўлса-да, уни туб миллатларнинг айrim вакиллари томонидан ўзбек тилини яхши билиш призмаси орқали кўриб чиқиши керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакиллари ўзбек тилини миллатлараро тил сифатида фойдаланиб келаётгани ҳамда бу тилни ўзлаштиришга интилиш мавжуд эканлиги аниқланди<sup>69</sup>.

Миллий ўзликни англаш шароитида миллий манфаатларни ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада қатор илмий изланишлар амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради<sup>70</sup>.

Фикримизча, бу заруратлар миллий давлатларнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳаёт соҳаларини демократлаштириш ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш эҳтиёжларидан шаклланади ҳамда миллий сиёсатни демократик принциплар асосида амалга ошириш, шу билан биргалиқда миллий хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган миллий, диний асосдаги зиддиятлар олдини олишнинг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий, маънавий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш масаласини кун тартибига қўяди.

Миллий ўзликни англаш - миллат маʼнавий тараққиёт даражаси мазмуни, ўзига хослигини тавсифловчи ижтимоий, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий, эстетик, диний, фалсафий қарашларини ўзига хослиги. Миллий ўзликни англаш илмий-сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, миллий мафкурага айланади. Шу билан биргалиқда миллий мафкура миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий қурол бўлиб намоён бўлади. Миллий ўзликни англаш миллий онгнинг ривожланишидаги янги юксак даражадир<sup>71</sup>.

Миллий ўзликни англаш жараёнларига нохолис ёндошув баъзи ҳолларда бундай муносабатларни миллатчилик иллатларига айлантириб юборади. Шунинг учун ҳам, кўпгина олимлар миллатчиликка ўз миллатини ва унинг манфаатларини худбинлик заминида мутлоқлаштириш йўлида

<sup>69</sup> “Ижтимоий фикр”жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг “Ўзбекистон – умумий уйимиз” мавзусидаги жамоатчилик фикри сўрови натижалари хисоботи. – Тошкент, 2017.

<sup>70</sup> Қаранг:Человек и культура межнационального общения (под ред.С.Шермухамедова).-Т.:Узбекистан,1995

<sup>71</sup> Бу ҳақда қаранг: Хажиева М. Онгда толерантлик ривожланишининг негизлари.- Т.: “Fan va texnologiya”, 2010. –Б.7-35.

бошқа миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, уларни камситиб, ижтимоийadolatsizliklar туғдирадиган иллат сифатида талқин этишган<sup>72</sup>.

Миллий масала ижтимоий - иқтисодий тараққиёт, маданият, тил ривожи, экологик муҳофаза кўринишда қўйилиши мумкин. Аммо, ушбу масала ҳамиша сиёсий жиҳатга эга. Сиёсий демократиянинг асосий масаласи сифатида у ҳамиша қайсиdir миллат манфааларининг камситилиши ёки ҳимояга муҳтожлиги, миллатлараро teng ҳуқуқлик масаласи сифатида кўйилади.

Миллий сиёсат- бу давлатнинг ўз ҳудудида яшовчи турли миллат ва элатларга нисбатан сиёсати бўлиб, миллий муносабатларнинг оқимини ривожлантирган ҳолда бошқаришни англатади. Миллий сиёсат – жамият ҳаётини турли соҳаларида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш борасида давлат сиёсий фаолиятининг асосий ажралмас қисмидир.

Инсоният тараққиётида миллий сиёсатнинг қуйидаги шакллари намоён бўлади:

1. “Эритувчи қозон” концепцияси. АҚШда давлатни шаклланиши ва ривожланиш даврига хос бўлиб, турли миллат ва элат вакилларини ягона миллат – америкаликка айлантириш нуқтаи назари.
2. Этник миксация –турли этник гуруҳларни бирлашиб, янги миллатни шаклланиши (Лотин Америка)
3. Ассимиляция ( лот. assimilatio – бирлашиш, ўзлаштириш) – бир миллатнинг ўз тили, маданияти, миллий ўзлигини йўқотиб, бошқа миллат таркибиغا қўшилиб кетиши. Табиий ва зўравонлик ассимиляция шакллари мавжуд.
4. Аккультурация (лат. accumulare – тўпламоқ + cultura – парвариш қилмоқ) – Жамият ҳаётида юксак тараққий этган миллат маданиятини устуворлиги, турли миллат маданиятини бунга мослашиши. Бунда бир

---

<sup>72</sup>Қаранг:Юсупов Э., Туленов Ж., Фофуров З.Миллий масала бўйича фалсафий сухбатлар.-Т.:”Фан”,1990

миллат бошқа миллатни меъёрларини қабул қиласди, аммо этник ўзликни англашни сақлаб қолади.

5. Мультикультурализм – алоҳида давлатда ва бутун дунёда маданий ранг – баранглигини асраб-авайлашга ва тараққий эттиришга қаратилган сиёсат, назария ва мафкурадир.

6. Миллатчилик – бир миллатни бошқасидан устун қўйиш, бири – бирига қарама – қарши қўйишга қаратилган мафкура, сиёсат, психология ва ижтимоий амалиёт. Миллатчиликни этник, буюқ давлатчилик, майший кўринишлари мавжуд.

7. Шовинизм – миллатчиликни тажовузкор шакли.

8. Дискриминация (от лат. discriminatio – ажратиш) – муайян гурухга мансуб инсонларнинг миллати, ирқи, жинси, эътиқодига кўра, хуқуқларини камситилиши.

9. Сегрегация (лот. segregatio – бўлиш ) – муайян гурух инсонларни этник ёки ирқий белгиларига кўра мажбурий бўлиш сиёсати, ирқий дискриминация шаклларидан бири.

10. Апартеид (апартхейд) ( африкаанс apartheid – алоҳида яшаш) – ирқий дискриминациянинг кескин шакли. Муайян аҳоли гурухини ирқий белгиларига кўра, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва фуқаролик хуқуқларини чекланиши.

11. Геноцид (грек. genos – уруғ, қабила ва лот. caedo – ўлдирман ) – аҳоли муайян гурухини ирқий, миллий, этник ва диний белгиларига кўра қирғин қилиниши, яшаш тарзини атайлаб оғирлаштириш орқали уларни тўлиқ ёхуд қисман йўқ қилиш, инсониятга қартилган оғир жиноят.

12. Холокост (холокауст) (ингл. holocaust – грек. holokaustos – бутунлай ёқиб юбориш) – Гитлерчилар Германияси ва унинг ҳамкорлари томонидан 1933-45 йилларда Европада яшаган яхудий аҳолининг қирғин қилиниши ( 6 млн.ортиқ ).

13. Сепаратизм (франц. separatisme лот. separatus – алоҳида) – муайян давлат таркибидан алоҳида бўлиб ажралиб чиқиб янги давлат

бирлашмасини ташкил этишга қаратилган ҳаракат ( курдлар, басклар, каталонлар ).

14. Ирредентизм (итал. irredento – озод этилмаган) – 1) миллатнинг асосий ўзагига бирикиш ғояси (Ольстердаги ирландлар); 2) 19 аср охири ва 20 аср бошларида Италияга чегарадош Австрия ва Венгриядаги асосий ахолиси итальян бўлган Триеста, Трентинодаги сиёсий ва жамоатчилик ҳаракати.

Фикримизча, ушбу миллий сиёсат шаклларини сиёсий тизимларни моҳиятига қараб, демократик, тоталитар-авторитар, зўравонлик асосланган миллий сиёсат турларига ажратиш мумкин бўлади.

Мамлакатимиз миллий сиёсатининг асосий йўналишлари ва тамойиллари Ўзбекистон республикаси Конститутциясида баён этилган: Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади; Ўзбекистон халқини миллати, элатидан қатъий назар фуқаролар ташкил этади; миллатидан қатъий назар фуқароларнинг қонун олдида тенглиги; давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинларида этник ўзига хосликларни ҳисобга олиш; миллатчиликнинг ҳар қандай қўринишларига нисбатан муросасизлик; ижтимоий ва сиёсий ҳаётда барча миллат ва элат вакилларининг ҳар томонлама иштирокини таъминлаш; Ўзбекистонда ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қиласиган партиялар ва жамоат бирлашмалари тузилиши ҳамда уларнинг фаолияти тақиқланган<sup>73</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов, минтақамизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни сақлаб туриш учун миллий сиёсат юргизишида, таркиб топган давлат давлат чегараларини даҳлсизлигини тан олиш, миллий ўзлигини англашнинг ривожланиши орқага қайтмайдиган жараён эканлигини ҳисобга олиш, халқларнинг ўзаро яқинлиги миллатлараро муносабатларда ижобий таъсир кўрсатишни инобатга олиш,

<sup>73</sup> Каранг: Ўзбекистон Республикаси Конститтуцияси.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

“Туркистон-умумий уйимиз” ҳаракати амалга оширилаётган этник сиёсат ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра инсонпарвар, конструктив жараён эканлигини назарда тутиш, минтақамиздаги интеграция жараёнлари ҳам барча ҳалқлар ва кўп миллатли манфаатларининг энг мақбул даражада уйғунлаштиришга асосланган ҳолда ривожланишини таъминлаш кабиларга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлаган эди<sup>74</sup>. Ҳозирги даврда Ўзбекистон миллий сиёсатининг назарий ва амалий асослари Ҳаракатлар стратегиясини бешинчи устувор йўналиши бўйича амалга оширилмоқда.

2017 йилда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Ўзбекистонликларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш шуни кўрсатдики, қуидагилар жамиятдаги миллатлараро ва фуқаролар тотувлигининг асосини ташкил этади:

- мустақиллик йилларида мамлакатда ўтказилган давлат миллий сиёсати;
- ўзбек халқининг бағрикенглиги, унинг юксак ахлоқий сифатлари, хайриҳоҳ муносабати;
- ижтимоий сиёсат, оддий одамлар тўғрисида ғамхўрлик, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги барқарорлик;
- жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик;
- диний ва этник бағрикенглик, Ўзбекистон мусулмонларининг бошқа динлар вакилларига ижобий муносабати;
- турли миллатлар ва динларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро дўстлик муносабатлари;
- Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллатлар вакилларининг тўғри фуқаролик нуқтаи назари.

2017 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, миллий кесимда қорақалпоқлар (100%) ва қирғизлар (96,6%) Ўзбекистонда ўтказилган

---

<sup>74</sup>Каримов И.А.Хавфиззик ва барқарор тараққиёт йўлида., 6-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1998.- Б. 82-83.

миллий сиёсатнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашади. Шаҳарликлар қишлоқларда яшовчиларга нисбатан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни кўпроқ даражада қайд этишди (34,7% ва 24,1%). Айни вақтда шаҳарларда ва қишлоқларда яшовчилар миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини сақлашда Давлат Раҳбари ўтказаётган миллий сиёсатнинг ролини таъкидлашди. Шуниси муҳимки, уни аҳолининг барча табақалари қайд қилди<sup>75</sup>.

Миллатлараро муносабатлар – бу бутун жамият ҳаётини қамраб оладиган миллатлар ўртасидаги муносабатлар тизимиdir. Миллатлараро муносабатлар икки кўринишда: бир давлат ичидағи турли миллат ва элатлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда турли давлатлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар шаклида бўлади.

Миллатлараро муносабатлар қўйидаги даражаларда намоён бўлади: 1. Миллатларнинг жамият ҳаётини турли соҳаларда ўзаро таъсир муносабатлари даражасида; 2) Турли этник гурухларга мансуб инсонларнинг шахслараро даражасидаги муносабатлар.

Миллатлараро муносабатлар тараққиётида **икки тенденция**, биринчиси, **интеграция** - бу жамият ҳаёти соҳалари орқали элат, миллат, халқларни узлуксиз бирлашиш жараёни, иккинчидан, **дифференциация** – миллий мустақилликка эришиш, такомиллашиш жараёни, шунингдек миллатлар ва элатларнинг қарама-қаршилиги кўринишдаги муносабатлари намоён бўлади.

Миллатлараро интеграция иқтисодий ва сиёсий иттифоқлар, трансмиллий корпорациялар, халқаро маданий ва миллий марказлар, маданият, динлар, қадриятлар уйғунлиги шаклларида мавжуд бўлади.

Миллатлараро интеграция омиллари сифатида глобаллашув ва иқтисодий интеграцияни чуқурлашуви натижаси ўлароқ, давлатларни

---

<sup>75</sup>Бу ҳақда қаранг: Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон – умумий уйимиз (социологик тадқиқот). – Тошкент, 2017. – Б.25.

мавжудлик даражасида яшай олмаслиги, давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик кабиларни кўрсатиш мумкин.

Миллатлараро дифференциация турли кўринишларда халқлар, миллатлар ва элатлар қарама-қаршилиги, бўлиниши ва ажралиши жараёнларида миллий маҳдудлик, иқтисодий протекционизм, диний фанатизм, сиёsat ва маданиятларнинг турли кўринишида намоён бўладиган миллатчилик каби шаклларда намоён бўлади.

**Миллатлараро муносабатлар тараққиёти жараёнида диалектик ўзаро боғлиқ бўлган ҳамда бир бирига ўтиб турадиган иккитатенденция натижаси ўлароқ, жамият ҳаётида кўйидаги жараёнларни кўрсатиш мумкин:**

1) Иқтисодий интеграция ҳамда инсон ҳаёти турли соҳаларининг байналминаллашуви:

2) Миллий ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини англаш ва намоён этиш.

Иккала тенденция ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маянвий соҳаларда объектив ва субъектив омилларга асосланган жиддий фарқ ва қарама-қаршилик ётиди. Ҳаёт ва амалиёт шуни кўрсатадики, миллий озодлик, миллий суверенитетга эришиш истаги қўп холатларда байналминаллик тенденциясига зид келади ҳамда перманент миллий қарама-қаршиликларга олиб келади.

Буларнинг ҳаммаси миллатлар тараққиёти жараёнида пайдо бўладиган қарама-қаршиликнинг иккита тенденциясининг натижаси сифатида юзага келади. Биринчидан, бу миллий ҳаёт ва миллий ҳаракатларнинг фаоллашувига, мустақил миллий давлатларнинг қуриш имкониятини қўлга киритишга ундаиди.

Иккинчидан, ҳар қандай миллатлараро муносабатларининг байналминаллик тамойиллари асосида ривожланишига, миллатлараро чегараларнинг бузилиши, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция жараёнларининг кучайишига олиб қелади. Ушбу иккита тенденция ижтимоий-этник жараёнларининг асосини ташкил этади. Улар мавжудлигини шунчаки

назарий тан олиш эмас, балки пайдо бўладиган ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни енгиш талаб этилади.

Миллатлараро муносабатлар жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-аҳлоқий муносабатлар томонларидан бири сифатида намоён бўлади. Демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ана шу даврнинг барча зиддиятларини, қийинчиликларини, ички ирода ва ички маданият билан енга олишга қодир бўлган фуқароларни вужудга келтириш, шакллантириш, уларни ғоявий-мафкуравий жиҳатидан бирлигини таъминлашга эришишни тақозо этади. Давлат бош ислоҳотчилик вазифасини бажараётган бир пайтда унинг сиёсий иродаси, халқ манфаатларини ўзига мужассам этган сиёсий стратегияси ана шу муаммоларни нечоғлик қамраб олганлиги билан баҳоланади<sup>76</sup>.

Бу эса, ўз навбатида давлатнинг миллатлар шаклланиши, таракқиётидаги ўрни ва аҳамияти билан тавсифланади. Миллатлараро муносабатларнинг сиёсий соҳасига -миллий ўз-ўзини бошқариш, миллий ва байналминал манфаатларни уйғунлаштириш, миллатлар тенглиги, миллий тил, миллий маданиятларнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, хокимият тузулмаларида миллий кадрларнинг вакиллиги ва х.қ каби масалалар киради. Миллатлараро муносабатлар соҳасида сиёсатни инсонпарвар тамойиллари :

1. Зўрлик ва тайзик ўтказишдан воз кечиш;
2. Барча томонларнинг иштирокида консенсус асосида келишувга эришиш;
3. Баҳсли низоларни тинч йўллар билан ҳал қилиш;
4. Инсон ҳуқуқларини ва эркинлигини тан олиниши;
5. Инсонпарварлик, демократия, яхши қўшничилик ва диний бағрикенглик ғояларини амалга ошириш ва х.з.

---

<sup>76</sup> Жўраев Н.Қ. Агар огоҳ сен....- Т.: “Ёзувчи”, 1998. Б.93 – 136.

“Ижтимоий фикр” Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2017 йилда олиб борилган социологик тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, ҳам мамлакатда, ҳам қўпчилик минтақаларда миллатлараро муносабатларнинг ривожланиши ижобий баҳолар сонининг ошиши билан тавсифланади. Бу энг аввало, Қорақалпоғистон Республикасига (2017 йилда 98,4%, 2016 йилда 98,4% ), Наманган (2017 йилда 100%, 2016 йилда 99%), Самарқанд (2017 йилда 99,2%, 2016 йилда 99,2%), Сурхондарё (2017 йилда 96,4%, 2016 йилда 97,2%) вилоятларига тааллуқлидир. Чунончи, ўзбекистонликларнинг мутлақ қўпчилиги мамлакатдаги миллатлараро муносабатларни жуда яхши ва яхши, деб баҳолайдилар.

Этник кесимда славянлар 2013 йилда 20,0%и, 2017 йилда эса, 33,3%и, қорақалпоқлар 2013 йилда 58,0%и, 2017 йилда эса, 88,2%и, қирғизлар 2013 йилда 42,8%и, 2017 йилда эса, 75,9%и мамлакатдаги миллатлараро муносабатларни жуда яхши, деб баҳолайдилар<sup>77</sup>.

Шундай қилиб, сўров ўзбекистонликларнинг ижтимоий фикрига хос бўлган миллатлараро муносабатларни ижобий баҳолашнинг барқарорлигини тасдиқлади. Бошқача қилиб айтганда, респондентлар миллий асосдаги низолар ва ихтилофларни, миллий белгиси бўйича фуқаролар вакиллари ҳуқуқларининг камситилишини қайд қилмадилар.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида сиёsatни инсонпарвар тамойиллари сифатида: зўрлик ва тайзик ўtkазишдан воз кечиш, барча томонларнинг иштирокида консенсус асосида келишувга эришиш, баҳсли низоларни тинч йўллар билан ҳал қилиш, инсон ҳуқуқларини ва эркинлигини тан олиниши, инсонпарварлик, демократия, яхши қўшничилик ва диний бағрикенглик ғояларини амалга ошириш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Кўп миллатли таркибга эга давлатларда миллатлараро муносабатларда барқарорликни таъминлашни ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Бунда биринчи жиҳат ички сиёсий ахволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва

---

<sup>77</sup> Бу ҳақда каранг: Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон – умумий уйимиз (социологик тадқиқот). – Тошкент, 2017. – Б.25.

ижтимоий-иктисодий ривожланиш динамикаси кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакилларининг сиёсий хайриҳоҳлигига бевосита боғлиқ намоён бўлса, бошқа жиҳатдан миллатлар ёки этник гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда анъанавий уйғунлик вужудга келтирилса, у ҳолда кўп элатлилик омили давлатларнинг сиёсий-иктисодий ривожланишига самарали, рағбатлантирувчи таъсир этишини кўрсатади. Айни чоғда инсоният тарихида бунинг аксини, яъни кўп элатли давлатлардаги миллатлараро муносабатларда уйғунликнинг йўқлиги бутун-бутун халқлар ва мамлакатларни таназзулга олиб келиши мумкин<sup>78</sup>.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қуидагиларни таъкидлайди: “Барчангизга маълумки, ҳозирги вақтда дунёning турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гурух ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва осойишталиктининг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.”<sup>79</sup>.

**Бизнинг фикримизча,** жамият демократлашувида миллатлараро муносабатларнинг такомиллашуви бевосита миллий муносабатларнинг такомил даражасига боғлиқдир.

Миллий муносабатлар ва миллатлараро муносабатлар вобасталиги борасида қуидаги назарий хуносаларга келинди:

<sup>78</sup>Бу ҳақда қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т: “Ўзбекистон”, 1997.

<sup>79</sup>Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишлиланган учрашувдаги нутки.24.01.2017. Kun/uz

1. Миллий муносабатларни яхлит ижтимоий воқелик деб қаралса, миллатлараро муносабатлар шу воқеликнинг ўзагидир.
2. Миллий муносабатлар узлуксиз жараён, табиийки, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ҳам узлуксиз бўлиши лозим.
3. Миллий муносабатлар жамият ҳаётидаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, хуқуқий жараёнларнинг миллий бирликлар фаолиятида намоён бўлиши фарази бўлса, миллатлараро муносабатлар эса, фаразнинг диспозицияси сифатида намоён бўлишидир.
4. Миллий муносабатларнинг қай даражада инсонпарвар ва демократик руҳдалиги миллатлараро муносабатлар ҳолатида намоён бўлади. Яъни миллий муносабатлар ва миллатлараро муносабатлар доимо диалектик алоқадорликда намоён бўлади.
5. Миддий ўзликни англашнинг юксалиши миллатларнинг биқиқлик ҳолати, бошқа миллатлардан узоклашишига олиб келмайди, бильякс ҳар қандай миллат ўзлигини англагани сари ўз манфаатларини ўзгалар билан ҳамкорликда амалга ошириш мумкинлигини ҳам англаб бораверади.
6. Кўп миллатли жамиятларда турли маданият, дунёқараш, руҳият ва турмуш тарзига эга миллатларнинг барча эҳтиёжлари, интилишлари, мақсадларини ўзида ифода эта оладиган бунёдкор ғояларгина жамият мафкураси-миллий ғоя тамойиллари сифатида жамият аъзоларини бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлайди.

## **Миллий бошқарув – этник жараёнларни тартибга солиш механизми сифатида**

Дунёда содир бўлаётган глобал ўзгаришларнatiжасида миллий бошқарув билан боғлик қатор муаммолар пайдо бўлиб, уларни жиддий кўриб чиқиш зарурати юзага келди. Зеро, ижтимоий-иктисодий (янги иқтисодиёт ва янги ижтимоий тартиб), сиёсий, (давлат сиёсати ва жаҳон тартиботи), маданий (миллий манфаатлар тизими ва миллатлараро муносабатлардаги) ўзгаришлар янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Бугунги кунда, миллий сиёсат парадигмаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда глобаллашув жараёнлари моҳиятини чуқур англаб этиш, жаҳон тараққиётининг асосий йўналишларидан боҳбар бўлиш ҳамда миллий тараққиётга хавф solaётган турли хуружлар мақсадини англаган ҳолда, миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда иш юритиши лозим.

"Постиндустриал жамият" концепциясининг муаллифларидан бири Д.Белл таъкидлашича, янги даврда "технология ижтимоий ўзгаришларни белгиламайди; технология янги имконият ва воситалар йиғиндинисини такдим этади: ... у энди жамиятни назорат қиласиган кучлар анъанавий йўл билан ҳал этиши мумкин бўлмаган муаммоларни ўртага қўяди".<sup>80</sup>

Жамият демократлашуви замонавий тараққиёт талабларига мос келмайдиган, тоталитар – авторитар сиёсатдан воз кечиш, глобаллашув шароитида миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг муқобил йўл ҳамда ечимларини излашда миллий бошқарувни тўғри йўлга қўйилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Кўп миллатли жамиятни бошқариш, тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини, аввало, ахлоқ, хуқуқ ҳамда сиёсат ташкил этади. Агар сиёсат ва муайян даражада хуқуқ маълум давр билан боғлик ҳолатларни бошқаришнинг оператив имкониятларини берса, ахлоқ (кенгрок олганда, маънавият) улар учун пойdevor вазифасини ўтайдиган асосларни беради. Колаверса, давлат ва жамият бошқарувининг бош максадини (кенг доирада

<sup>80</sup> Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт прогнозирования. - М., 1999. С. 167.

давлат хизматини ҳам, тор доирада корхона ёки муассасани ҳам) ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш ташкил этади. Шу жиҳатдан, миллий бошқарув билан боғлиқ масалалар қатори, маънавий масалаларни ҳам ҳал этиши лозим.

“Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни, - деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов, - маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз”<sup>81</sup>.

Миллий давлат тараққиётини ижтимоий-маънавий омиллардан холи тарзда тасаввур этиб бўлмайди. Хозирги замон глобаллашув жараёнлари бу масалани янада долзарблаштиради <sup>82</sup>.

Бугунги кунда муайян мамлакатнинг тараққиётини фақат моддий неъмат ва хизматлар ҳажмининг ўсиши билан белгилаш мумкин эмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда. Бунда ички ялпи маҳсулот ҳажми ва аҳолининг ўртacha даромади каби анъанавий макроиқтисодий кўрсаткичлар мураккаб, сертармок ривожланишнинг муқобил тавсифини бера олмайди. С.А.Барков фикрича: “умуммиллий масалаларни ҳал этишнинг ягона ва энг мақбул воситаси - тобора кўпроқ товар ва хизматларни ишлаб чиқариш эканлиги хақидаги тасаввур кўп жиҳатдан бирёқламадир. Бундай ёндашув тараққиётнинг ноиқтисодий параметрлари аҳамиятини нотўғри баҳолашга олиб келади”<sup>83</sup>.

Аксарият ҳолатларда иқтисодиётда ижтимоий ҳамда маданий - маънавий омилнинг ролига эътибор беришмайди. Уларни, аввало, одамларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ сифатларини шакллантириш ва самарали ишлатиш, инсоннинг жамият иқтисодиёти тизимидағи ўрни ҳамда

<sup>81</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-жилд. - Т.: Узбекистан, 1996. Б. 35.

<sup>82</sup>Бу ҳақда қаранг: Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат.- Т., “Янги аср авлоди”, 2008.; Баходир Зокир. Глобаллашув зиддиятлари. - Т.: “Тафаккур” журнали, 2004, 1-сон.; Назаров А. Глобаллашув шароитида барқарор сиёсий тараққиёт хавфсизлигини таъминлаш муаммолари. - Т.: “ЎзМу хабарлари” журнали, 2016, № 1/1.

<sup>83</sup>Барков С.А. Глобаллашув даврида давлатнинг институционал мақсадлари. Глобализация и социальные изменения. Материалы научной конференции 2006. Сборник научных докладов. (Манба: <http://Lib.socio.msu.ru/1.Library>)

роли қизиқтиради. Агар давлат ва жамият тарихи, айниңса, ҳозирги замондаги ҳолати аслида тинимсиз ислоҳотлар, янгиланишлар жараёни эканлигидан келиб чиқсак, бундай ёндашув ислоҳотлар инсон учун эмас, балки инсон ислоҳотлар учун, деган хавфли тамойилни келтириб чиқаради.

Иқтисодий ривожланишнинг "маданий-маънавий жиҳатлари"га эътиборсизлик аксарият ҳолларда аянчли оқибатларга олиб келган.

20 – асрнинг 80 йиллари ўрталаридан бошлаб, жаҳондаги олим ва мутахассислар иқтисодий жараёнларнинг маданий-маънавий жиҳатларига эътибор қаратса бошлишди. Тадқиқотчилар ўз назарий изланишларида бу масалани тадқиқ этишга, айрим сиёсатчилар эса амалиётда уни қўллашга ҳаракат қила бошлиди<sup>84</sup>. Миллий тараққиёт дастурлари, хусусан, ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳамда ҳалқаро ҳамкорликка оид лойиҳаларда инсон ижтимоий тараққиётнинг нафақат воситаси, балки энг муҳим мақсади эканлиги хақидаги ғоялар тобора кўпроқ учрай бошлиди. Иқтисодий ривожланиш жараёнининг марказида ўз маданияти ва қадриятларига эга бўлган инсон туриши хақидаги концепция юзага келди.

О.Йўлдашев фикрича, глобаллашаётган дунёда миллий давлатлар йўқолиши у ёқда турсин, аксинча, улар тараққиётнинг муҳим омилига айланмоқда. Дархақиқат, дунёда содир бўлаётган воқеалар ҳар қандай миллий давлатчилик асосларини йўқотишга қаратилган уринишлар турли зиддиятларни, ихтилофларни юзага келтираётганидан, хусусан, аксилиглобал ҳаракатнинг кучайишига олиб келаётганидан далолат бермокда.<sup>85</sup>

Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, мамлакатимизни янгилаш ва ривожлантиришнинг “умуминсоний қадриятларга содиқлик”, “халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш”, “инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши”

<sup>84</sup> Бу ҳақда қаранг: Хесли В.Л. Национализм и пути разрешения межэтнических противоречий// Политические исследования. №6, 199.; Коротеева, В. В. «Воображеные», «изобретенные» и «сконструированные» нации: метафора в науке // Этнографическое обозрение. № 3, 1993.

<sup>85</sup> Бу ҳақда қаранг: Йўлдашев О. Техноген цивилизациянинг аҳлоқий муаммолари ва уни бартараф этиш.–Т.: “ЎзМУ хабарлари” журнали, 2015, № 1/1.; Норбоев Т. Глобаллашув жараёнлари. Марказий Осиёдаги геополитик сиёсат ва унинг моҳияти. “Жамият ахборот хавфсизлигининг маънавий–аҳлоқий талаблари ва устувор йўналишлари” мавзуусида Вазирлик миқёсидаги илмий–амалий анжуман тўплами. –Т., 2016.

ва “ватанпарварлик”дан иборат тўрт асосий негизи белгиланган эди. Бу негизлар халқнинг жипслигини, жамиятдаги барқарорликни таъминловчи муҳим омил, миллий туйғу ва бағрикенгликнинг асосидир.

“Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги - ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир, - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов,-айни шу нарса жамиятни қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради”<sup>86</sup>.

Зоро, улар халқнинг жипслигини, жамиятдаги барқарорликни таъминловчи муҳим омил, миллий туйғу ва бағрикенгликнинг асосидир.

Маънавий потенциални ривожлантиrmай туриб, республиканинг чинакам мустақиллиги ва сиёсий барқарорлигини таъминлаб бўлмайди. Сиёсий маънода эса барқарорлик сўзнинг энг умумий маъноси - давлат ҳокимиятнинг мамлакатда тартиб ва хавфсизликни таъминлаш қобилиятидир. Барқарорлик кўпинча ҳокимиятнинг легитимлиги, аҳолининг уни қонуний деб тан олиши, халқ бу ҳокимиятни қўллаб - қувватлаши, унга ишониши билан, сиёсий режим мамлакатнинг ижтимоий эҳтиёжларига мувофиқлиги, давлат аппаратининг самарадорлиги билан боғланади<sup>87</sup>.

Ф.Билей фикрича, сиёсий барқарорлик нималигини фақат унинг зидди - бекарорлик орқалигина чуқурроқ тушуниш ва баҳолаш мумкин деб ҳисоблайди. Улар бекарорликка давлатнинг ҳокимиятни тасарруф эта олмаслиги, оломон ҳокимияти, зўравонлик ва тартибсизлик, жаҳолат ва қирғинбаротлар деб таъриф беради. Шунга кўра, барқарорлик юқори даражада мутаассирлик билан қабул қилинади. Масалан, ижтимоий тизим учун ҳаёт - мамот шароитида сиёсий тузилманинг ўзини - ўзи сақлаб қола олиш қобилияти барқарорлик ҳисобланади<sup>88</sup>.

<sup>86</sup> Каримов И.А. Ўзбекистан: миллий истиқлол, иктисад, сиёсат, мағкура. 1-жилд. - Т., Узбекистан, 1996. Б.50.

<sup>87</sup> Левитин Л. “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида”, Т. “Ўзбекистон” 2001 й.

<sup>88</sup> BealeyF. “Stability and Crisis: Fearst About Threats Democracy”. “European Journal of Political Research”. 1987. Vol.

Бизнинг фикримизча, дунёда гегемонликка интилаётган кучлар энг аввало, кишиларнинг онгини ўзгартиришга, маънавий қадриятларини ўрнига ўз қадриятларини қарор топтиришга уринмокда. Бундай шароитда кўп миллатли давлат миллатлараро муносабатлар соҳасида турли этник гурухларни маънавий салоҳиятини ошириш, уларда жонкуярлик, ватанпарварлик туйғуларини ўстириш орқали давлат ва жамият ҳаётида барқарорликни таъминласагина миллий бирдамликка эришиши мумкин.

“Қайд этиш керакки, - деб ёзади В.Н. Молчанов, - эътироф этилган ижтимоий-таҳлилий андозага зид ўлароқ, бошқариладиган энг олий миллий омилни иқтисодиёт эмас, ватанпарварлик ташкил этади. Шунинг учун бизнинг давримизда кўп ишлатила бошлаган ва ОАВ орқали кенг оммалаштирилаётган “ватанпарварлик” - аглаҳларнинг сўнгги бошпанасидир”, деган ибора ёки даҳшатли даражадаги саводсизлик ёки аниқ мақсадга йўналтирилган айёrona ёлғон ифодадир”<sup>89</sup>.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашувларни илгари сураётганлар, шубҳасиз, қудратли ахборот воситаларига эга бўлган ва дунёга хукмонлик қилишга интилаётган, одамларни ягона марказдан бошқариладиган “ягона дунё”ни қуриш воситаси – “муруватлари”га айлантиришга ҳаракат қилаётган кучлардир.

Шу нуқтаи назардан ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни стратегик мақсад сифатида белгилаб олган Ўзбекистон “ватанпарварлик” категориясини жамиятнинг янгилаш ва ривожлантиришни муҳим маънавий-аҳлоқий негизи сифатида белгилади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги — қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлқанинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва

<sup>89</sup>Молчанов В.Н. Глобализация и управление национальными ресурсами// Манба: <http://anthropology.ru>.

ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади".<sup>90</sup>

Глобаллашув таҳдидлари хуруж қилаётган бугунги кунда ватанпарварлик давлат томонидан бошқарилиши, қўллаб-қувватланиши лозим. Бу жараёнда бошқарув органлари ва раҳбарларнингadolatli иш юритиши устувор аҳамият касб этади. Чунки халқ раҳбарга, унинг фаолияти, одамларга муносабатига қараб, давлатнинг, давлат тизиминингadolatli ёки адолатсизлиги хақида хулоса чиқаради. Фуқаролар давлатни ижтимоийadolatli деб тан олганда, яъни давлат томонидан қабул қилинган қадриятлар ва иш бошқариш тизими жамият аъзоларининг аксарият кўпчилиги томонидан маъқулланганда ватанпарварлик бошқарувнинг қудратли миллий омилига айланиши мумкин.

Жамият демократлашуви шароитида самарали миллий бошқарувни ташкил этишнинг асосларини шундай ифодалаш мумкин:

- “ижобий” ва “салбий” (булар жамиятга тақдим этилган ва халқ маъқуллаган қадриятлар тизими ҳамда халқ коралаган хусусиятлар) ижтимоий (жамият таркибиға қараб, миллий ёки кўпмиллатли) келишув;
- миллий ўзликни англашни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш;
- давлат қурилиши ҳамда давлат ва жамиятни бошқариш ва тартибга солиш тизимини маънавий-аҳлоқий пойdevor заминида барпо этиш;
- давлат “жамиятнинг ижтимоий қобиғи” сифатида халқни ўзида жамлаб, уни (жамиятни) қабул қилинган қадрият тимсолларида ифодалashi ва мазкур қадриятларни фуқаролик жамиятига мувофиқ шакллантириш лозим.

Юқоридаги асослар мавжудлиги шароитида “ватанпарварлик” тараққиётнинг чинакам миллий омили сифатида натижа беради. Мутахассисларнинг фикрига кўра [88; 47 б.], инсон руҳиятидаги ўзгаришлар,

<sup>90</sup>Каримов И.А. Узбекистан: миллий истиқлол, иктисад, сиёсат, мағкура. 1-жилд. - Т., Узбекистан, 1996. Б.83.

техноген цивилизация воқелигига адаптацион потенциал “қашшоқлиги”, маданий иммунитетни шакллантириш масаласини кун тартибига қўймоқда<sup>91</sup>.

Демократик жамиятга ўтишда "ватанпарварлик" миллий омилига таянган давлатлар, масалан, Швейцария (полиэтник), Норвегия, Швеция, Япония (моноэтник) адолатли давлат барпо этишга муваффақ бўлганлар.

Ўзбекистон айни шу йўлни танлади. Ўзбекистон биринчи Президенти Ислом Каримов "адолат" тушунчасини давлат сиёсати тамойиллари доирасига олиб кирди ва "Республикада сабитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир"<sup>192</sup>, деб белгилади.

Бугунги Ўзбекистон тараққиётида "адолат" мезонига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қўйидаги урғу беради:

“Жамиятимизда “Қонун ва адолат – устувор, жиноятга жазо – муқаррар” деган принципни қарор топтириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.”<sup>93</sup>

Жамият демократлашуви шароитида Ўзбекистон барча ахолисига, миллий белгиларидан қатъий назар бир хил имкониятлар яратилаётгани ватанпарварликни барча инсонларни бирлаштирувчи омилга айлантирмоқда.

Миллатлараро муносабатларни такомиллашувини таъминловчи қадрияtlар тизимида миллий ғоя ўта аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун қадрияtlар борасидаги "ижтимоий шартнома" вазифасини "миллий истиқлол ғояси" ўтади, десак хато бўлмайди. Унда қўйидаги бош тамойил Ўзбекистон фуқаролари қўллаб-қувватлаган "ижтимоий шартнома" моҳиятини белгилаб берди: "Истиқлол мафкураси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради... "<sup>94</sup>.

<sup>91</sup> Синергетика моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. - Т.: “Наврўз”, 2017. – Б.269 – 286.

<sup>92</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иктисад, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т., Ўзбекистон, 1996. Б.21.

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Конституциямиз қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутқи.07.12.2017

<sup>94</sup> Бу ҳақда қаранг: Каримов И.А. Узбекистон: миллий истиқлол, иктисад, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т., Ўзбекистон, 1996.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг бош қомуси — Конституция ва бошқа хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига таянган. “Мана шу ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислоҳот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг хақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далолат беради”<sup>95</sup>, таъкидлайди Ш.М. Мирзиёев.

XX аср бошларида маърифатчи зиёлиларимиз ҳам халқ яшаси учун миллий маданиятнинг муҳим эканлигини яхши англаған ҳолда, бутун куч-ғайратларини уларни авайлаб-асрашга сафарбар этганлар.

Жумладан, Чўлпон халқ маданиятининг муҳим қисми бўлган тил ва адабиётга алоҳида эътибор қаратганлиги маълум. "Адабиёт надир?" мақоласида бироз кескин тарзда "Адабиёт яшаса - миллат яшар"<sup>96</sup>, деган бўлса, Абдулла Авлоний: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадургон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир"<sup>97</sup>, деб ёзди: "Ҳар қайси жамият аъзоси ўз инсоний хуқуқларини, ўз имкониятларини тўла англаб олиб, ўзини мамлакатнинг хақиқий фуқароси деб хис қилган ва бугун қураётган жамиятимиз ҳаётида фаол қатнашиб, ўз Ватанидан, ўз заминидан, ўз тарихи ва халқидан фахрланиш туйғусига эга бўлган такдирдагина биз муродимизга етамиз"<sup>98</sup>.

Шундай экан, ҳозирги кунда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдида ўз иш фаолиятни қайтадан кўриб чиқиши орқали, давлат ва жамият ривожини таъминлаш учун одамларда айни шу фазилатларни карор топтириш вазифаси туради.

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутки. 07.12.2017. Интернет манба: <http://www/president.uz>

<sup>96</sup> Чулпон. Адабиёт надир? - Т., Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. Б.36.

<sup>97</sup> Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд. - Т., Чулпон, 1998.Б.60

<sup>98</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-жилд. - Т., Узбекистон, 1997. Б.134.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу борада қуидаги фикрни айтади: “ **Бизнинг мақсадимиз** – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат. Ишончимиз комил: халқ давлат органлариға эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”<sup>99</sup>.

Жамият демократлашуvida шахс ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилишга эришиш учун унинг "генетик имкониятлари"га, менталитетига суюнган ҳолда иш юритиш лозим. Бу ўринда "генетик имконият" атамаси қўлланганинг сабаби бор. Гап шундаки, қатор олимлар турли маданиятлар ўртасидаги, шу жумладан, халқларнинг тафаккур тарзларидаги фарқларни кўп жиҳатдан генетик омил белгилаши хақидаги фикрни илгари суришмоқда. Хусусан, инсон миясининг чап ва ўнг ярим шарлари ўртасида асиметрия мавжудлиги аллақачон ўз исботини топган.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, дунёни мантиқий-вербал идрок этиш, шунингдек, ўқиши ва ҳисоб юритиш миянинг чап ярим шари фаолияти билан боғлиқ. Образли фикрлаш, маконни идрок этиш, мусиқий оҳанглар ва новербал товушларни ажратиш, мураккаб обьектларни (масалан, инсон юз кўринишини) таниш, шунингдек, туш кўриш миянинг ўнг ярим шари фаолияти билан белгиланади.

Ҳар бир мия ярим шари билан боғлиқ тафаккур тарзи ўз алоҳида имконият ва чегараланишларига эга. Албатта, миянинг иккала ярим шари бир-бири билан боғлиқ ва ўз функциялари орқали ўзаро боғланган. Ҳар бир ярим шар мия умумий фаолиятида ўз хусусиятлари билан иштирок этади. Бу дегани, мантиқий тафаккур типи образли тафаккурнинг айrim унсурларини ва аксинча, образли тафаккур типи мантиқий тафаккур унсурларини ўз ичига олади. Ҳар бир одам ўзини муайян соҳада намоён этади.

---

<sup>99</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутқи.

Образли тафаккури ривожланган кишилар шоир ёки санъаткор бўлади, мантикий тафаккурли кишилар илм-фан йўлини танлайди. Бу илмий исботини топган масаладир.<sup>100</sup>

Олимлар тафаккур типлари билан боғлиқ хусусиятни миллат ва элатларга хам хос эканлигини таъкидлашади. Масалан, В.С.Ротенберг ва В.В.Аршавскийлар этник маданиятларнинг ўзига хослигини миянинг функционал ассиметрияси билан боғлашади. Уларнинг фикрича, Шарқ ва Фарб маданиятлари (цивилизациялари) ўзининг алоҳида генотипига эга<sup>101</sup>.

Ф.Х.Кессиди бу ва бошқа олимларнинг фикрига таяниб, шундай хуроса қиласди: "Бизнинг фикримизча, ... гарчи глобаллашув этник маданиятларни ўзаро таъсири ва ўзаро бойитишига шароит яратса-да, шунга қарамай, у маданиятлар ранг-баранглигини йўқотмайди ва йўқота олмайди, яъни уларни "муайян ижтимоий-маданий парадигма" асосида унификациялаштира олмайди. Бу ўз-ўзидан аён: этник туйғулар ва этник ўзига хосликни сақлаб қолишга интилиш ҳар бир халкнинг онгида чуқур ўрнашган. Устига-устак, этнослар менталитети ва демак, уларнинг маданияти кўп жиҳатдан миянинг функционал ассиметрияси билан белгиланади"<sup>102</sup>.

Этномиллий хусусиятлар халқнинг миллий характерини акс эттиради. Шунинг учун миллий характер хақидаги стереотип тасаввурлар одамларга муайян таъсир ўтказади ва уларда акс этган характер хусусиятларининг шаклланиши учун асос беради.

Бизнинг фикримизча, давлат ва жамият бошқарувида этномиллий хусусиятларни эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бир томондан, давлат миллий кадрият ва анъаналарни мустаҳкамлаш, асрар-авайлаш ва ривожлантириш орқали одамларнинг яқдиллигини, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишини таъминлашга, демак, олдимииздаги вазифаларни адо этиш, муаммоларни ҳал этишда уларни бир ёқадан бош чиқариб сафарбар этишга

<sup>100</sup>Каранг: Russel P. The Global Brain: Speculation on the Evolutionary Leap to Planetary Consciousness.- Los Angeles, 1983.; Adler A. Superiority and social interest: A collection of later writings.- N.Y., 1979.

<sup>101</sup> Ротенберг В.С., Аршавский В.В. Межполушарная ассиметрия мозга и проблема интеграции культур// Вопросы философии, 1984, № 4. С. 78-86.

<sup>102</sup> Кессиди Ф.Х. Глобализация и культурная идентичность// Вопросы философии, 2003, № 1. С. 79.

эришса, иккинчи томондан, миллий этномаданий стереотипларга мувофиқ ҳаракат қилган давлатга халк ишонади, унинг атрофида жипслашади.

“Бизнинг устувор вазифамиз инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг асосий ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат, - деб таъкидлайди **Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев**, - бу жамиятда тинчлик ва барқарорлик, фаровон ҳаётни таъминлашнинг асосий шартидир”<sup>103</sup>.

Жамият демократлашуви шароитида турли миллатга мансуб аҳолини давлат ва унинг органлари фаолиятига муносабатини ўрганиш мақсадида 2017 йилда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўровдаги “Сиз Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашнинг кафили ким деб ҳисоблайсиз?” - деган саволга респондентларнинг 92,6 %и Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевни, 58,2%и Миллий армияни, 26,3%и ҳокимият органларини ҳисоблашларини белгилашган<sup>104</sup>.

Шундай қилиб, Ўзбекистон фуқаролари тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашнинг кафолати сифатида давлат ҳокимиятига бўлган қатъий ишончи ҳақидаги фикрлари ижобий ва барқарорлиги аниқланди.

Демак, жамиятни демократлашуви ҳаёт соҳаларини янгилаш, дунё билан интеграциялашув, мамлакатимизнинг демократик киёфасини шакллантириш, фуқароларимизнинг янгича тафаккурини ҳосил қилиш, миллий бирдамликни таъминлашда кенг имкониятларни вужудга келтиради..

---

<sup>103</sup> Умумжахон инсон ҳукуклари декларациясининг 70 йиллиги муносабати билан ўтказилган Инсон ҳукуклари бўйича Осиё форуми қатнашчилариiga Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мурожаатномаси.22/11/2018. Интернет манба: <http://www.prezident.uz>

<sup>104</sup> Бу ҳақда қаранг: Убайдуллаева Р.А. Ўзбекистон – умумий уйимиз (социологик тадқиқот). – Тошкент, 2017. – Б.25.

Шунинг учун миллий характер хақидаги стереотип тасаввурлар одамларга муайян таъсир ўтказади ва уларда акс этган характер хусусиятларининг шаклланиши учун асос беради.

Давлат ва жамият бошқарувида юқоридаги ҳолатни эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Зоро, бир томондан, давлат миллий қадрият ва анъаналарни мустаҳкамлаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш орқали одамларнинг яқдиллигини, жамиятнинг фаол аъзоси бўлишини таъминлашга, демак, олдимиздаги вазифаларни адо этиш, муаммоларни ҳал этишда уларни бир ёқадан бош чиқариб сафарбар этишга эришса, иккинчи томондан, миллий этномаданий стереотипларга мувофиқ ҳаракат қилган давлатга халк ишонади, унинг атрофида жипслашади.

Ўзбекистонда мустақил тараққиёт йўлининг дастлабки кунлариданоқ маънавият, маънавий қадриятларни тиклаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг деярли ҳар бир маърузасида бугунги кунда миллатимизга хос қайси фазилатларни асраб-авайлаш ва раҳбар шахс қандай сифатларга эга бўлиши лозимлиги масалаларига алоҳида тўхталиб ўтади. “Энг муҳим вазифамиз – мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, ҳалқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бунинг учун эл – юртимиз, аввало биз – раҳбарларнинг фаолиятидан рози бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз аравасини ўзи тортиши, ўз соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун ўзи шахсан жавоб бериши керак. Шундан кейин жамиятимизда ўзгариш бўлади, ривожланиш бўлади”<sup>105</sup>.

Таъкидлаш лозимки, маънавият масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддаларида конституциявий даражада кафолатланган<sup>106</sup>.

---

<sup>105</sup>Мирзиёев Ш.. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бирраҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т; “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.Б.53.

<sup>106</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 12,13,18,20,29-моддалари. – Т; “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “ Юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳаётга жорий этиш масаласининг Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши жамиятимизни янгилашга, демократик хамжамият билан интеграциялашувга интилаётган мамлакатимизнинг янги қиёфаси ва фуқароларимизнинг янгича тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоқда ”<sup>107</sup>.

“Мана шу ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислоҳот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг ҳақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далолат беради”<sup>108</sup>, таъкидлайди Ш.М. Мирзиёев.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар соҳасида шакллантирилган ўзига хос “**фуқаролик сулҳи**” ғояси давлат ва жамият тараққиётига мустаҳкам замин бўлмоқда. **Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев бу борада:** “Хозирги вақтда диёримизда 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшамоқда, 16та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Жамиятимизда хукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи-назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади.”<sup>109</sup> Демак, жамият маънавиятини шакллантириш: а) жамиятни янгилашга; б) дунё демократик хамжамияти билан интеграциялашувга; в) мамлакатимизнинг янги демократик киёфасини юксалтиришга; г) фуқароларимизнинг янгича тафаккурини ҳосил қилиш ишларига бекиёс ҳисса бўлиб қўшилади.

Бугун давлатимиз келажаги ва тараққиёт йўлимизни белгилаб берадиган қадриятлардан қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин: масъулият,

<sup>107</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва мърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. // Халқ сўзи, 2003 йил 25 апрель.

<sup>108</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутки.07.12.2017.

<sup>109</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016.Б- 9

садоқат, ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилік, билимдонлик, меңнатсеварлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, қатъиятлилик, талабчанлик, бағрикенглик, кечи-римлилик, инсофлилик, виждонлилик, диёнатлилик, камтарлик, сабр-қаноат, огоҳлик, бохабарлик, ҳалоллик ва х.з.

Мазкур фазилатларнинг ўзи, биздаги қадриятларнинг Ғарбда эъзозланган қадриятлардан қанчалар фарқ қилишини кўрсатади. Албатта, мақсад Ғарб давлатлари ёки ўзга халқларнинг қадриятларини ерга уриш ёхуд инкор этиш эмас, балки бу “қадриятлар”ни Шарқ халқлари ҳаётига жорий этишга қаратилган уринишлар мавжуд эканлигига эътибор қаратиш, ҳар бир халқ ўз ҳаёти билан яшашини яна бир бор таъкидлашдан иборат.

Шу ўринда, яна бир бор давлат суверенитети, жамият барқарорлиги, халқ осойишталигига таҳдид хусусида. "Хозирги замон глобаллашувининг бош "балоси" шундаки, — деб ёзади В.Л.Иноземцев, — уни асосий ҳаракатга келтирувчи томон бутун дунёдан ўз тор шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга ўрганган ва шунинг учун унинг тадрижий ривожи тўғрисида чинакам уйлашга қодир бўлмаган давлат бўлиб қолди"<sup>110</sup>.

Жаҳоннинг турли чеккаларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар бу фикрнинг тўғри эканлигини қайта-қайта тасдиқлади. С.Отамуратовнинг фикрича,, глобаллашув жараёни икки йўналишда миллатлараро муносабатларга таъсир ўтказади: **биринчидан**, у кўп миллатлар яшаётган мамлакатлар ички ҳаётида маълум зиддиятларни вужудга келтириш хавфини туғдирмоқда. **Иккинчидан**, глобаллашув иқтисодиёти юксак тараққий қилган мамлакатларга кам тараққий қилган мамлакатларни қарам қилиши оқибатида, катта миллатлар иқтисодиёти воситасида ўз миллий маънавиятларини оммалаштиришга ҳаракат қилиши боғлиқ зиддиятларни юзага келтиради.<sup>111</sup>

---

<sup>110</sup>Иноземцев В.Л. Вестернизация как глобализация и "глобализация" как американизация. // Вопросы философии, 2004. № 4. С. 66.

<sup>111</sup>С. Отамуратов.Глобаллашув ва миллат.—Т.: “Янги аср авлоди”,2008.Б-65-66.

**Жаҳонда** таркиб топган ҳозирги вазиятда каттами-кичикми, ҳар бир давлат ўз фаолиятида ташқи таъсир омилини эътиборга олмоғи керак. Бу, албатта, мамлакатимиз билан қолган дунё ўртасида темир бетон деворини ўрнатиш керак, дегани эмас. Ҳозирги замонда жаҳон ҳамжамиятига қўшилмасдан, «дунёга очиқлик» сиёсатисиз биронта давлат тараққиётини тасаввур этиб бўлмаслиги аён. Қолаверса, ахборот коммуникация тизими ўта ривожланган ҳозирги пайтда бунинг иложи ҳам йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги позициясини **Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев** қуидаги таъкидлайди: “Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очиқ мулоқотга тайёрдир. Биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз. Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз”<sup>112</sup>.

Жамият демократлашувини ҳозирги босқичи иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, маънавий-ахлоқий соҳадаги ислоҳотлар яхлит ёндашувни талаб этади. Ислоҳотларнинг бош омили - инсон. Шу нуқтаи назардан: “...фуқароларда ҳам ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев, - ана шундагина қўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз”<sup>113</sup> [103; 51 б.].

Ўзбекистонда хукумат билан ҳалқ ўртасидаги алокани кучайтириш, фуқароларнинг ўз имкониятларини руёбга чиқаришини таъминлаш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. “...Биз 2017 йилни юртимизда “Халқ

<sup>112</sup> Бу хақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.

<sup>113</sup> Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ-фаровон ҳаётининг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул килинганинг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи, “Халқ сўзи”, № 253 (7211), 8 декабрь, 2018.

билин мулокот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилдик. Лекин, ҳаммамиз тушунамизки, халқ билан мулокот, одамларнинг ичиға кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш - бу биз учун фақат бир йиллик иш эмас”<sup>114</sup>.

Бугун фуқароларимиз ўз мамлакатида, ўз юрти учун, келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятни чуқур ҳис қилиб яшаётган инсонлардир. Бироқ бу борада барча муаммолар ҳал этилган, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга ғов бўлаётган барча тўсиқлар бартараф этилган деб бўлмайди.

Бу Президентимиз таъкидлаб келаётганидек, биринчи навбатда, замон ўзгарганини етарли даражада англаб етмаган ёки англашни истамаётган турли раҳбарлар билан боғлиқ. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб — интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бosh вазир ёки унинг ўринbosарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки худудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак”<sup>115</sup>.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Шунга мувофик, ислоҳотлар бир кунлиқ, бир йиллик эмас, балки доимий жараёндир. Ислоҳотлар жараёнини амалга оширувчи, унинг боз ижрочиси — раҳбар шахс. Давр кенг қўламли ислоҳотларни талаб этмоқда.

Энг муҳими, раҳбар ислоҳотлар одамлар ҳаётига қандай таъсир ўтказаётгани ҳақида тинимсиз ўйлаши, бунда одамларнинг ҳаётий интилишлари, дарду ташвишларидан келиб чиқиб, халқ билан бамаслаҳат бу муаммоларни ҳал қилиши даркор. “...Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало ҳалқимиз билан. Шунда ҳалқимиз биздан рози бўлади. Ҳалқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Ҳалқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади”<sup>116</sup>.

<sup>114</sup>Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Т.: “Ўзбекистон”, 2016.Б-17

<sup>115</sup>Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик– ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.– Т.: “Ўзбекистон”, 2017.Б – 7.

<sup>116</sup>Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Т.: “Ўзбекистон”, 2016.Б-17-18.

Иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, маънавий-ахлоқий соҳадаги ислоҳотлар яхлит ёндашувни талаб этади. Ислоҳотларнинг бош омили - инсон. Аммо тўрачилик касали, алмисоқдан қолган эски бошқарув усулларидан халос бўлмаган айrim раҳбарлар демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг мазкур бош тамойилига тескари иш тутаётганлари сир эмас. Эски қолипдаги бошқарув усуллари одамларда собиқ тузум давридан қолган ҳокимиятдан кўркиш ҳиссини муайян даражада сакланишига сабаб бўлмоқда.

Бу хусусан, иқтисодий ривожланишга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан тадбиркорлар хақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик субъектларининг фаолияти турли назорат органларининг бўлар-бўлмас аралашувининг олдини олиш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш бўйича етарли хуқуқий база яратилган ва у кундан-кун такомиллашиб бормоқда. “Мамлакатимизда илк бор тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилди. Бизнес соҳасида солиқлар сезиларли равишда қисқартирилди, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилди”<sup>117</sup>.

Бироқ айrim раҳбарларнинг иш услуби иқтисодиёт ривожланишига тўсиқ бўлаётган қўркув омилини вужудга келтирмоқда. Натижада, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўрнига айrim тадбиркорлар "оч корним - тинч қулогим" қабилида иш тутишга, ёнғиндан сақлаш инспекцияси, солиқ инспекцияси, милиция, ҳокимият вакилларининг, юмшоқ қилиб айтганда, кўнглига қарашга мажбур бўлади. Адолат тамойилининг бузилиши эса ҳар қандай ташаббуснинг сўнишига олиб келади.

"Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу ўринда асосий муаммо, менинг назаримда, қўйидагилардан иборат:

---

<sup>117</sup>Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.

**Биринчидан**, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда.

**Иккинчидан**, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишида юзаки ёндошувларга йўл қўйилмоқда.

Ва ниҳоят, **учинчи** асосий камчилик – кўпчилик раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, иқтисодиёт тармоқлари, ҳар бир корхонадаги, шаҳар ва туманлардаги, айниқса, қишлоқ жойлардаги ишлар қандай аҳволда эканини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолгани билан боғлиқ”<sup>118</sup>.

Бугунги устувор вазифамиз саноатни ҳар томонлама ривожлантириш, ўзимизда етиштирилаётган хом ашёни ўз корхоналаримизда қайта ишлаш ҳажмини ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш, коммуникация, информацион технологиялар, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш ҳисобидан мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишидан иборат<sup>119</sup> экан, бу кенг кўламли ишларни амалга ошириш айни одамлардаги ишонч ҳиссига, уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатда, энг аввало, адолат қарор топиши муҳимлигини қайта-қайта таъкидламокда: "...Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз"<sup>120</sup>.

Муаммосиз ҳаёт бўлмайди. Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида, одатий кундалик муаммоларга турли таҳдидлар қўшилган, маълум кучлар одамлар ва жамият ҳаётидаги айрим муаммолардан ўз мақсади йўлида фойдаланишга уринаётган бир пайтда янада яққол намоён бўлади. Ҳақиқий

<sup>118</sup> Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, катъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.– Т.: “Ўзбекистон”, 2017.Б–10.

<sup>119</sup> Бу хақда қаранг: Ўзбекистон Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури.

<sup>120</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Т.: “Ўзбекистон”, 2016.Б–10

раҳбар мазкур муаммоларни ечиши, одамларни саросимали ҳолатдан халос эта билиши лозим. Бунда раҳбардан очиқлик талафтилади.

Миллий давлатчилик асосларини яратиш жараёнида **Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов** "Мавжуд муаммоларни яширмасдан, халқ билан бевосита муроқот қилиш зарур. Ҳар қандай оғир ва мураккаб аҳволга тушганимизда ҳам, жамоатчилик, маҳалла, фуқаролар йигинлари оқсоқоллари, обрўли фахрийлар, кайвонилар билан бамаслаҳат мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, вазиятни очиқ-ойдин тушунтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси, ҳаётда учрайдиган ҳар қандай нохуш ҳолатларнинг олдини олишнинг асосий шартидир",<sup>121</sup> таъкидлаган эди.

Бугунги шароитда мамлакат янги қиёфасини шакллантириш йўлидан кенг қамровли ислоҳотларга етакчилик қилаётган **Ш.М.Мирзиёев** эса, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаридек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз. "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз"<sup>122</sup>, деб таъкидлайди.

**Бизнинг фикримизча**, глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви давлат ҳамда турли соҳадаги ҳар бир раҳбарнинг ўз фаолиятидаги ижтимоий-маънавий йўналишга эътибор кучайтиришини талафтилади. Бу турли таҳдидларга учраётган умумжамият миқёсида миллий маданиятни ҳимоя қилиш, жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш зарурати билан боғлиқдир. Шу билан бирга, ҳар қандай мустақил давлат сингари ўз ҳудудида моддий неъмат ва маънавий қадриятларни сақлаш, ҳар бир миллат ва элатни

<sup>121</sup> Каримов И.А. Эл-юрт ташвиши билан яшаш, одамларнинг орзу-интилишларига қанот бериш — ҳар бир раҳбарнинг бурчи.// Халқ сўзи, 2006 йил 20 октябрь.

<sup>122</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Т.: "Ўзбекистон", 2016.Б-11

маданий қадриятларини ривожлантириш ва тенг имкониятлар яратиб бериш Ўзбекистон давлатининг асосий мақсади бўлиб қолиши керак.

**Этник жараёнларнинг тартибга солишда миллий бошқарувнинг аҳамияти бўйича қуидаги назарий хулосаларга келинди:**

1. Глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви давлат органлари ҳамда турли соҳадаги ҳар бир раҳбардан ўз фаолиятида ижтимоий-маънавий йўналишга эътибор кучайтиришини талаб этади. Бу турли таҳдидларга учраётган умумжамият миқёсида миллий маданиятни ҳимоя қилиш, жамиятнинг маънавий асосларини мустахкамлаш зарурати билан боғлиқдир.
2. Полиэтник таркибга эга Ўзбекистон ўз худудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг моддий ва маънавий қадриятларни саклаш, ривожлантириш ва миллий манфаатларнинг амалга оширишда тенг имкониятлар яратиб беришда давлат бошқарув органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.
3. Танқидий таҳлил Ўзбекистонда қизғин кечаётган демократик янгиланишлар жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, мақсад ҳамда вазифаларини, уларнинг илмий-назарий, яъни концептуал мазмун-мундарижасини, амалий ижролари самараларини, ғоя билан унинг амалиёти диалектикасини ўрганиш, англаш, илмий-амалий асосланган муайян хулосалар орқали жараён ёхуд босқичнинг янада серсамар бўлишини таъминловчи янги ғоялар заҳираси ҳамда уларни амалиётга аниқ жорий етиш усул ва воситаларини кашф этиш имконини беради.

## **ИККИНЧИ ҚИСМ. ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ**

Мазкур қисмда миллатларапо муносабатларни такомиллашувида миллий ва умуммиллий манфаатлар диалектикаси, миллатларапо муносабатларни такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтлари роли, глобаллашув шароитида миллий ўзига хосликни асраб қолишнинг устувор вазифалари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

### **Миллий ва умуммиллий манфаатлар такомиллашувининг диалектикаси**

Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ижтимоий бирдамликни таъминлаш, миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтиришда миллий манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш, уларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, миллий манфаатлар деганда миллатга, миллий давлатчиликка моддий, маънавий, руҳий ва жисмоний фойда, наф келтирувчи омиллар назарда тутилади.

Манфаат тушунчаси серқирра категория бўлиб, шахсий, уруғчилик, маҳаллийчилик, миңтақавий, этник, миллий ҳамда умуминсоний манфаат шаклларида намоён бўлади.

Манфаатларнинг турли – туманлиги сабаб, бу тушунчани моҳиятини таҳлил қилиш лозим бўлади. Жумладан, фалсафа қисқача изоҳли лугатида: “Манфаат – индивид ва ижтимоий гурухлар фаолиятининг асосий сабаби. Манфаат фаолиятни келтириб чиқариб қолмай, унинг йўналиши, восита ва шакллари, мақсадини ҳам белгилаб беради”<sup>123</sup>.

---

<sup>123</sup>Фалсафа. Қисқача изоҳли лугат (Маъсул мухаррир: А.Жалилов). –Т.: “Шарқ”, 2004.-Б. 195.

А.Ж. Холбеков ва Т.Б.Матибоевларнинг тадқиқотларида манфаатларни моддий ва маънавий, умумий ва хусусий манфаатларга ажратишади<sup>124</sup>. Б.К.Иминов фикрича: “Манфаат бу субъект фаолияти орқали руёбга чиқадиган қизиқишлар мундарижасидир. Айни пайтда у инсоният субъектининг туб мазмунини ташкил қиласи ва шу фаолият туфайли субъективлик объективликка ўсиб боради”<sup>125</sup>.

**Бизнинг фикримизча**, миллий манфаатлар бу муайян миллат вакилларининг кўпчилиги қўллаб-кувватлаётган талаб ва эҳтиёжлар йиғиндисидир.

Миллий манфаатлар бошқа миллат, халқларининг, бутун мамлакат манфаатларига зид бўлмаслиги керак. Миллий ва умуммиллий манфаатлар ўзаро диалектик алоқадор тушунчалардир. Умуммиллий манфаатлар мазмунмоҳияти жиҳатидан миллий манфаатлар тушунчасига қараганда кенг ва чукурроқ тушунчадир. Абдураҳмонов Ф.Р. “миллий ва умуминсоний манфаатлар” ҳақида фикр юритиб, уларнинг тизимиға шахсий, гурӯҳ, қон-қариндошлиқ, иқтисодий, миллий ва умуминсоний манфаатлар тизимини ташкил қилувчи бир қатор манфаатлар турларини киритган<sup>126</sup>. Ижтимоий манфаатлар миллий манфаатлардан фарқли равишда алоҳида битта миллат ёки халқ манфаатини эмас, балки мамлакатимиздаги барча миллат, элат ва халқларининг мақсад ва интилишларининг яхлитлиги, умумийлигини ифодалайди.

Умуммиллий манфаатлар бутун ҳолда намоён бўлса, миллий манфаатлар ана шу бутуннинг қисмлари, бўлаги шаклида намоён бўлади. Умумийликни алоҳидалиқдан, алоҳидалиқни умумийликдан ажратиш мумкин эмаслиги каби, миллий манфаатларни ҳам умуммиллий манфаатлардан ажратиб бўлмайди. Умуммиллий манфаатлар миллий манфаатларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

<sup>124</sup>Бу ҳақда каранг: Холбеков А.Ж., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: Баркарор тараккиёт йўлида. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004.– Б. 102.

<sup>125</sup>Иминов Б.К. Манфаатлар – сиёсат ва мафкура. – Т.: Минхож, 2002. – Б. 13 – 14.

<sup>126</sup>Абдураҳмонов Ф.Р. Мустақиллик ва миллий манфаатлар. – Т.: “Фан”, 1994. – Б. 3–45.

**Бизнинг фикримизча, миллий манфаатлар яхлит умуммиллий концепциясига айланганда** фуқаролар, жамият ва давлат эҳтиёжларини инобатга олади, ички ва халқаро майдондаги манфаатлар ўртасида бевосита алоқа бўлишини таъминлай олади.

Фикримизча, миллий манфаатлар умумжамият моҳиятига асосан, давлат манфаатлари кўринишида бўлади ҳамда икки даражаси ажратилади:

- асосий ташқи сиёсий манфаатлар даражаси;
- маҳсус манфаатлар даражаси.

Биринчиси, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, миллий тарихий бирлик сифатидаги хавфсизлик ва яхлитлигини таъминлаш, давлатнинг иқтисодий ва сиёсий суверентитини ҳимоялашдан иборат. Иккинчи даража, давлатнинг халқаро муносабатлар соҳасидаги манфаатларини қамраб олади.

Кўпмиллатли Ўзбекистон тарихий тажрибаси умуммиллий манфаатлар билан миллий манфаатларни бир-бирига уйғунлаштиришнинг бир қанча тамойилларини ажратиб қўрсатиш имконини берди. Булардан умумдавлат, умуммиллий манфаатларни миллий манфаатлардан устун қўйиш тамойили. Умуммиллий манфаатларини юқори қўйиш миллий манфаатларни чеклаш, камситишни билдиrmайди, балки умумиятнинг манфаатига асосланиш, озчиликнинг манфаатини қўпчилик манфаатидан устун қўймаслик демакдир.

Инсон воқеликни ҳис қилибгина қолмайди, балки ўз манфаатлари йўлида унга фаол таъсир қўрсатади, ўзлаштиради ва ўзгартиради. Миллатлар ва миллий манфаатлар, миллий ҳис-туйғулар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам кун сайин эътиборга молик масалалар, умумийлик муносабатларни ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида ва ижобий ҳал этиб боришни талаб этади. Миллатларнинг манфаатларига бирдан-бир тўғри муносабатда бўлиш, уларни энг юқори даражада каноатлантириш ва ана шу заминда ихтилофлар чиқарадиган ҳар қандай имкониятларга хотима берадиган шароитларни яратиб бориш демакдир.

Миллий манфаат теран ижтимоий, психологик ҳодиса бўлиб, миллатларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётини ҳар томонлама қамраб

олади. Миллий манфаатлар – миллатга, миллий давлатга моддий, маънавий, руҳий ва жисмоний фойда, наф келтирувчи омиллар.

Асл манфаатларни бир гурӯҳ миллий экстремистлар, миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми дардига мубтало бўлган кимсалар эмас, балки бутун халқ оммаси ифода этади.

Тажриба бизда ана шундай қатъи ишонч ҳосил қилдики, турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай фиск-фасод ҳавфи йўқолади, шундай шароит, айниқса турли тилларда сўзловчи ахолида шундай ишонч туғдирадики, бусиз халқлар орасида тинч муносабатлар бўлиши ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқларни ривожлантириш ҳам асло мумкин эмас.

Баъзи ҳолларда миллий манфаатлар ғоявий-сиёсий мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам, кўп миллатли давлатимиз халқлари манфаатлари тўла-тўқис акс эттирган орзуларни, соғлом миллий манфаатларини доимий равишда топиб, ўрганиб, уларни қондириш йўлларини изламоғимиз лозим. Лекин, “бир ёқламалик” характердаги, мамлакат бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмайдиган, ўта “шахсий” тор миллий манфаатлар атрофида ўралиб қолиш ҳам тўғри эмас. Бир миллатнинг манфаатлари бошқа миллат ва элатларнинг манфаатларидан, талаб ва эҳтиёжларидан ажратилмаган ҳолда ўрганилиши лозим.

Жамият ҳаётини демократиялаштириш, ошкораликни чуқурлаштириш шароитида, назокатни сақлаган ҳолда, барча миллатлар ва элатларнинг ўзига ҳослиги-ю, манфаат, кизиқишлирини камситмасдан, доимо халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, ёшларни байналмилаллик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлларини қидирмоқ керак.

Маълумки, дунёда яшаётган этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас. “Шу сабабли кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу

мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда”.<sup>127</sup>

Тарих сабоқлари шундан далолат берадики, агар мавжуд ижтимоий-этник гурухлар ўртасида ҳамжиҳатлик, анъанавий уйғунлик, ҳамкорлик вужудга келаган бўлса, ижтимоий-иктисодий тараққиёт жадаллашади. Миллатларнинг ва маданиятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши бу давлатларда яшаётган халқларнинг маънавий-ақлий бойиши учун яхши манба бўлиб хизмат қиласи. Аксинча, кўп элатли давлатлардаги миллатлараро муносабатларда ҳамжиҳатлик, уйғунлик мавжуд бўлмаса ижтимоий тараққиётнинг ривожланишига катта путур етказилиши табиийдир.

Шунинг учун ҳам, кўп миллатли давлатларда истиқомат қилувчи ижтимоий-этник бирликлар ўртасидаги муносабатларга жуда эҳтиёткорлик ва зийраклик билан ёндашиш муҳим аҳамият касб этади. Турли этник гурухларга мансуб кишиларнинг маданий, сиёсий, ижтимоий савиясини шакллантириш негизида ягона ватан ғояси атрофида ҳамжиҳат қилиб, уларга бир хил ҳуқуқ ва эркинликлар яратиб бериш орқали миллий манфаатлар уйғунлигига эришиш мақсади ётади. **“Жамиятимизда хукм суроётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал ғояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди”, -деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.**<sup>128</sup>

Ижтимоий тараққиёт жараёнида миллий ўзликни англашнинг ўсиши туфайли ўз давлатчилигига эга бўлмаган этник гурухлар томонидан миллий

<sup>127</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.6-Жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998. -77-бет.

<sup>128</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.-9-бет

озодлик ҳаракатларини келтириб чиқариши табиий ҳолдир. Миллий-озодлик ҳаракатларининг асосий мақсади – мустамлакачилик зулмини йўқ қилиш, мустақил миллий давлат тузиш, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилишига эришиш, чет эл мустамлакачилари ҳукмронлигини тугатиш, миллий қадриятларни, одамларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини сақлаб қолишга қаратил объектив эҳтиёждир.

Бизнинг фикримизча, муайян давлат ҳудудида тарихан зич ҳолда яшаб келаётган этносларнинг миллий ўзлигини англаш жараёнларига ўта эҳтиёткорлик билан ёндошиш, ҳар қандай кескин сиёсий талабларни муросага келтирувчи, икки томоннинг ҳам манфаатларига жавоб берадиган амалий механизмлар ишлаб чиқиши орқали ҳал этиш лозим. Акс ҳолда, этносларда сепаратизм кайфияти кучайиб, яхлит давлат таркибидан ажралиб чиқиб, ўз давлатларини ташкил этишга амалий ҳаракатлар бошланади. Энг хавфли томони эса, қуролли тўқнашувлар кучайиб, кўплаб инсонларни қони тўкилади. Бунга Сербиядаги Косово можаролари мисол бўлади.

“Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин – инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши, ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис, ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак. Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир”<sup>129</sup>.

Миллатлараро муносабатлар турли шаклларда давлатлараро муносабатларга таъсир ўтказишини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Бунга Югославия, Исройл ва Фаластин халқлари ўртасидаги кескинликлар яққол мисол бўла олади<sup>130</sup>.

<sup>129</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлида.6-Жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998.-80- бет.

<sup>130</sup> Бу ҳақда каранг:Faфуров С.М. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё республикалари ва Форс кўрфази араб давлатлари амалиёти. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нашриёти, 2007. Б-22-57.

Этник тозалаш сиёсати туфайли сайёрамизнинг у ёки бу минтақаларида содир бўлаётган миграция жараёнлари муайян давлатларнинг ижтимоий-этник таркибининг хилма-хил бўлишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мисол тариқасида шуни кўрсатиб ўтиш жоизки, ҳозирги даврда Германия Федератив Республикасида икки миллиондан ортиқ турк мухожирлари истиқомат қилишмоқда. Францияга кўчиб келган мигрантларнинг сони бундан кам эмас. Англия ва АҚШ маъмуриятлари кўчиб келаётганлар сонини чеклаш йўлларини излаб, турли қонунлар ишлаб чиқмоқдалар.

Собиқ Иттифоқ пароканда бўлиб, унинг ўрнида мустақил давлатларнинг барпо этилиши туфайли миллий ўзликни англаш жараёни янада ривожланиб кетди. Мустабид тузум ҳукмонлик қилиб турган йиллари Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистонга қатағон қилинган чеченлар, турклар, қорачойлар ва бошқалар ўзларининг ота маконига қайтиб кетиши, бу эса ўз навбатида, қатор сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий-маънавий муаммоларни юзага келтирди. Мана шундай вазиятни собиқ Иттифоқда кўп йиллар яшаб, эндиликда Германия Федератив Республикасига кўчиб кетиш истагини билдирган немислар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Янги мустақил давлатларга эски тузумдан мерос бўлиб қолган мазкур муаммолар миллатлараро муносабатларни йўлга қўйишида алоҳида эътибор берини талаб қилмоқда. Кўп миллатли давлатлардаги ижтимоий-этник муносабатлардаги уйғунликни таъминлашда барча этник гуруҳларнинг манфаатларини эътиборга олиш катта аҳамият касб этади.

Миллий манфаатларни назар-писанд қилмаслик, чеклаб қўйиш хунук ижтимоий-сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунга Тоғли Корабоғ, Кавказ орти жумхурийларда, Тожикистанда ва бошқа минтақаларда рўй берган кўнгилсиз воқеалар мисол бўла олади. Бу воқеалар миллий қадриятлар негизида турган муаммоларни оқилона ҳал этиш лозимлигини яна бир бор тасдиқлади, миллатчилик ва буюк давлатчилик шовинизми кайфиятлари қўзғалишига асло йўл қўйиб бўлмаслигини кўрсатди.

Миллий ўз-ўзини англаш этник гурух, элат ва миллатнинг ўзлигини маънавий, иқтисодий ҳам сиёсий жиҳатдан таъминлаш ва танитишга интилиш билан бир қатор этник манфаатларни, умумбашарий даражада ўзаро мувофиқлаштиради.

Миллий ва этник манфаатлар муайян этник гурухга хос бўлиб, ижтимоий-тариҳий тараққиёт жараённида шаклланган миллий урф-одат, анъана, маданият ва маънавиятнинг, шу билан бир қаторда иқтисодий-сиёсий жиҳатларнинг муҳим қирраларини ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Миллий ўзликни англаш шароитида этник манфаатларни ўрганиш ҳамда назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бизнинг фикримизча, қуидагиларни тақозо этади:

- фикрлар плюрализми нуқтаи назаридан мустақиллик шароитида этник манфаатлар бўйича мавжуд концепцияларни таҳлил этиб, замонавий шароитларга хос ва мос қарашларни илгари суриш;
- этник манфаатларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни, аҳамияти ҳамда замонавий сиёсий жараёнларда сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг этник қирраларини ўрганиш;
- этник манфаатлар моҳияти, мазмуни ҳамда жамият ривожидаги ўрни масалаларини сиёсий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш;
- жамиятда этносиёсий жараёнларни таҳлил этиб, уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсирини ҳамда миллий манфаатлардаги ўрнини кўрсатиш;
- этник манфаатларнинг ижтимоий тараққиёт ва жамият ривожидаги воқеа-ҳодисаларга ўзаро алокадорлик диалектикасини ўрганиб, ушбу жараённинг жамият тараққиёти билан боғлиқ хусусиятларини таҳлил этиш;
- жамиятда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий омилларнинг этник манфаатларга таъсирини ўрганиш;
- ҳозирги даврда ижтимоий тараққиётга хос этник жараёнлар ривожида этник манфаатларнинг ўсиб, миллий ва умуминсоний мазмун касб этиш хусусиятларини назарий тадқиқ этиш;

- ўзбек миллати таркибидаги этник гурухлар орасидаги алоқа, ўзаро диалектик боғлиқлик, уйғунлик ҳамда мавжуд фарқларнинг қонуниятларини ўрганиш ва жамият тараққиётидаги этник манфаатларнинг миллий ҳамда умуминсоний қирраларини кўрсатиш;

- ижтимоий тараққиётда этник манфаатларни ўрганиш жараёнида бир авлод вакиллари билан иккинчи авлод вакиллари орасида этник хусусиятларнинг инкор ва ворислик диалектикасини таҳлил этиш;

- миллий жамоат ташкилотлари ҳамда миллий даврий нашрларнинг жамиятда миллатлараро тинч-тотувликни ва этник манфаатларни таъминлашдаги роли ва ўрнини кўрсатиш;

- истиқлолга асосланган демократик жамиятда этник манфаатларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда маънавий асосларини ўрганиш орқали ушбу жараённинг ижтимоий ҳаётнинг мақбул тараққиётини таъминлайдиган чора-тадбир ва усулларини аниқлашдан иборатdir<sup>131</sup>.

Шу жиҳатдан ҳам бугунги жамият демократлашуви шароитида этник гурухлар фаолиятини жамиятда умунижтимоий манфаатлар равнақига хизмат қилдириш йўли ва усулларини ишлаб чиқиб, амалда жорий этиш ўзига хос зарурый аҳамият касб этади. Марказий Осиёдаги миллатлар этногенези, этноижтимоий муносабатлар, миллий ва ижтимоий тараққиёт, ўлкамиз халқлари ўртасида дўстликни, ҳамкорликни ривожлантириш муаммоларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш борасида кўпгина олимлар изланишлар олиб бормоқдалар<sup>132</sup>.

---

<sup>131</sup> Қаранг: Человек и культура межнационального общения (под ред С.Шермухамедова).-Т.: “Узбекистан”,1995; Культура межнациональных отношений.-Т.: “Мехнат”,1995 ва бошқ.

<sup>132</sup> Қаранг: Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект.-Т.,1998; Масқакова Л.П. Миграция населения Узбекистана.-Т,2000; Расулов К.Р. Отстоять национальное единство народов (Интернациональное воспитание: опыт, проблемы) .-Т.: “Ўзбекистон”,1991; Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналминал дунёкараш.-Т.: “Ўзбекистон”,1993; Программа развития Ферганской долины (Кыргызстан,Таджикистан,Узбекистан).-Т.: “Ўзбекистон”, 1997; Сыдыков Б. Кыргызстан-Узбекистан:пять лет сотрудничества равных десятилетию.-Т.:“Ўзбекистон”,1998; Фозилхўжаев И. Миллатлараромуносабатларни тартибга солиш (давлат-хукукий аспектлари).-Т.:“Фан”,1991; Хоназаров Қ. Интернациональное воспитание в условиях независимости Узбекистана.-Т.:“Катартол-Камолот”,1997.

Миллий қадриятлар кенг маънода барча мамлакатлардаги халқларни ташкил этувчи синфлар, миллатлар ва элатларнинг манфаат ва қизиқишиларини ифодалайди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, муайян миллатларга хос бўлган тор маъноли миллий қадриятлар йифиндисидан ташкил топган, умумийлашган умуммиллий қадриятлар мажмуасидир.

Демак, ҳар бир ўлка, мухтор ва мустақил давлат шаклларидағи жумхуриятлар таркибида бир неча миллатлар ва элатлар борки, уларнинг барчасига хос бўлган. Яхлит тарза амал қиласиган манфаат ва қизиқишилар юзага келади. Умумманфаат заминида юзага келган муносабатлар асосли равиша уларнинг барчасига хос бўлган умумқадриятларнинг шаклланишига асос бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, умуммиллий манфаатлар мазмун ва моҳияти жиҳатидан миллий қадриятларга қараганда кенг ва чуқурроқ тушунчадир. Кўриниб турибики, **умуммиллий манфаатлар миллий манфаатлардан фарқли ўлароқ алоҳида ёки бир гуруҳдаги кишиларни эмас, балки мамлакатимиздаги барча мавжуд миллат, элат ва халқларнинг мақсад ва интилишларининг яхлитлиги, умумийлигини ифодалайди.**

Миллий ва умуммиллий манфаатлар бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Ҳақиқий маънодаги тафаккури ўзгарган, миллий ҳамкорлик онги шаклланган, байналмилал инсон бўлмоқ учун факат ўз миллатининг манфаатинигина ўйлаш эмас, балки барча миллатларнинг манфаатларини, уларнинг умумий озодлиги ва teng ҳуқуқлигини, ўз миллатидан юқорироқ қўймоқ керак. Шу билан бирга, инсон ҳамма ҳолларда кичик миллатнинг маҳдудлигига, биқиқлигига, амалдорлигига қарши яккалик ва умумийликни ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний манфаатларга бўйсундириш учун курашмоги керак бўлади.

Ҳақиқий маънодаги байналмилаллик факат миллий, ҳудудий, республика манфаатларини теран англашдангина иборат эмас, балки умуммиллий янгиланиш вазифаларини адо этиш йўлидан мамлакатимиздаги

барча худудларнинг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишини ҳам тақозо этади.

Фикримизча, миллий ва умуммиллий манфаатларни якка-якка, алоҳида-алоҳида бўлган ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ бўлган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Умуммиллий манфаатлар ва уларни бир хилда қондириш барча мавжуд миллий давлат чегаралари доирасида чекланиб қолмаслиги керак. Турли вилоятларда яшаб келаётган инсонлар миллатидан қатъи назар, ҳамма жойларда ва ҳамма вақт ўзларининг ранг-баранг миллий эҳтиёжларини қондира олишлари лозим. Бу муносабат худудий мухториятга эга бўлмаган элатларга ҳам тегишлидир, уларнинг миллий манфаатларини одилона ҳимоя қилиш зарур.

Маълумки, Ўзбекистон халқининг этник таркибида туб аҳоли устун мавқеини эгаллайди. Ўрта Осиё туб халқлари табиатида бошка миллатларнинг вакилларига нисбатан кенг феълликнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. “Халқимизва давлатимизнинг тарихий хотирасига антисемитизм, ирқчилик ва ўзга миллатга, ўзга халқقا менсимасдан, ҳурматсизларча муносабатнинг бошқача шакллари намоён бўлган шармандали саҳифалар йўқлиги билан фахрланади.”<sup>133</sup>

Миллатидан қатъи назар одамларга ҳайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон халқига хос фазилатлардандир. Халқимизнинг эзгу фазилатларининг амалий жиҳатларини айниқса, фашизмга қарши кураш йилларида кўриш мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қуидагиларни қайд этади: “Ўта оғир ва мешақатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари яққол намоён бўлди. Эл-юртимиз мамлакатнинг уруш бўлаётган ғарбий худудларидан эвакуация қилинган турли миллатга мансуб 1 миллионга яқин

---

<sup>133</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлида. 6-Жилд.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998.-85- бет.

болалар, аёллар ва кексаларга бошпана бериб, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди”<sup>134</sup>.

Бугунги кунда ёшларимизда миллий ҳамкорлик онгини шакллантириш орқали мазкур вазифаларни бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Қардош мамлакатларда яшаётган миллат ва элатларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиш, уларни қондириш йўлларини излаш, ҳамда мамлакатимизнинг умумий манфаатига мувофиқлаштириш нихоятда катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муносабатларнинг барчаси, айнан ҳаётимиз мезонидан келиб чиқаётган ҳаққоний талаблардир. Буларга ўз вақтида эътибор бермаслик, ўз навбатида кўплаб салбий оқибатларга олиб келиши муқаррар. Бироқ, муаммоларни ҳал қилиш жараёнида фақат муайян республикадаги бир миллат ва элатнинг талаб ва эҳтиёжларига зўр бериш, миллий маҳдудликка, худбин манфаатларга асир бўлиб қолиш ҳам мумкин эмас.

Чунки бу ҳол, муайян республиканинг ижтимоий-иктисодий ва маданий-маънавий равнақига ҳисса қўшмайди, аксинча салбий таъсир этади, миллий туйғуларнинг кучайишига олиб келади. Миллий ва умуминсоний манфаатларнинг моҳиятини белгилаш, ҳимоя қилиш чоғида йўл қўйилган шошма-шошарлик, ўйламасдан ташланган ҳар бир қадам оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.

Ёшларда миллий ҳамкорлик онгини шакллантириш, миллий муносабатларни янада такомиллаштириш учун ижтимоий синфлар, миллат ва элатлар манфаатларининг муштараклиги, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш катта аҳамият касб этади<sup>135</sup>.

---

<sup>134</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунига багишлиланган қабул маросимиидаги нутки. 09.05.2017. Интернет манба: <http://president.uz>

<sup>135</sup> Қаранг: Ханазаров Қ. Ҳозирги замон ва мустақил Ўзбекистонда миллий миносабатлар// Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998; Нации и национализм /под ред. Б.Андерсон, О. Бауэр (Пер. с анг.). -М.: “Праксис”, 2002 ва бошк.

Миллий қадриятлар асосида шаклланадиган умуммиллий манфаатлар, умумийлик муносабатларида намоён бўлади, буларга қуидагиларни киритиш мумкин:

**биринчидан**, барча инсонларнинг миллати ва яшаш жойидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги ва эркин ривожланишини таъминлаш;

**иккинчидан**, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллий қадр-қимматини қарор топтириш;

**учинчидан**, миллатларни она тили ва маданиятини, халқ урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантириш ҳуқуқини қафолатлаш ;

**тўртинчидан**, кам сонли халқларнинг, миллий гурухларнинг манфаатлари ва қизиқишлигини ҳимоя қилиш, улар турмушининг анъанавий шаклларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

**бешинчидан**, миллий экстремизм, шовинизм, ирқчилик, фуқароларнинг миллати, тили, турмуш тарзи ёки яшаш жойига қараб камситилишининг ҳар қандай шаклларига қарши қурашиш;

**олтинчидан**, кўп миллатли давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш ва қўриқлаш;

**еттинчидан**, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, минтақани барқарор хавфсизлик худудига айлантириш мақсадида **минтақавий интеграция жараёнларини янада жадаллаштириш**;

**саккизинчидан**, қўшни мамлакатларнинг миллий маданий марказлари ва дўстлик жамиятлари билан алоқаларни янги сифат босқичига кўтариш ҳамда ҳамкорлик муносабатларини кучайтириш.

Жамият демократлашуви шароитида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиқда ёшларимизда халқимизга хос эзгу фазилатлар асосида миллий ҳамкорлик онгини шакллантириш орқали мазкур вазифаларни бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларда миллий ҳамкорлик онгининг такомиллашуви, ўз навбатида уларнинг миллий манфаатлар курашчисига айланиб бориши

тенденцияларини кучайтиради. Бунинг натижасида ёшлар бошқа халқ вакилларининг турли манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқаришга, ҳуқук ва эркинликларини амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратишда ўзларининг ҳиссаларини қўшиб боришга интиладилар.

Ҳар қандай миллий тарбия кўзлаган мақсад қўлами жиҳатидан кенгрок, аҳамияти жиҳатдан муҳимроқ бўлади. Булар қаторида белгиланган вазифаларни бажариш, халқнинг, миллатларнинг маънавиятини юксалтириш, шу йўл билан уларни янги тарихий вазифаларни бажаришга сафарбар этишдир. Тараққиёт учун зарур бўлган маънавий омиллар маълум илғор ғоялар шаклланганида эмас, балки улар омманинг, ҳар бир ёш йигит-қизнинг онгига сингиб, фаолиятига асос бўлганидан кейин юзага келади.

### **Миллий ва умуммиллий манфаатлар вобасталигини таъминлаш борасида қуидаги назарий холосаларга келинди:**

1. миллий манфаатлар ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши муайян этник гурухга мансуб инсонлар билан жамиятда бошқа тузилмалар ва ижтимоий бирликлар ўртасидаги муносабатларнинг акс этиш ҳолатидир;
2. миллий манфаатлар структураси давлат ва жамият ҳаётида кечаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар жараёнларининг мазмунига мос равища ўзгариб туради. Бунда манфаатларнинг айрим қирралари йўқолади, янгилари юзага чиқиши мумкин;
3. Миллий манфаатларнинг намоён бўлиши, зиддиятлар кўринишида тўқнашуви ва миллий ва умуммиллий манфаатларнинг ўзаро муносабати жамият тараққиёти ва йўналишини белгилайди. Зиддиятлар ҳар бир миллатнинг эҳтиёж ва талабларини тўла таъминлашнинг имконияти мавжуд эмаслиги билан боғлиқдир. Манфаатларнинг тўла таъминлаш имконияти йўқлигидан келиб чиқиладиган бўлса, уларни мувозанатга келтириш ҳар доим зарурият сифатида миллий тараққиётнинг объектив қонунияти сифатида амал қиласи.

## **Миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли**

Жамият демократлашуви жараёнларида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий анъаналар ва қадриятларга жиддий эътибор қаратиш, миллий манфаатларни фуқаролик жамияти институтлар каби нодавлат тузилмалар воситасида уйғунлаштириш натижасида барча соҳадаги ислоҳотларнинг умуммиллий манфаатлар билан мос келиши таъминланади.

“Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг хуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг хуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қиласди”<sup>136</sup>.

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концептуал сиёсий дастурининг моҳияти шундаки, марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич бериб бориш асосида жамият қурилишини эркинлаштиришдир. Бу концепция доирасида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга соловчи конституциявий - хуқуқий асосларини яратилди

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддаси Ўзбекистон фуқароларининг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хуқуқига эга эканлигини эътироф этиш билан бирга, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг

---

<sup>136</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-23 жиллар. – Т.: Ўзбекистон, 1996-2016.

хуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслигини белгилаб қўйган. Асосий Қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ҳамда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги конституциявий тамойил ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканликлари белгилаб қўйилган.

Асосий Қонуннинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига бағишлиланган бўлиб, унда ушбу ташкилотларнинг турлари, фаолият кўрсатиш тартиби, уларнинг давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслардан мустақиллиги каби тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-моддасида “Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади”, деб белгиланди<sup>137</sup>.

Шу билан бирга, жамоат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Бунда мазкур ҳуқуқдан жамиятга қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

---

<sup>137</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, ҳалқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолиятини ҳамда махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади”<sup>138</sup>.

Жамоат ташкилотлари фаолиятини хуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ижобий жараёнларнинг тамал тоши сифатида 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунини кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур қонунда илк маротаба жамоат бирлашмаси (ташкилоти) институтига хуқуқий таъриф берилиши билан бирга, уни ташкил этиш мақсади, фаолияти принциплари ҳамда хуқуқ ва мажбуриятлар доираси белгилаб берилди. Қонунда белгилаб қўйилган шакллардаги ҳар қандай жамоат ташкилотини камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу қонунга мустақиллик йилларида киритилган бир қатор ўзгартишлар баробарида жамиятда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда жамоат ташкилотларининг хуқуқ ва мажбуриятлари доираси ҳам кенгайиб борди. Қонунга биноан, улар ўзларининг ички тузилмасини, мақсади, фаолият олиб бориш шакли ва усусларини танлашда ҳамда уставларини қабул қилишда мустақил эканликлари белгилаб қўйилди

Шунингдек, юқоридаги конституциявий тамойиллар қатор қонун ҳужжатларида янада ривожлантирилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонун (1991 й.), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонун (1999 й.), “Жамоат фонdlари тўғрисида”ги қонун (2003 й.), Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>138</sup> Ўша манба.

Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (2005 й.), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар (2007 й.), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-кувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори (2008 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимчачора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2013 й.), “Экологик назорат тўғрисида”ги қонун (2013 й.), “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун (2014 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2017 й.) ва бошқа бир қатор қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган қонуности хужжатлари шулар жумласидандир<sup>139</sup>.

Кейинги йиллар мобайнида фуқаролик жамияти институтлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилганини гувоҳи бўлмоқдамиз.

“2017 йилда “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-кувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди”,<sup>140</sup> деб таъкидлайди Ш.Мирзиёев.

<sup>139</sup>Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шақлланиши.-Тошкент: Шарқ, 2003.-512 б.

<sup>140</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати. “Халқ сўзи”, декабрь, 2017.

Мазкур ҳуқуқий асосларнинг яратилиши нафақат мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида жамоат ташкилотларининг фаолиятига оид ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил соҳасини юзага келишига олиб келди, балки, унга тизимлилик тусини берди. Юқоридагилар билан бирга, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар ўз ичига конституциявий, фуқаролик, маъмурӣ, жиноий ҳуқуқ нормаларини қамраб олувчи бутун қонунчилик тизимининг шаклланишига ҳам имконият туғдирди.

Мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмалашиш, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қўшма қарорига кўра тузилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиянинг фаолияти “учинчи сектор” деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очик, ошкора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

2010 йилда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритган ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпdir. Фуқаролар йигинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтларини ривожланиш динамикаси таҳлил қилинса, адлия вазирлиги органларида рўйхатдан ўтган ННТлар сони 2012 йилда 6226 та, 2013 йилда 7866 та, 2014 йилда 8190 та, 2015 йилда 8417 тани ташкил этган бўлса<sup>141</sup>, бугунги кунда эса, уларни сони 9 200 тани ташкил этмоқда<sup>142</sup>.

ННТнинг фаолият йўналиши бўйича тақсимотига (% ҳисобида) эътибор қаратсак, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш 22,1%, демократик институтларни ривожлантириш 17%, спортни ривожлантириш 13%, ёш авлодни тарбиялаш 7,6%, ногиронлар ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш 7%, касаба уюшмалари 5,6%, тарихий-маданий ривожланиш ва маърифат 5,2%, Фахрийлар ҳуқук-манфаатларини ҳимоя қилиш 4%, фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатиш 4%, аёллар фаоллигини ошириш 3,5%, соғлиқни сақлаш 2,5%, илмий-тадқиқот марказлари 2,2%, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш 2,1%, миллий-маданий марказлар 1,7%, экология 1,2%, дўстлик ҳамжамиятлари 1%, журналистика ва ОАВни ривожлантириш 0,3%ни ташкил этган.

ННТларни ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимоти қўйидаги кўринишида: жамоат бирлашмалари 71%, бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллар 19%, жамоат фондлари 6%, муассасалар 4%ни ташкил этган<sup>143</sup>.

Ўз навбатида, мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтларини қўйидаги мезонлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Иқтисодий соҳадаги манфаатларни қаноатлантирувчи тузилмалар: хусусий мулк асосида вужудга келадиган ва фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлари; ижара асосида ишловчи жамоалар; ҳиссадорлик жамиятлари; молиявий жамғарма ҳамда уюшмалар; ишлаб чиқариш корпорация, концернлари ва бирлашмалари; тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва бошқалар.

<sup>141</sup> Ўзбекистонда фуқаролик жамияти: ракамлар ва фактлар 2015.-Тошкент, ФЖШМКМИ, 2016.73-бет.

<sup>142</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4-майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6430-сонли қарори. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси. 05.05.2018 й., 06/18/5430/1164-сон.

<sup>143</sup> Ўша манба.

2. Ижтимоий соҳадаги манфаатларни ифодаловчи тузилмалар: оила ҳамда унинг манфаатларини акс эттирувчи маҳсус ташкилотлар; таълимтарбия муассасалари (мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари); жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари; мустақил ОАВ; диний ташкилотлар; миллий-маданий марказлар; ихтиёрий кўнгилли жамиятлар; жамоатчилик фикрини аниқлаш ва ўрганиш институтлари; турли ижтимоий ихтилофларни адолатли ҳал этувчи тузилмалар ва бошқалар.

3. Сиёсий соҳадаги манфаатларни акс эттирувчи институтлар ва тузилмалар: сиёсий партиялар; ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар; сиёсий мухолифатнинг мавжудлиги; инсон хуқуqlарини ҳимояловчи институтлар ва бошқалар.

**Ўз навбатида фуқаролик жамияти институтларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади:**

- ✓ аҳолини турли ижтимоий гурӯхлари манфаатларини ифода этади;
- ✓ жамият аъзолари ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, муроса маданиятини шакллантириш;
- ✓ фуқаролар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй берадиган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим омил саналади;
- ✓ улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришнинг асосий воситаси ҳисобланади;
- ✓ миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий-хуқуқий маданияти ва миллий дунёқарашини юксалтиришда, миллий ғоя ва миллий истиқтол мафкурасини жорий этишда уларнинг имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади;
- ✓ бутун жамият аҳамиятига молик масалаларни ҳаётга тадбиқ этишда улар давлатнинг teng хуқуқли ижтимоий ҳамкори ҳисобланади;

✓ нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтиради ва мустаҳкамлайди.

Маълумки, ҳар қандай ташкилий тузилманинг моҳияти, мазмуни ва мақсади у олиб борадиган функциялар ва фаолият йўналишларида ифодаланади. Шу жумладан, фуқаролик жамияти институтлари функциялари ҳам уларнинг жамият ҳаётига нисбатан муайян фаолиятни амалга оширишлари орқали таъсир кўрсатишларида намоён бўлади.

Мамлакатимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда фуқаролик жамияти институтлари сифатида миллий маданий марказлар етакчи роль ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, ҳалқ ҳунармандлигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Республикамида турмуш тарзимизнинг барча жабҳаларида рўй берадиган ўзгаришлар бағрикенглик ва конфессиялараро ўзаро англашув маданиятини янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг барча фуқароларини teng ҳуқук ва имкониятлар билан таъминлаш, дўстона ва маданий-маърифий алоқаларни янада юқори даражага кўтаришни талаб қилади.

Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакат Президентининг 2017-йил 19-майдаги ПФ 5046 – сонли фармони биноан Республика байналмилад маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг маркази негизида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси** ташкил этилди.

Қўмита зиммасига, фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга, ватандошларимиз онгода кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари

фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш ва янада ривожлантиришга, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга, мамлакатимизнинг жамият турли соҳаларидаги ютуқлари мазмун ва моҳияти тарғиботига, шунингдек, ушбу йўналишда бажарилаётган ишларни ва амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини босқичма-босқич рўёбга чиқариш каби вазифалар юклатилди<sup>144</sup>.

Бугунги кунда қўмита қошида 138 та миллий маданий марказ фаолият юритади. Улардан 14 таси Республика миллий маданий марказ мавқеига эгадир: Тошкент шаҳрида 23 та, Қорақалпоғистон Республикасида 6 та ва вилоятларда 95 та миллий маданий марказ фаолият юритмоқда. Ҳозирда қўмита қошида 34 та хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари фаолият олиб бормоқда, шунингдек, қўмита дунёning 18 та мамлакатидаги ҳамкорлари билан алоқа қилмоқда.

Бундан ташқари, қўмита хориждаги 29 та ўзбек эмиграция ва диаспоралари билан алоқаларни йўлга қўйган ҳамда улар билан ҳамкорликда ўзбек маданияти кунлари, тили, халқининг ўзига хос миллий анъана, урфодатларини, тарғиб этишга йўналтирилган анжуман, семинар, давра суҳбатлари, кўргазма, викторина, концерт ва бошқа тадбирларни ўтказиб келмоқда. Бундай фаолият миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга ўзини ижобий таъсирини кўрсатади.

Фуқаролик жамияти институтларини фаолияти бутун жамият ҳаётини қамраб олган бўлса-да, аммо бу борада қатор қилиниши керак ишлар, ҳал қилиш керак бўлган муаммолар ҳам мавжуд. “...**аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-куватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли**

<sup>144</sup> Бу хақда каранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5046-сонли фармони. “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 май.

**даражада сезилмаяпти. Улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолмоқда”, деб таъкидлайди Ш.М.Мирзиёев.**

Ўз навбатида хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида амалий ҳамкорлик ва узвий мулоқотни таъминлаш самарадорлигини такомиллаштиришда Ўзбекистон Президентининг амалга киритилган қуидаги таклиф жуда муҳим аҳамиятга эгадир: “Ушбу ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида **Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашини** тузиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман”<sup>145</sup>.

2018 йил 4 майда Ўзбекистон Президентининг **“Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-5430-сонли фармони қабул қилинди ҳамда ушбу маслаҳат кенгашининг вазифалари ва таркиби тасдиқланди <sup>146</sup>[131; 73 б.].

Амалга оширилган ушбу ишлар ва ташаббуслар фуқаролик жамияти институтларининг роли алоҳида эканлигини кўрсатади ҳамда мазкур масалаларга давлат даражасида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти ҳисобланадиган жамоат ташкилотларининг бирламчи ва асосий функцияси, уларнинг давлат ҳокимиютини муайян даражада чегаралаш, яъни давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш эканлигини эътироф этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти бу борадаги муаммолар хусусида қуидагиларни таъкидлайди: “Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга

<sup>145</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати. “Халқ сўзи”, декабрь, 2017.

<sup>146</sup> Бу хақда қаранг: Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.05.2018 й., 06/18/5430/1164-сон.

оширишнинг аниқ хуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бермоқда. Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарур”<sup>147</sup>.

Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун 2018 йил 12 апрелда қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат<sup>148</sup>.

Шунингдек, давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этилган. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев фикрича, “...мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим”<sup>149</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сонли “Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва қарорга илова билан жамоатчилик кенгашларининг хуқуқий асослари ва низоми белгилаб берилди<sup>150</sup>.

Жамоатчилик кенгашлари томонидан амалга ошириладиган назорат жамиятда ижтимоий адолат қарор топиши учун шахс, жамият ва давлат

<sup>147</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати. “Халқ сўзи”, декабрь, 2017.

<sup>148</sup>Бу хақда қаранг: Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.

<sup>149</sup>Бу хақда қаранг:Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МирзиёевнингОлий Мажлисга мурожаатномаси ( 22 декабрь 2017 йил). – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.- 80 б.

<sup>150</sup>Бу хақда қаранг: Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.07.2018 й., 07/18/3837/1454-сон.

алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади. Мазкур институт инсоннинг ҳукуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор аҳамиятга эгалигини таъминлайди ва бунда жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ қўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати, авваламбор жамоат ташкилотлари – сиёсий партиялар, маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари, касаба уюшмалари, истеъмолчиларнинг уюшмалари ва бошқалар фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бинобарин, ҳокимият органларининг жамоат ташкилотлари орқали халқ билан мулоқоти демократияни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро ҳокимият органлари халққа ўз сиёсати ва харакатларини тушунтириши, унинг олдида хисоб бериши лозим.

Шунинг учун, Ўзбекистон Президенти мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришни таъминлашда парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни, **намунавий халқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил** этиш тажрибаси жорий этилиши лозимлигини таъкидлаб: “**Уларнинг асосий мақсади ва вазифаси – аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўрганиш, балки уларни таъминлашдан иборат**”<sup>151</sup>, деб таъкидлайди Ш.Мирзиёев.

Давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш жараённида, марказлаштирилган ваколатларни жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларига каби тузилмалар

---

<sup>151</sup>Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.- Т.; Ўзбекистон, 2016.

ихтиёрига ўтказилиши Фуқаролик жамиятини янги ривожланиш босқичига кўтарилаётганидан далолат беради. “Биз учун энг оғир муаммолардан бири – давлатнинг функция ва ваколатлари ҳаддан ташқари марказлашиб кетганидир.”<sup>152</sup>, деб таъкидлайди Ш.М.Мирзиёев.

Бунинг учун эса, “**Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш зарур.** Бунинг учун кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан худудий органларга ўтказиш”<sup>153</sup> билан боғлиқ қатор вазифаларни ҳал этиш кераклигини уқтиради.

Ҳаракатлар стратегиясини “**Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 9 та фаолият тури бўйича лицензия бериш функциялари Вазирлар Махкамасидан тегишли вазирлик ва идораларига, 3 та фаолият тури бўйича лицензия бериш функциясини республика давлат бошқарув органларидан уларнинг худудий бошқармаларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларидан туман ҳокимликларига 2 та рухсат бериш хусусиятига эга бўлган хужжатларни бериш функцияси ўтказилди<sup>154</sup>[139; 76 б.].

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдига муайян мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши ҳамда янгидан-янги муаммоларнинг юзага келиши ўз навбатида, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ОАВ каби фуқаролик жамияти институтлари фаолият йўналишларининг ўзгариб бориши, ўз-ўзидан унинг ўзгача моҳият касб этишига олиб келади.

<sup>152</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати. “Халқ сўзи”, декабрь, 2017.

<sup>153</sup>Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати. “Халқ сўзи”, декабрь, 2017.

<sup>154</sup>Бу ҳақда қаранг: Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросининг 9 ойлик якунлари тўғрисида маълумот. Интернет манба: <http://www.strategy.uz>

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари сонининг ўзгариш динамикасига назар солсак, 2009 йилда 1218 та ОАВ мавжуд бўлса, 2015 йилда 1437 тани, бугунги қунда эса, 1500 тадан ортиқни ташкил этмоқда. 12 та миллий тилларда телерадио кўрсатув ва эшиттиришлар, ўндан ортиқ тилларда босма нашрлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимида қатор муаммолар мавжуд эканлигига эътибор қаратиб, қуидагиларни таъкидлайди: “... бундай кенг кўламли вазифани талаб даражасида ҳал этадиган таянч олий ўқув юрти мамлакатимизда мавжуд эмас. Шу муносабат билан Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман”<sup>155</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан бу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш тизимида қатор муаммолар ҳал этиш учун 2018 йил 24 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан, Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университети ташкил этилди<sup>156</sup>.

Давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъи-ҳаракатларини бирлаштирувчи ҳамда иккала субъектнинг қўп миллатли таркибга эга халқ ўртасидаги ўзига хос замонавий, демократик ҳамда очик-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали муроқотини йўлга қўйишда ОАВ фаолияти муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий маданият, тил, анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар сценарийларни ишлаб чиқиш, миллий маданий марказлар томонидан маданий дастурлар тайёрлаш ва намойиш этиш учун ОАВларида имтиёзли вақтлар ажратиш; этномаданий тадбирларни ўтказишида ахборот

<sup>155</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати. “Халқ сўзи”, декабрь, 2017.

<sup>156</sup> Бу хақда қаранг:Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси (22 декабрь 2017 йил). – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.- 80 б.

таъминоти билан кўмаклашиш; миллий сиёsat тамойилларини тарғиб этишда илғор тажрибани жорий этишга кўмаклашиш, миллий бирдамликка таҳдид соладиган хатарларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришда ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятли ҳисобланади.

**Миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтлари турли этник гурухлар ҳаётини муҳофаза қилиш, унинг мақсадлари, манфаатларини муайян жамоат ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишdir.**

Фуқаролик жамиятининг мазкур институтлари, ўз навбатида, муайян этник гурухга мансублигидан қатъий назар, шахс учун унинг ҳокимият манбаи эканлигини ҳис қилишга ҳамда унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси жамиятда юксак қадрият сифатида тан олинишини таъминлашга хизмат қиласди. **“Бизнинг мақсадимиз – халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат, деб таъкидлайди Ш.Мирзиёев-... биз ўз фаолиятимизни «Буюк келажак бугундан бошланади» деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур”**<sup>157</sup>.

Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун кўп миллатли давлатнинг этник таркибини ташкил этувчи миллат ва элатларнинг манфаатларини таъминлашда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигига ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

**Миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик қўйидагиларда намоён бўлади:**

---

<sup>157</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги нутки

Миллий маданий марказ фаоллари ва етакчиларининг малакасини ошириш учун конференция, семинар, вебинар, маслаҳат, думалоқ стол, муҳокама, маҳорат дарслари, тренинглар ташкил этиш;

турли этник гурухларга мансуб фуқароларнинг сиёсий маданияти ва хуқуқий онгини ошириш орқали ксенофобия, эстремизмга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш орқали жамиятда консенсус ва осойишталикни таъминлашга кўмаклашиш;

этнотуризмни ривожлантириш борасида инновацион лойиҳалар ва дастурларни яратиш ва амалиётга жорий этишга кўмаклашиш;

миллий гурухлар фаол етакчиларини тайёрлаш учун мулоқот майдонларни шакллантириш, ОТМ таҳсил олаётган турли миллатга мансуб талабалар билан семинар, ижодий тадбирлар ўtkазиш ва МММларда ёшлар стажировкасини ташкил этиш;

миллатлараро ва конфесиялараро муносабатларни мониторингини амалга ошириш;

ижтимоий-сиёсий майдондаги турли кучларнинг конструктив мулоқотини йўлга қўйиш;

миллатлараро муносабатларни ривожлантириш масаласига бағишлиланган услубий адабиётлар ( брошюралар, бюллетенлар, услубий қўлланмалар ва ҳ.к.) ҳамда миллатлараро муаммоларга таалуқли замонавий илмий адабиётлар билан яқиндан танишиш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда давлат органлари ва ННТлар ўртасида ижтимоий шериклик масаласига бағишлиланган кўргазмалар ташкил этиш ва ҳ.з

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, фуқаролик жамияти институтлари ҳозирги кунда миллатлараро тотувликни таъминлашда демократик қадриятлар, инсон хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рӯёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий фаоллиги ва хуқуқий маданиятини ошириш учун шароит

яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

**Миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларини роли ва аҳамияти хусусида қўйидаги назарий хулосаларга келинди:**

Фуқаролик жамияти институтлари аҳолини турли манфаат гурухлари, жумладан, турли этник гурухларнинг манфаатларини ифода этади;

жамият аъзолари ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатликни таъминлайди ҳамда муроса маданиятини шакллантиради;

фуқаролар онгига демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй берадиган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда муҳим омил саналади;

улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришнинг асосий воситаси ҳисобланади;

миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий-хукуқий маданияти ва миллий дунёқарашини юксалтиришда, миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини жорий этишда уларнинг имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади;

бутун жамият аҳамиятига молик масалаларни ҳаётга тадбиқ этишда улар давлатнинг teng ҳукуқли ижтимоий ҳамкори ҳисобланади;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-хукуқий ҳужжат қабул қилиниши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилгани жамиятдаги турли туман манфаатларни ҳимоя қилувчи нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари сонини кўпайишига қулай имкониятлар яратмоқда.

## **Жамият ҳаётининг демократлашуви шароитида миллатларнинг ўзига хослигини янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари**

Инсониятни узоқ давом этаётган тараққиётини тарихий-ижтимоий бирлиги сифатида шаклланган миллат глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий таъсирлари гирдабига тушиб қолмоқда. “ Шунинг учун миллатни асраш учун миллий маънавиятини асраш глобаллашувнинг авж олиши шароитидаги ўта муҳим миллий манфаатларга молик вазифага айланиб бормоқда”<sup>158</sup>, деб таъкидлайди С.Отамуратов.

“Глобаллашув” атамасини 1983 йилда америкалик олим Т.Левитин томонидан илк маротаба тилга олинди. Ғарб олимларидан Ж.Стиглиц, Ф.Фукуяма, З.Бжезинский кабилар глобаллашувни жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараён сифатида қарашса, М.Сирвэл, Д.Кинг, В.Никонов кабилар сиёsat ва давлатчилик жараёни билан боғлаб тушунтиришади<sup>159</sup>. Қатор ўзбек олимлари ҳам глобаллашув ваунинг турли соҳаларга таъсирлари ҳақида ўз қарашларини илгари суришган<sup>160</sup>.

Албатта, хозирги даврда глобаллашув жараёнлари энг илфор, янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, тезкор замонавий коммуникация ва алоқа воситалари тизимларининг ривожланиши, илмий, техник ҳамда одамлар ҳаёти учун зарур ахборотни йиғиш ва тақсимлаш, меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиб, бу борада чекланмаган имкониятларга йўл очмоқда. Булар, ўз навбатида, мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувига, жаҳон иқтисодиёти тизимиға интеграциялашуви жараёнларини фаоллаштиришга хизмат қилмоқда. Аммо

<sup>158</sup> Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. Б.4.

<sup>159</sup> UzbekistanandCentralAsia.- Центр политических исследований. Информационно-аналитеский Бюллетень.IX – 2007.–С.42–45.

<sup>160</sup> Холбеков М. Адабиёт глобаллашув// “Тафаккур”, 2004, 4-сон; Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси.–Т.:ТДОИ,2006; Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар.–Т.: “Мұхаррір”, 2009; Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари.–Т.:“Маънавият”,2006; Саидов У.Глобаллашув ва маданиятлараро мулокот.–Т.: “Akademiya”, 2008ва бошқ.

ўзгариб бораётган дунё мантигининг чуқур мазмун-моҳиятини, ҳозирги дунёда вужудга келаётган ихтилоф ва зиддиятларнинг сабабларини тўғри аниқлаш учун ижтимоий ривожланишнинг асосий томирини белгилаш зарур.

Бу, аввало, маданият ва унинг бош ўзаги бўлган маънавий-ахлоқий қадриятлардир. Афсуски, бу муҳим жабҳа кўп ҳолларда эътибордан четда қолади. Бошқача айтганда, маданият, маънавий-ахлоқий қадриятлар иқтисодий тараққиётнинг эътиборли қисми бўлса-да, лекин унга ортиқча юк сифатида ёндашилиб, катта хатога йўл қўйилади.

Бу борада немис олим У.Бек "Ҳозирги дунёни, унинг инқироз ва олға силжишларини "маданий сиёsat", "маданий капитал", "маданий ўзига хослик", "маданий гомогенлик", этник, ирқий ва жинсий мансублик каби таянч сўзлар билан ифодаланадиган воқеаларнинг мазмунига эътибор қилмасдан, тушуниш мумкинлиги"<sup>161</sup> ҳақидаги фикр хамда қарашларни бемаънилик деб атайди.

Рус олими Л.Е.Грининнинг фикрича, " Глобаллашув – минтақалар ва умуман жаҳоннинг интеграцияси ва яқинлашувининг натижасидир"<sup>162</sup>.

З.Р. Кадырова, Ф.Р. Кадыровалар, глобаллашув жараёнида ёшлар дунёқарashi, мафкуравий иммунитетини шакллантиришда миллий идентификация масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлашади<sup>163</sup>.

Бугунги кунда улар ҳар қандай мамлакат, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам олға ҳаракат қилишнинг самарали шарти, жамият маънавий-ахлоқий соғломлигининг кафолати, кучли давлат сифатида жаҳон хамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига бўлган умид таянчини ташкил этади.

Инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олган глобаллашув жараёнлари бутун инсоният тамаддуни ва маданиятида жиддий

<sup>161</sup> Бек У. Что такое глобализация? Ошибки глобализма — ответы на глобализацию. —М., Прогресс-Традиция, 2001. С. 91-92.

<sup>162</sup> Гринин Л.Е. Глобализация и национальный суверенитет. История и современность.— М.: № 1, 2005.С.8 -11.

<sup>163</sup> Кадырова З.Р., Кадырова Ф.Р. Проблемы мировоззрения молодежи, её идеологического иммунитета в контексте глобализации. Илмий мақолалар тўплами. —Т., 2016.-57-61-бет.

ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Грузин олими И.Д. Каландия бу борада шундай дейди: "Аслини олганда, гарчи глобаллашув умумжаҳон тамаддуни тарихий тараққиётининг натижаси ва янги босқичи бўлгани билан бирга, янги тамаддунни дунёга келтирмоқда". Мазкур фикрни давом эттириб, айтиш мумкинки, маданият ва қадриятлар тизимида жиддий ўзгаришлар содир бўлиши тамаддуний ўзгаришларга олиб келади.

Маданиятшуносларнинг умумий фикрига кўра, тамаддун — «нафакат иқтисодий, сиёсий, балки маънавий-ахлоқий ва диний соҳаларда ҳам ақл-тафаккурнинг тантанаси ва ёйилишидир. «Тамаддун» (цивилизация) атамаси қўлланила бошлаган пайтдан бошлаб (илк бор «цивилизация» атамаси шотланд файласуфи ва тарихчиси А. Фергюсон томонидан истеъмолга киритилган), у ёввойилик ва ибтидоийликка зид бўлган маърифатли жамият ва идеал, аввало, маънавий-ахлоқий жамият идеали сифатида талқин этилиб, илм-фан, санъат, маданият, эркинлик ва адолат тараққийси билан боғланган.

Шунинг учун «тамаддун» ва «маданият» бир-бирига яқин, бир-бири билан узвий боғлиқ, ҳатто синоним тушунчалар сифатида қўлланилган (масалан, америкалик маданиятшунос олимлар – А.Кребер ва К.Клакхон «маданият» сўзининг 164 талқини ва таърифини аниқлаб, улар кўп ҳолларда «тамаддун» атамаси билан биргаликда қўлланилганини аниқлашган).

Тамаддун ва маданият ўртасидаги муносабат масаласи бизнинг ишимиз мавзуи, мақсад-вазифалари доирасига кирмайди. Шунинг учун масалага чуқурлашмаган ҳолда кейинги фикр-мулоҳазаларимиз учун асос сифатида қайд этишимиз мумкинки, ҳар қандай тамаддун маданият билан чамбарчас боғлиқ ва маданият ривожи, хусусан, маънавий-руҳий маданият ривожи учун муҳит яратади. Маданият, маънавий қадриятларни ўзида мужассам ҳодиса сифатида, одамнинг, одамлараро муносабатларнинг инсонийлашуви даражасини белгилайди. "Агар маданият воқе бўлган, моддийлашган қадриятлар олами экан, у ўзида қадриятларнинг бутун тизимини жамлаган тақдирдагина тўлақонли ҳодисага айланиши мумкин. Агар маданий дунёни

барпо этишда қадриятларнинг муайян тоифаси эътиборсиз қолдирилса, маданият муқаррар кемтик бўлиб қолади, яъни моддий ашёвий қадриятлар эътиборсиз қолдирилса, у ўз мустаҳкамлигини йўқотади ёки унда маънавий қадриятларнинг муайян тоифаси инкор этилса, инсонийлик даражаси паст (хаттоки, инсонийликка зид) бўлади. Мазкур типдаги маданиятга эга бўлган жамиятларда маънавиятсизлик хукм суради<sup>164</sup>. Бунинг натижасида халқ, миллат, жамият ва охир-оқибат давлат барбод бўлади.

Ўзбекистан мустақил тараққиёт йўлидан ривожланар экан, халқимиз маънавий қадриятларини тиклаш давлат сиёсати даражасидаги энг муҳим вазифалардан бири деб белгилангани тарихий тажрибага таянган, чуқур асосланган қадам бўлди.

Шу муносабат билан жамиятни модернизациялаш назариясининг ривожланиш мантиғига бироз тўхталиб ўтиш лозим. Дастлаб модернизациялаш "тўғри чизиқли тараққиёт" фарази асосида талқин этилган, унга кўра, модернизацияни фақат "ортдан қувувчи модернизация" сифатида тушуниш мумкин эди. Шу асосда муайян халқ ёки давлатда мавжуд бўлган иқтисодий тараққиёт, сиёсий тизим, давлатчилик шакли ва х.к.ларни бошқа халқ ёки давлатларга қисқа муддат ичida ўзлаштиришгина тавсия этилган.

Аммо сўнгги йилларда назариётчи мутахассислар Африка ва Осиёдаги қатор давлатларда бундай модернизациялаш сиёсатидаги муваффақиятсизликларни таҳлил этиб, дикқат-эътиборни кўпроқ сиёсий ривожланишнинг ижтимоий-маданий асослари, аҳолининг менталитетига қарата бошлади. Хусусан, "Модда каршилиги" китобининг муаллифлари бу борада Россия воқелиги асосида шундай ёzádi: "Албатта, ислоҳот йиллари давомида мамлакатимизда ҳеч нарса ўзгармади дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Ўзгариш ва силжишларнинг, шу жумладан, янгиланишлар таъсирига унчалик мойил бўлмаган миллий психология ва фуқароларнинг тафаккур тарзи, хатти-ҳаракатлари соҳасидаги ўзгаришларнинг сон-саноғи йўқ. Шунга

<sup>164</sup> Чавчавадзе Н.З. Феномен бездуховности.- Тбилиси, 1991.-С.24.

қарамай, ислоҳотларга нафақат «реакцион» ижтимоий, сиёсий ва ўзга гурухлар, балки «таянч Россия материали» томонидан қаршилик муаммоси ҳақида ўйлаш, умуман олганда, ўринли ва зарурдир.

Бу, аввало, методологик жиҳатдан муҳим — айни шу қаршилик, унинг қанчалик аниқ ҳисобга олинганига қараб, Россияда рационал (ҳаётдан романтик узилиб қолмаган) ислоҳотлар сиёсати олиб боришнинг зарур шарти сифатида намоён бўлади. Ва аксинча, Россияга хос сиёсий психология, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа турғун «конструктив» муносабатларнинг эътибордан қочирган ҳолда либерал курсни зўрлаб «тиқишириш» ҳаракатларини давом эттириш инновацион интилишларни воқелик билан фронтал зиддиятга киришига маҳкум этади. Воқеликни дарҳол ўзгаришига таяниш 1917 йилда мамлакатимиз устидан ўтказилган большевистик тажрибадан хавфи кам бўлмаган утопиядир»<sup>165</sup>.<sup>1</sup>

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Россия ва мустақил ривожланиш йўлига ўтган мамлакат олимлари бу борада энди баҳс юритаётган пайтда Ўзбекистон тараққиётнинг «ўзбек модели»ни ишлаб чиқди, миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда «ўзига хос ва ўзига мос» йўлдан бора бошлади. Бу ҳаракатнинг чуқур базавий асосини инсон ташкил этади. «Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун», бу шунчаки айтилган гап эмас. “Ўзбекистон халқининг миллий руҳиятига хос бўлган этнопсихологик меъёрларнинг хусусиятини ҳам эътиборга олиш зарур. Бу ҳол ижтимоий онг даражасида одамларнинг янгиликка, қадриятлар тизимини ўзгартиришга, қарор топган меъёрларни, уларнинг хатти-ҳаракат қоидалари ва андозаларини барбод қилишга олиб келадиган туб ўзгаришларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда намоён бўлади”<sup>166</sup>. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг мазкур фикрлари инсониятнинг узок

<sup>165</sup>Сопротивление материала. Международные нормативы на российской почве. - М.,1994.- С.7.

<sup>166</sup>Каримов И.А. Узбекистан — бозор муносабатларига утишнинг ўзига хос йўли//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т., Ўзбекистан, 1996. Б.293.

тариҳи сабоқлари, шахсий тажриба ва ҳозирги глобаллашиб бораётган дунёдаги ўзгариш ҳамда тенденцияларга таянган ҳолда айтилган.

Глобаллашув тажовузидан ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши Ҳаракатлар стратегияси” ташкил этади. Шунингдек, Республикамизнинг етакчи олимлариниг бу борадаги фундаментал изланишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Масаланинг бошқа томонига эътибор қаратсак. Постиндустриал хўжаликнинг асосий омилини билим ташкил этади. Янги жамиятда капитал эмас, айнан билим асосий бойлик сифатида талқин этилади. Энг муҳими, сўнгги ўн йиллар ичida билимлар кўлами ва унга муносабат кескин ўзгарди. Бу, аввало, ахборот оқимининг кучайиши ва янги ахборот технологиялари пайдо бўлиши натижасида барча соҳадаги ижтимоий тараққиёт суръатларининг кескин ўсиши ҳамда мураккаблашуви оқибатидир. Рус олими И.М.Ильинскийнинг талқинига кўра, компьютернинг яратилиши ва билим излаб кибермаконга чиқиш имконияти, асосан, соф технологик параметрларга тааллуқли бўлди. Билимга асосланган янги иқтисодиётнинг шаклланиши ривожланган давлатлар учун кимошли пойгасининг янги босқичини бошлашга йўл очиб берди<sup>167</sup>.

Шу билан бирга, олим асосли равища ақл (билим) ва ахлоқ (маънавият)ни фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Сўнгги йиллардаги салбий жараёнларни, эврилишларни таҳлил этиш асносида, у шундай фикрга келади: “Янги тарихда абсурдга рационализм ва илмий билимлар қарши қўйилган эди. Бироқ, ўйлайманки, ақл ўз ишини қилиб бўлди. Тафаккур ва қалбни ўртанишларга solaётган воқелик - "соф ақл" ишининг натижасидир". И.Ильинский инсониятни келажакда кутаётган ҳалокатдан фақат кишилик

---

<sup>167</sup> Ильинский И. Образовательная, революция. - М.: Издательство Московской гуманитарно-социальной академии, 2002.

маданиятидаги қадриятлар тизимини тиклашгина қутқариш мумкинлигини айтади. Рус олимининг мулоҳазалари ўринли. «Маънавият билан омухта бўлмаган билим ёввойи одамнинг қўлидаги чўқморга айланади», — деган эди бир аллома. Дарҳақиқат, шу жиҳатдан, билим ва маънавият ўртасидаги муайян фарқни эътибордан қочирмаслик лозим.

Маънавият инсон руҳияти билан боғлик, гарчи унинг билим билан боғлик жиҳатлари бўлса-да, лекин унинг доирасига бевосита кирмайди ва алоҳида қадриятлар "доира"сини ташкил этади. Ўзаро фарқ шунда кўринадики, билим оламдан, уни ўрганиш натижасида олинади, қадриятлар эса дунёни яратади. Билим оламнинг тузилиши, унинг таркиби, иқлимининг ўзгариши, тарихдаги муайян ҳодисанинг сабаби ва х.к. ҳақида гапирса, маънавият инсоний муносабатлар дунёсини шакллантиради, уларнинг таянч асосларини белгилайди. Ўз навбатида, ҳар бир инсон ўз ҳаётида қайси йўлни танлаши кўп жиҳатдан, унинг қандай хислатларга эга эканлигига, унинг қалбидан ўрин олган қадриятларга боғлик.

Юқоридаги мулоҳазалар гарчи бевосита глобаллашув жараёнларига алоқаси йўқдек туюлса-да, лекин глобаллашувнинг бугунги ҳаётдаги ўрни, у келтириб чиқараётган зиддиятларни тўғри англашга ёрдам беради.

Гап шундаки, глобаллашув жараёнлари билан боғлиқзиддиятлар, аввало, маданият соҳасида қўпроқ намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан глобаллашувга бутун дунёни қамраб олган маданий инқилоб дея таъриф бериш ҳам мумкин. Сўнгги пайтларда қатор олимлар яқин келажакда сифат жиҳатдан бутунлай янги инсон ва жамиятнинг глобал шакли — "мегажамият", "мегамаданият", "суперэтнос"нинг шаклланиши ҳақида гапирмоқда. Бир қарашда бунга муайян асос бордек туюлади. Дарҳақиқат, глобал ахборот тизимининг шаклланиши, оммавий тус олган аҳоли миграцияси каби ҳодисалар маълум маънода «глобал инсон»ни шакллантирмоқда.

Масалан, Ўзбекистонда туғилган, ўзбек миллатига мансуб, АҚШ ёки Францияда ўқиган, Кореяёки Сингапурда ишлаётган ва ҳар гал ўзи тушган мухитга, у ердаги халқнинг урф-одатларига мослашишга, бегона халқ яшаш

тарзини қабул қилишга мажбур бўлган одамни қайси маданият вакили дейиш мумкин? Бу борада, айрим тадқиқотчилар шундай ёзадилар: "Миграциянинг маданий оқибатлари жуда жиддий. Бугун бутун дунё алоҳида миллий маданиятларни қайта ишловчи улкан "домна ўтхонаси"га айланмоқда"<sup>168</sup>.

Аммо ягона универсал маданиятни яратиш тарафдорларининг фикрлари реал воқеликка кўп жиҳатдан мувофиқ эмас. Бунинг тасдиғи сифатида, масалан, Францияда яшовчи африкалик (мусулмон)ларнинг бир неча йилдан бери давом этаётган ўз миллий-диний ўзига хосликларини сақлаб қолиш учун ҳаракатлари ҳаттоки, ҳукуматга қарши чиқишлиари ёки Германия фуқаролигини олган, аммо ўз миллий-этник ғояларига содик қолган 15 млн.га якин турклар ёки дунёдаги турли мамлакатларда шаклланган "чайна тоун"ларни келтириш мумкин.

Фикримизча, глобаллашув, хусусан унинг асосий белгилари ва ҳаракатга келтирувчи кучларидан бири интернет ёки бошқа энг замонавий ахборот воситалари инсон табиатидаги яхши ёки ёмон, юксак ёки тубан хусусиятларни юзага чиқариши мумкин. Аммо улар янги одамни, яъни муайян этнос, миллат, маданиятдан ташқари бўлган одамни дунёга келтира олмайди. Шунинг учун айримларнинг яқин орада маданиятларнинг тўлиқ интеграциялашуви, яъни ягона дунё маданиятининг шаклланиши ҳатто, миллат ва халқларнинг аллақандай ягона "супер-этнос" ёки "мегажамият"га айланиши хақидаги орзуларининг амалга ошиши хақиқатдан йироқдир.

Глобаллашув муаммоларига бағишлиланган тадқиқот ишларида унинг маданиятдаги ифодаси ва оқибатларини ўрганиш етакчи йўналишни ташкил этаётгани бехуда эмас. Биринчилардан бўлиб бу масалага Архун Аппадураи эътибор қаратди: "Бугунги қундаги глобал муносабатларнинг асосий муаммоси, — деб ёзади у, — маданий гомогенизация билан маданий гетерогенизация ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашувидир"<sup>169</sup>.

<sup>168</sup> Вестник Московского Университета. Сер.18. Социология и политология. -2005. №:1. С.138.

<sup>169</sup> Appadurai A. Dsjuncture and difference in the global cultural economy.// Robertson R. White K.E. (Ed.) Globalisation. Criticalconceptinsociologi. Volume 1, London, 2003, P.P. 251-264.P.251.

Инсониятнинг бугуни ва келажаги ҳақида фикр юритаётган олимлар ичидаги маданият (тамаддун)лар ўртасидаги фарқни абсолютлаштириб, зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги ҳақида гапираётганлар ҳам бор.

Хусусан, ўз пайтида америкалик олим С.Хантингтоннинг «Тамаддунлар тўқнашуви» китоби катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Бу китобида у тамаддунлар ўртасидаги кураш кундан-кун авж олиши, ягона инсоният ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслиги ва XXI аср тамаддунлар ўртасидаги тўқнашув асри бўлиши ҳақидаги фикрни илгари суради<sup>170</sup>. "Менинг фикримча, - ёзади у, - туғилаётган мафкура ҳам, иқтисод ҳам зиддиятлар манбаи бўлмайди. Инсониятни ажратиб турадиган энг муҳим чегара ва тўқнашувларнинг асосий манбани маданият белгилайди. Миллат - давлат халқаро ишларининг бош иштирокчиси бўлиб қолади, бироқ глобал сиёсатнинг энг жиддий ихтилофлари турли тамаддунларга тегишли бўлган миллат ва гуруҳлар ўртасида содир бўлади. Тамаддунлар тўқнашуви жаҳон сиёсатининг асосий омилига айланади. Тамаддунлар ўртасидаги бўлиниш чизиқлари айни келажакдаги фронтларнинг чизиқларидир"<sup>171</sup>.

С.Хантингтон ҳар қандай тамаддун (маданият)нинг ўзагини дин ташкил этиши ва диний эътиқод халқлар онгига энг чуқур илдиз отган, турғун экани ҳақидаги ғояга таянади. Шу асосда у навбатдаги жаҳон уруши, агар у содир бўлса, асосан, диний эътиқодлардаги зиддиятлар заминидаги уруш бўлишини башорат қиласи. Ф.Х.Кассиди С.Хантингтон фикрига тўлиқ қўшилмаса-да, шундай фикрлайди. "Фикримизча, - ёзади у, - агар уруш содир бўлса, у этник уруш бўлади. Ҳар ҳолда ҳозирги локал тўқнашувлар, ҳарбий ҳаракатлар ва зиддиятларнинг аксарият кўпчилиги этник хусусиятга эга. Акс ҳолда, жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий ва сиёсий бирлашиш жараёнлари бораётган, жаҳон коммуникация тизими шаклланаётган, атроф муҳитни асраш бўйича ҳамкорликда ҳаракатлар кенгайган бир шароитда этник ва

<sup>170</sup>Хантингтон С. Столкновение цивилизаций и преобразование мирового порядка// Новая постиндустриальная волна на Западе. - М., 1999.

<sup>171</sup>Манба: журнал "Полис, 1994, № 1. С. 33. (<http://www.politstudies.ru>)

сепаратизм тенденцияларининг кучайишини (масалан, Басклар мамлакатида, Тоғли Қорабоғ, Абхазия, Чеченистон, Курдистон ва бошқа худудларда) тушунтириш қийин бўлади".

Масаланинг мураккаблигини назардан қочирмаган ҳолда, тарихнинг бундай қайгули оқибатлари ҳақидаги фикрларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Фикримизча, тафаккур, ақл тантана қилади ва инсоният ҳалокатли йўлдан қайтади. Ягона маданиятни шакллантириш ғояси ҳозирча хом хаёлдан бошқа нарса эмас, чунки турли ҳалқларнинг маданиятлари, қадриятлари ўртасида муайян муштараклик, эзгуликка қаратилганлик каби умумий хусусиятлар мавжуд бўлса-да, уларнинг намоён бўлиш шакллари, энг муҳими, дунёни идрок этиш, дунёқарашиб, воқеликка бўлган ўзаро муносабатлар каби базавий тушунчаларида жиддий фарқлар мавжудлиги маълум. Хусусан, ҳар бир маданият, кенг талқинда Шарқ ва Ғарб маданиятлари ўзининг алоҳида генотипига эга, шунга мувофиқ уларнинг ички ривожланиш мантиғи мавжуд.

Шу жиҳатдан, япон олимни Макото Кикухи фикрлари диққатга сазовордир. У "японлар билан Ғарб тамаддуни вакилларининг фикрлаш характеристери ўртасида принципиал фарқ"га эътибор қаратиб, шундай ёзади: "Мулоқот жараёнида японлар «ҳа-йўқ» типидаги қатъий формуласардан фойдаланишга мойил эмас. "Оқ" ва "қора"га кескин бўлиш уларнинг маданиятига хос эмас, улар рангнинг барча товланишларини, хоҳ бу табиатда бўладими ёки одамлар ўртасидаги муносабатлардами, чуқур ҳис қилишади... Инглиз тилига ҳарфлардаги ифода, мантиққа суяниш, чизиқли структура хос, у, айниқса, илм учун қулай. Япон тили кўпроқ поэзияга мос, у мазмунни аналогия ёрдамида ифодалайди ва ҳиссиётга йўналган бўлади"<sup>172</sup>.

Ироқлик тадқиқотчи Ал-Жаноби ҳам турли маданиятларнинг интеграцияси хақида гап бўлиши мумкин эмаслигини айтади. Хусусан, у Москвада бўлган (1997 йил, апрель) «Тамаддунлар диалоги: Шарқ — Ғарб» мавзуидаги ҳалқаро симпозиумдаги маъruzасида шундай деган: «Шарқ ва

<sup>172</sup> Ротенберг В.С., Аршавский В.В. Межполушарная асимметрия мозга и проблема интеграции культур// "Вопросы философии", 1984. №4. С. 78-84.

Фарбнинг ўзаро бир-бирини тушуниши, айниқса, Мағрибу Машриқ ғоя ва эътиқодларининг синкетиклашуви генетик ҳамда моҳиятан мумкин эмас... Фарб ва Шарқ маданиятлари ўртасидаги мулоқот тамаддуний асосларнинг туб илдизлари ўзгача бўлгани туфайли нафақат ақлга сифмайди, балки уни реал амалга ошириб ҳам бўлмайди; фақат уларнинг гетерогенлиги ва йўқотиб бўлмас алоҳидалигини анлаган ҳолда, ишchan ва амалий жиҳатдан ўринли муносабатларнигина имконияти бор»<sup>173</sup>.

Бизнинг фикримизча, глобаллашув шароитида маданий ранг-баранглик, ўзига хослик заминидаги ихтилоф ва зиддиятларнинг олдини олишнинг чораларидан бири одамларда маданий толерантлик туйғуларини ривожлантириш, “ўхшамайди, демак бегона” деган ёндашувдан воз кечишидир.

Бироқ, бунда маданий глобаллашувнинг бугунги кундаги тенденциялари, ғоя, ният билан, улар қанчалик асосли бўлишига қарамай, таркиб топган реал воқелик ўртасида жиддий фарқ борлигини инобатга олиш зарур.

Глобаллашув тарихий тараққиёт мантифи билан боғлиқ табиий жараёни ёки уни кимнингдир иродаси бошқарайптими? Агар ҳозирда кечаётган жараёнлар “глобал кишилик ҳамжамиятини шакллантираётган”<sup>174</sup> ва “Сайёрада яшаётган абсолют кўпчилик аста-секин ҳаётни ташкил этишнинг асосий тамойиллари ҳақида умумий қарашни ишлаб чиқаётган”<sup>175</sup> бўлса, унда жаҳон ҳамжамияти ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган зиддиятлар мантиқан инсоният онгли равишда ўз ҳалокати томон бораётгани ҳақидаги фикрга олиб келмайдими?

Бу борада Ж.Стigliц шундай ёзади: "Агар глобаллашув аввалгидек амалга ошириладиган бўлса, ... у тараққиётга ёрдам бериш у ёқда турсин,

<sup>173</sup> Аникиев Е.Н., Семушкин А.В. Диалог цивилизаций: Восток-Запад// Вопросы философии, 1998. № 2. С. 177.

<sup>174</sup> Кувалдин В. Глобальность: новое измерение человеческого бытия. - М., 2003. С. 35.

<sup>175</sup> Горбачев М.С. и др. Границы глобализации: трудные вопросы современного развития - М., Альпина Паблишер, 2003. С. 32.

бундан кейин ҳам қашшоқлик ва бекарорликни юзага келтираверади"<sup>176</sup>. Юқоридаги саволларга объектив жавоб бериш учун, аввало, глобаллашув субъектини аниқ белгилаш керак бўлади.

Тадқиқотчи Б.Умаров бу борада шундай ёзади: “Глобаллашув халқаро муносабатларнинг анъанавий иштирокчиси - давлатлардан ташқари умумдунёвий жараёнларга бевосита таъсир этувчи, янги субъектларни - Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти, “Катта саккизлик” (АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Франция, Канада, Италия, Россия), минтақавий ташкилотлар (Европа ҳамжамияти, АСЕАН ва ҳоказо), трансмиллий корпорациялар (ТМК), нодавлат ташкилотлар (“яшиллар” ҳаракати каби), Б.Гейтс сингари бадавлат кишиларни сиёsat майдонига олиб чиқди”<sup>177</sup>. Бироқ, сир эмаски, булар мавҳум, эгасиз ташкилотлар эмас ва уларнинг ўз қарорларини қабул қилишига муайян кучлар ўз таъсирини ўтказади.

Бугунги кунда кучли, етакчи давлатлар қаторига, асосан, Ғарб давлатлари киради. Икки қутбли дунё барҳам топиши билан Ғарб якка ҳукмронликка интилаётгани маълум. Ғарбнинг харбий қудратига ҳеч бир мамлакат ёки ҳудуд қарши тура олмайди. Ғарбнинг иқтисодий соҳада деярли рақобатдоши йўқ. Жаҳондаги сиёсий муаммолар ва хавфсизлик масалалари (тўғрими, нотўғрими) АҚШ, Англия ва Франция иштирокида ҳал этилади. Жаҳондаги иқтисодий муаммоларни белгилаш ва уларни ҳал этишда ҳам Ғарб нуқтаи назари устувор. БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ёки Халқаро валюта жамғармаси қабул қилган қарорлар Ғарб манфаатларини ифодалайди аммо жаҳон жамоатчилигига жаҳон ҳамжамияти талаб ва эҳтиёжларига қаратилган қарорлар сифатида тақдим этилади. ХВЖ ва бошқа халқаро иқтисодий ташкилотлар орқали Ғарб ўз иқтисодий манфаатларини амалга оширишда ҳамда давлатларни ўзларига мос ва керакли иқтисодий сиёsat

<sup>176</sup> Stiglitz J.E. Globalization and Its Discontents. - New York: W.W. Norton & Co., 2002. P. 248.

<sup>177</sup> Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. - Т., Маянвият, 2006. Б.11.

юргизишга мажбур этади. Биргина мисол-Эроннинг ядровий дастурига бўлган муносабат.

Маълумки, Хавфсизлик кенгаши бу давлатга нисбатан муайян санкциялар эълон қилди. Аммо шунга қарамай, АҚШ ва Франция жаҳон ҳамжамияти фикрини "ўзларининг хусусий" санкцияларини белгилашга қарор қилди. Шу жиҳатдан рус олими В.Л.Иноземцевнинг қуйидаги фикрлари тўлиқ асосга эга дейиш мумкин: "Глобаллашув, аслини олганда, кўкларга кўтариб мақталаётган "умуминсоний қадриятларга таянувчи ягона тамаддуннинг шаклланиш жараёнини эмас, балки мутлақо ўзга ҳолат — жамиятнинг "ғарбона" модели экспансиясини ва дунёнинг ана шу моделга мослашишини ифодалайди. Бугун глобаллашув деб аталаётган жараённи, вестерлаштириш (ғарблаштириш) дея аниқроқ ифодалаш мумкин"<sup>178</sup>. Бунга қўшимча тарзда айтиш лозимки, аксарият глобаллашув назариётчилари ғарблашувни модернизациялашнинг ягона воситаси сифатида такдим этади.

Тарақкий этган Ғарб йўлини танлаш янги ҳодиса эмас, албатта. Ғарб илм-фани ютуқларидан фойдаланиш, янги замонавий технологияларни ўзлаштириш, бу борада ҳамкорлик қилиш мумкин ва зарур. Аммо модернизациялаш йўлида Ғарб маданияти ва қадриятларини ҳам тўлиқлигича ўзлаштиришга ҳаракат қилган мамлакат қатор муаммоларга дуч келгани тарихдан маълум. Бундай "тажриба" натижасида ўзининг қайси маданиятга мансублиги ҳакида аниқ тасаввурга эга бўлмаган, ўзлигини англашдан маҳрум бўлган жамият, ички зиддиятларга тўла давлат шаклланади. Шунинг учун айрим давлатларнинг, айниқса, минглаб йиллик тарихга эга давлатларнинг раҳбарлари маданий ўзига хосликни сақлаган ҳолда, давлат ҳамда жамиятни модернизациялаш йўлини танламоқда.

Хусусан, япон ислоҳотчилари бундан қарийб бир аср аввал, "япон руҳияти, ғарб технологиялари" иборасида ўз йўлларини белгилаб олди, бугунги кунда Япония ўзлигини, тарихий-маданий илдизларини сақлаган

<sup>178</sup>Иноземцев В.Л. Вестернизация как глобализация и "глобализация" как американизация// "Вопросы философии", 2004. №4. С. 60.

холда, юксак тараққий этган давлатга айланди. Худди шундай ҳолатни "глобал фикрла, локал ҳаракат қил" тамойилига сүяниб иш тутган Жануби-Шарқий Осиёдаги Сингапур, Тайвань, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда ҳам кузатиш мумкин. Улар ғарблашмай туриб ҳам тараққиётга эришди.

Лекин бу Ғарб давлатларини, айниқса АҚШни қониқтирмаслиги аник. Бугунги кунда шаклланаётган бир қутбли дунёдан кўп қутбли дунёга ўтаётган шароитда АҚШ етакчиликни даъво қилаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда.

Сўнгги йиллардаги бу жараённи Г.Киссенжер қисқа ва лўнда ифодалаган. 1999 йил 12 октябрда Ирландиянинг Дублин шаҳридаги Тринити коллежида ўқиган маъruzасида у шундай деган: "Асосий таҳдид шундаки, одатда глобаллашув деб аталадиган ҳодиса, аслини олганда, Кўшма Штатларнинг ҳукмронлик ролининг шунчаки бошқача номидир"<sup>179</sup>.

Дарҳақиқат, бугунги кунда жаҳонда кечаётган жараёнларни ғарблаштиришдан кўра, кўпроқ американаштириш деб аталса тўғрироқ бўлади. "АҚШ Европанинг устунлигини бўшаштиришга ҳаракат қилиб, дунёга глобаллашувнинг ўз бетартиб моделини зўрлаб жорий қилишга интилгани туфайли таркиб топган ҳолатнинг асосий айбдоридир",— деб ёзади В.Иноземцев. Шу билан бирга айтиш лозимки, АҚШ жаҳонда содир бўлаётган воқеалар учун жавобгарликдан бош тортмоқда. У ўзининг ҳозирги замон молиявий оқимлар марказини эгаллагани, жаҳон иқтисодиётини бошқараётганига табиий ҳол деб қарайди, аммо муайян даражада бу каби зуғумларга жавоб бўлган қаршилик, хусусан, Американинг экстремистик ва террористик ташкилотларнинг нишонига айланаётганлиги билан келишишни хоҳламай, бутун дунёга ўзини қарши қўймоқда.

Ҳатто 2001 йил 11 сентябрдаги нафақат Американи, балки бутун дунёни ларзага солган кайгули воқеадан ўз устунлигини мустаҳкамлаш йўлида фойдаланди. Бу машъум ҳодисадан бир неча кун кейин — 20

<sup>179</sup>Бу ҳақда қаранг: Вопросы философии, 2003. №1. С. 80.

сентябрда АҚШ Президенти Ж.Буш Конгрессдаги чиқишида шундай деди: "Энди ҳар бир ҳудуддаги ҳар бир миллат қарор қабул қилиши керак. Ёки сиз биз томондасиз ёки террорчилар томонида. Шу қундан бошлаб террорчиликни яшириш ёки қўллаб-қувватлашни давом эттирган миллат Кўшма Штатларга душман тузум сифатида талқин этилади"<sup>180</sup>. Эътибор берилса, тилга олинган миллатлар (ташкilot эмас, гурух эмас, бутун миллат) дунё ҳамжамиятининг, тинчлик ва барқарорлик тарафдорларининг эмас, айни АҚШнинг душмани деб эълон қилинаяпти.

Бунга қўшимча сифатида айтиш лозимки, Ж.Буш маъмурияти нимани террорчилик деб аташ ёки атамаслик ҳамда биринчи зарба бериш хуқуқини ҳам ўзлаштириб олди.

Жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида ҳакамликка даъво қилаётган АҚШ дунёга эгалик қилишнинг энг нозик, шу билан бирга, энг кучли воситасини ҳам ишга солмоқда. Бу - маданият соҳасида гегемонликка интилиш. Воқеликни ўз измига солишга уринаётган Америка шунинг учун турли миллат, ҳудуд ва давлатларни маданий, маънавий асосларидан маҳрум этиш, глобал миқёсда манқуртлик касалини ёйишга интилмоқда. Ўзлигини танимаган, маданиятидан, тарихидан маҳрум этилган манқуртда, табиийки, Ватан туйғуси ҳам бўлмайди.

Глобаллашувнинг замонавий "либераллари" "демократия", "инсон хуқуқлари" каби муқаддас қадриятларни никоб қилиб олиб, халқларни маҳаллий манфаатлари, азалий қадриятлари, ахлоқ нормалари ва анъаналаридан изчиллик билан узоқлаштириш сиёсати қўллаб-қувватланмоқда. Глобаллашув назариётчиларидан бири - Энтони Гидденс шундай каромат қиласи: "Анъана ва одатларнинг ҳаётимизга таъсири кундан-кун камайиб бормоқда, бу ижобий жараён, зеро у инсонга шу пайтгача эришилмаган шахсий эркинликни беради"<sup>181</sup>. Муаллифнинг фикри

<sup>180</sup> Бьюкенен П.Ж. Фарбнинг ҳалокати// "Жаҳон адабиёти" журнали, 2007 йил 1-2 сонлар. Б.14.

<sup>181</sup> Giddens A. Runaway World: How Globalisation is. Reshaping Our Live. New York: Routledge, 2000. P. 17.

ғарб жамиятига хос хусусият бўлиб, бу хусусиятни жамоавийлик ҳаёт тарзига эга шарқ жамиятларига татбиқ этишга уриниш эгоцентризм, ахлоқсизлик каби салбий оқибатларни юзага келтиради.

Глобаллашувнинг миллатлараро муносабатларга салбий таъсири қуидагиларда намоён бўлмоқда:

миллий-маданий қадриятлар, миллий тилга нисбатан нигилизм кайфиятлари пайдо бўлиши;

аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган миллий урф-одатлар, анъаналар тизимида ғарб жамиятига хос бўлган унсурларни уйғунлашаётгани;

инсонлар ўртасида миллий ватанпарварлик ғоясига заарар етказадиган космополитизм ғояларининг кўпайиши;

ўз маданиятини бошқа маданиятларга нисбатан устун қўйиш каби кўринишларда миллатчилик кайфиятларини пайдо бўлиши ва ҳ.к.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов оммавий маданият масаласига алоҳида тўхталиб: “Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак”<sup>182</sup>.

Ғарб либосидаги оммавий маданият интервенцияси, табиий равища миллиатларни, халқларни, миллий маданиятларни ҳимояланишга чоғлайди ва зиддиятларнинг кучайишига олиб келади. Шунинг учун жамиятни демократлаштириш йўлидан бораётган давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон турли халқ ва ҳудудларнинг моддий маданият ёдгорликларини саклаш билан бир қаторда сўнгги йилларда миллий урф-одат, анъана каби номоддий маданиятни ҳам асрраб-авайлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

<sup>182</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон. 2007. Б. 28.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил 6-10 сентябрда Шахрисабзда ўтказилган Мақом халқаро фестивали, 2019 йил 5-10 апрель кунлари Термизда ўтказилиши белгиланган Халқаро Бахшичилик санъати фестивали Ўзбекистон раҳбариятининг маънавий ва номоддий меросни асраб-авайлаш ва уларни тарғиб этишга этишга алоҳида эътибор қаратиб келаётганидан далолат беради<sup>183</sup>.

Фикримизча, глобаллашувнинг миллатлааро муносабатларни тараққий этишига ижобий таъсирларини инкор этмаган ҳолда, унинг салбий оқибатларидан қўпмиллатли давлатлар ўз худудида яшаётган этник бирликларнинг миллий ва маданий ўзига хослигини саклаш ва ривожлантириш, уларни энг олижаноб ғояларини миллий ғоя тамойиллари сифатида қарор топтириш негизида жамият ҳаётида миллий бирдамликни вужудга келтириш ҳамда миллий менталитет хусусиятларини ҳимоя қилиш орқалигина ўз давлат хавфисзлигини таъминлаши мумкин. Шу боис, мазкур “...ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви”<sup>184</sup> шароитида юзага келаётган имкониятларидан оқилона фойдаланиш, миллатлааро муносабатларга таҳдид солиши мумкин бўлган хатарларни ўз вақтида аниқлаш ва зарарсизлантиришда “жамиятнинг таҳдидбардошлилик салоҳиятини”<sup>185</sup> юксалтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон жамияти демократлашувининг ҳозирги босқичида ўта мураккаб ва серқирра қўринишларда намоён бўлаётган глобаллашув ва у билан боғлиқ зиддиятларнинг янги қирралари намоён бўлмоқда.

“Бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда. Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизmlари

<sup>183</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро баҳшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори. Интернет манба: <http://president.uz>

<sup>184</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият”, 2008. – Б.111.

<sup>185</sup> Пахрутдинов Ш. Таҳдидбардошлик – баркарор жамият асоси.“Жамият ва бошқарув” №2, 2011.

доирасида таъминлаш мумкин, - деб қайд этади Ш.М.Мирзиёев,- хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиши, “яхлит хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш зарур, деган қатъий фикрдамиз”<sup>186</sup>.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари глобаллашув нафакат, миллий қадриятлар ва маданиятга, балки давлат хавфсизлигига таҳдидларни ҳам келтириб чиқараётганлигига эътибор қаратади<sup>187</sup>.

**Фикримизча**, жамият демократлашуви шароитида глобаллашув жараёнлари натижаси ўлароқ икки, бир-бирига зид, бир пайтнинг ўзида бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ икки ҳаракат юзага келди: **биринчиси**, кишилик маданиятининг ранг-баранглигини инкор этиш асносида маданий унификациялаш (бирлаштириш)га ҳаракат, **иккинчиси**, глобаллашув ортида яширинган мақсадларга қаршилик асносида бошланган маданий идентификациялаш, аниқроғи, давлат ва халқлар томонидан маданий ўзига хосликларни сақлаб қолишга интилиш.

Глобаллашув шароитида маданий ранг-баранглик, ўзига хослик заминидаги ихтилоф ва зиддиятларнинг олдини олишнинг чораларидан бири одамларда маданий толерантлик туйғуларини ривожлантириш, “ўхшамайди, демак бегона” деган ёндашувдан воз кечишидир.

Глобаллашув шароитида миллий ўзига хосликни асраб қолиш борасида куйидаги назарий хуносаларга келинди:

1. глобаллашув инсоният тараққиётининг ажralmas қисми ва доимий ривожланадиган жараёни;
2. глобаллашув дунёдаги барча муносабатларнинг гомогенлашув ва универсаллашуви;

<sup>186</sup> Бу ҳақда қаранг:Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи.10.11.2017. Интернет манба: <http://www.prezident.uz>

<sup>187</sup> Бу ҳақда қаранг:Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи.11.01.2018.Интернет манба: <http://www.prezident.uz>

3. глобаллашув турфа хиллик кўринишдаги жаҳонни бир хиллик кўринишига ўтказиш ҳамда ягона дунёвий тартиботни вужудга келтиришга интилиш;
4. глобаллашув ягона ахборот маконни шакллантириш ва ахборот омили орқали мафкуравий ҳукмронликни таъминланишга интилиш;
5. глобаллашув дунёга эгалик қилишга интилаётган кучларнинг сиёсий ҳокимияти;
6. глобаллашув анъанавий жамиятларга ижобий ва салбий таъсирларга эга кўп ўлчамли жараёндир.

**Миллий ўзига хосликни асраган ҳолда, замонавий тараққиётга эришиш учун қуидагилар тавсия этилади:**

1. Глобаллашув жараёнлари ва оқибатларини тадқиқ этиш ва бу борада миллий стратегияни ишлаб чиқиш учун **Республика маҳсус тадқиқот марказини** ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.
2. Глобаллашувнинг кўламини кенгайиши замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожланиши билан боғлиқ ҳолда кечаётганлиги, салбий таъсирларининг аксарияти ахборот кўриниши эгалигини эътиборга олган ҳолда, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги васийлигига “Ахборот таҳдидлари ва унга қарши курашнинг маънавий-ижтимоий асослари” номли лойиха ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш. Лойиха амалий характерда бўлиши, мақсади ёшларни ахборот таҳдидлари ва кўринишлари хусусидаги билимларини такомиллаштириш ҳамда ахборот хуружларига қарши иммунитет сифатида интернет маданиятини шакллантиришдан иборат бўлиши лозим.
3. Глобаллашувнинг миллий ўзига хосликнинг емираётган салбий оқибатларига қарши курашда ёшлар омилига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда ёшларнинг фаол қисмидан миллий қадриятларни тарғиботчиси сифатидаги имконият ва салоҳиятларидан унумли фойдаланиш лозим.

## **УЧИНЧИ ҚИСМ: ЎЗБЕКИСТОНДА ХАВФСИЗЛИК, ДИНИЙ БАҒРИЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

Мазкур қисмда диний бағриенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, миллатчилик ва уни қайта тиклашда терроризмнинг роли, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятлар ва уларни бартараф этиш йўллари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

### **Мамлакатда диний бағриенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг устувор йўналишлари**

Бугунги дунёдаги давлатлараро, миллатлараро, конфессиялараро, инсонлараро муносабатларда бағриенглик тамойилининг роли ва аҳамиятиўсиб бормокда. Жамият ҳаётида бағриенглик тамойилларини қарор топтиришдан кўзланган мақсад - тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва халқлараро тотувликни таъминлашдан иборат.

“Толерантлик” термини инглиз олимни П.Медавар (1953) томонидан кўчириб ўтказилган бегона тўқимага нисбатан организм иммун системаси чидамлилиги кўрсатиш мақсадида таклиф этилган<sup>188</sup>. Социологик энциклопедик луғатда: “ Толерантлик (лот. – чидамоқ ) – а) ўзгалар турмуш тарзига, хатти – ҳаракатига, урф – одатларига, ҳис – туйғуларига нисбатан чидамлилик; б) ноқулай эмоционал омилларга чидамлилиқдир...”<sup>189</sup>, деган тушунча берилган. “Фалсафа қисқача изоҳли луғат”да эса, “толерантлик (лотинча tolerantia – чидам ) ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одоблари, ҳис-туйғулари, фикр – мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан чидамлилик, бағриенглик”<sup>190</sup>, деган таъриф келтирилган. Тадқиқотчи З.Хусниддинов эса, бу тушунчага қуйидагича таъриф беради: “ Толерантлик умумий маънода бирор нарса, ҳодисани, ўзгача фикр ва қарашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъий назар, имкон қадар чидам ва

<sup>188</sup>Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8 том.- Т.: 2004.- Б.486.

<sup>189</sup>Социологик энциклопедик луғат. – М.: 1998. – Б.370.

<sup>190</sup>Фалсафа қисқача изоҳли луғат.( маъсул мухарир: ф.ф.д А.Жалолов )..- Т.: “Шарқ”, 2004. – Б.308.

тоқат билан қабул қилишни англатади”<sup>191</sup>. Шунингдек, диний бағрикенглик ва уни шаклланиши ва ривожланиши ҳақида асосли қарашлар илгари сурилган.

Айрим тадқиқотчилар эса, бу тушунчани ўзликни намоён этишга ҳурмат ва уни қандай бўлса, шундай қабул қилишдир, деган фикрни илгари суришади: “ толерантлик – бу хилма-хилликдаги уйғунликдир. Бу жаҳон маданиятининг хилма-хиллиги, ўзлигимизни намоён қилиш шакллари ва инсоний фазилатларни ифодалаш усулларига ҳурмат ва уни қабул қилишдир”<sup>192</sup>. Ва улар сиёсий, миллатлараро, глобал, маҳалла, оиласидаги толерантлик каби шакллари ҳақида фикр юритишади.

Тадқиқотчи Каримова Э. ишида эса, толерантликка дунёқараш шакли сифатида ёндошувни кузатиш мумкин: “...толерантлик одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, унинг шахс сифатида эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш каби ғоялар билан суғорилган диний, фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий ва шулар каби барча инсоний қарашлардан иборат прогрессив дунёқарашнинг асоси бўлиб хизмат қиласи”<sup>193</sup>. Шу билан биргаликда, толерантликни миллатлараро, фуқаролараро, давлатлараро, аҳоли ёш қатламлараро, маданиятлараро, партиялараро, қадриятлараро, конфессиялараро, ҳудудлараро, уруғ – қабилалараро, жамоалараро шаклларини ажратиб кўрсатади.

Диний бағрикенглик ғояси ва унинг моҳияти хусусида турли қарашлар ва ёндошувлар шаклланган. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар” (қисқача изоҳли тажрибавий) луғатида “Диний бағрикенглик ( толерантлик ) – хилма – хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшами, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини англатади. Ҳозирда бу ғоя эзгулик йўлида нафакат диндорлар, балки

<sup>191</sup>Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (монография).- Тошкент ислом университети, 2006. – Б.8.

<sup>192</sup> Қодирова З.Р., Шарипова А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадиева Ш. Ёшлар фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – Б.22.

<sup>193</sup>Каримова Э. Ўзбек толерантлиги . – Т.: 2005.– Б.18.

жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир”<sup>194</sup>. Ҳусниддинов З. тадқиқотида эса, “Диний бағрикенглик эса виждан эркинлиги нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этиб, бошқа шахснинг диний эътиқоди ўзга динга, унинг вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, турли дин ҳамда конфессия вакиллари эътиқодида ақидавий фарқлар бўлишига қарамай, уларнинг ёнма – ён ва ўзаро тинч – тотув яшашини англатади. Диний толерантлик тўла ижтимоий тенг ҳуқуқлилик, инсон эркинлигига нисбатан зўрликни қораловчи қарашлар ва муносабатларда яққол намоён бўлади”<sup>195</sup>.

Дунё миқёсида инсон ҳуқуқлари, эркинликларни таъминлаш ва амалга ошириш мезонларидан бири сифатида толерантликни меъёрий, сиёсий, ахлоқий асосларини белгилаб берувчи халқаро меъёрлар қабул қилинган. Булар сирасига “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Сиёсий ҳуқуқлар”, “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисида” ги халқаро пактлар кўрсатиш мумкин.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил 16 ноябрдаги 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари тўғрисида”ги Декларация қабул қилинди. Шу кундан эътиборан 16 ноябрь санаси Халқаро бағрикенглик куни сифатида бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам кенг нишонлаб келинади. Бағрикенглиқдан асосий кўзланган мақсад инсониятни тинчлик ва осойишталикни сақлашга ундашdir.

“Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”нинг 1-моддаси “Бағрикенглик тушунчаси” деб аталиб, унинг маъноси қўйидаги тўрт қисмда кўрсатиб берилган: “ 1.1. Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади....1.2. Бағрикенглик – ён бериш, андиша ёки хушомад эмас. Бағрикенглик – энг аввало, инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий

<sup>194</sup>Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий лугат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б.36.

<sup>195</sup>Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (монография). – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б.8-9.

эркинликларини тан олиш асосида шакланган фаол муносабатдир....1.3. Бағрикенглик – инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм (шу жумладан, маданий плюрализм), демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбуриятидир....1.4. Бағрикенгликни намоён қилиш инсон ҳуқуқларига эҳтиром билан ҳамоҳанг, у ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр–тоқатли муносабатда бўлишни, ўз имон–эътиқодидан воз кечиш ёхуд бошқаларнинг эътиқодига ён беришни англатмайди. У шуни англатадики, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. У яна шуни англатадики, одамлар ўз табиатига кўра ташқи кўриниши, қиёфаси, ўзини тутиши, нутқи, хулқи ва қадриятлари жиҳатидан фарқланиши эътирофга лойиқлиги баробарида, улар дунёда яшашга ва ўзларининг ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлидирлар. У яна шуни англанадики, бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас”<sup>196</sup>.

Юқорида тадқиқотларда илгари сурилган таърифлардан кўриниб турибдики, “толерантлик” атамасини ўзбек тилида “бағрикенглик” атамаси билан айнанлаштирилганлигига гувоҳ бўламиз. **Фикримизча**, толерантликка хос бўлган хусусиятлар ўзбек тилидаги бағрикенглик тушунчаси моҳиятига тўла мос бўлгани сабабли шундай таржима қилинган.

**Тадқиқотларни таҳлили сифатида толерантликни моҳиятига нисбатан қуйидаги сифатларни кўрсатиш мумкин:**

- ✓ инсоний фазилат намунаси;
- ✓ муносабат шакли;
- ✓ дунёқараш шакли;
- ✓ уйғунлик шакли;
- ✓ ижтимоий муносабатни ифода этиши усули ;
- ✓ яшаш тарзининг намоён бўлиш шакли ва ҳ.з.

---

<sup>196</sup>Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Маъсул мухаррир. – А.К.Сайдов. – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. – Т.: “Адолат”, 2002. – Б.261–263.

Тадқиқотчиларни илгари суралған толерантлик шакллари ҳақидағи фикрларига құшилған ҳолда, толерантлик шаклларини **сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий** турларга ажратыб, тизимлаштиришни мақсадға мувоғиқ, деб ҳисоблаймиз.

#### **Сиёсий толерантликка:**

- ✓ Давлатлараро толерантлик;
- ✓ Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида толерантлик;
- ✓ Партиялараро толерантлик;
- ✓ Ҳукуматлараро толерантлик;
- ✓ Халқаро ташкилотлараро толерантлик;
- ✓ Минтақавий ташкилотлараро толерантлик;
- ✓ Сиёсий тартиботлараро толерантлик;
- ✓ Сиёсий таълимотларо толерантлик;
- ✓ Сиёсий восита ва усууллар, мұлоқотлараро толерантлик ва х.з.

#### **Иқтисодий толерантликка;**

- ✓ Иқтисодий тизимлараро толерантлик;
- ✓ Иқтисодий фаолиятлараро толерантлик;
- ✓ Иқтисодий моделлараро толерантлик;
- ✓ Хорижий шериклар ва сармоядортараро толерантлик;
- ✓ Давлат ва хусусий сектор ўртасидағи толерантлик ва х.з.

#### **Ҳуқуқий толерантликка;**

- ✓ Ҳуқуқий онг толерантлиги;
- ✓ Ҳуқуқий маданият толерантлиги;
- ✓ Ҳуқуқий назариялар толерантлиги;
- ✓ Ҳуқуқий амалиёт толерантлиги;
- ✓ Ҳуқуқий тизимлараро толерантлик;
- ✓ Ҳуқуқ ва әркинликлар нисбати толерантлиги;
- ✓ Бурч ва мажбуриятлар нисбати толерантлиги ва х.з.

#### **Ижтимоий-маънавий толерантликка;**

- ✓ Миллатлараро толерантлик;
- ✓ Уруғ-қабилалараро толерантлик;
- ✓ Маданиятлараро толерантлик;
- ✓ Маънавиятлараро толерантлик;
- ✓ Аҳоли ёш қатламлараро толерантлик;
- ✓ Инсонлараро толерантлик;
- ✓ Фуқаролараро толерантлик;
- ✓ Жинслараро толерантлик;
- ✓ Ирқлараро толерантлик;
- ✓ Мутахассислик гурухлараро толерантлик;
- ✓ Жамоалараро толерантлик;
- ✓ Миллий манфаатлараро толерантлик;
- ✓ Миллий урф-одат, анъана ва қадриятлараро толерантлик;
- ✓ Мағкуралараро толерантлик;
- ✓ Динлараро толерантлик;
- ✓ Конфессиялараро толерантлик;
- ✓ Дунёқараашлараро толерантлик;
- ✓ Ҳудудлараро толерантлик ва ҳ.з

**Бундай тизимлаштиришни давлат ва жамият ҳаётида намоён бўладиган толерантлик тушунчасига нисбатан ёндошувларни ишлаб чиқишида кўллашни мақсаддага мувофиқ, деб хисоблаймиз.**

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни такомиллашувида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик таъминлаш энг муҳим аҳамият касб этадиган мезонлардан биридир. Зоро, давлатнинг миллий сиёсатида миллий ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришда бу икки умуминсоний ғоя ҳам назарий, ҳам методологик, ҳам амалий асос бўлиб хизмат қиласи.

**Бугунги кунда юртимизда юртимизда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида**

**қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга имкон берадиган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳақидаги фармоннинг қабул қилиниши давлат ва жамиятимизни янада ривожлантиришнинг тизимли дастури ҳамда тараққиётнинг янги босқичи учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу стратегиянинг бешинчи устувор йўналиши хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat масалаларига бағишлиган бўлиб, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишларда:

- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, худудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;
- фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;
- давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш<sup>197</sup> [182; 100 б.].

Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида 2017 йил “Халқ билан муроқот, инсон манфаатлари йили” давлат дастури кўра, 13 та норматив-ҳукуқий ҳужжатларни, шунингдек, концепциялар ва “йўл ҳариталари”ни ишлаб чиқиши ўз ичига олган 29 та чора-тадбирдан иборат

<sup>197</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни тасдиқлаш ҳақидаги Ф-4947-сонли фармони. Интернет манба: <http://www.prezident.uz>

28 та бандни амалга ошириш назарда тутилган эди. Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқ эканлиги, уларнинг ҳаётий эҳтиёжлари ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда, жуда қисқа муддатда мавжуд вазият танқидий таҳлил қилиб чиқилди, замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда янги истиқболли йўналишлар белгилаб олинди. “Армия ва халқ бирлиги” тамойилига таяниб, республика мактабларидан тортиб олий ҳарбий таълим муассасаларигача ўзига хос ноёб – узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди. Мудофаа саноати давлат қўмитаси тузилди, давлат чегарасини муҳофаза қилиш ва қўриқлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс ташкилий-амалий чоралар амалга оширилди. Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бундай бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолган ёшлар билан ишлашга алоҳида ургу берилди. Экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган 16 мингдан зиёд фуқароларни реабилитация қилиш ҳақидаги қарор бугуннинг талабига амалий жавоб бўлади<sup>198</sup>.

Миллатлараро тотувлик ғояси-миллий истиқбол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган туб жой аҳоли негизини ташкил этган ўзбеклар ҳамдаюртимизда яшаётган бошқа миллат ва элатлар ўртасида кўп йилларга мўлжалланган эзгулик, ишончлилик, дўстлик, яқдиллик, қариндошлиқ, маънавий-ахлоқий ва мафкуравий яқинлик ва бирдамлик, муросалилик ва бошқа инсонийлик муносабатлари мавжудлигини ва келажакда ҳам у янада камол топишини ифодалайди.

Ривожланган демократик йўлдан кетаётган давлатларнинг ҳозирги замонда динга муносабати асосан виждан эркинлигини таъминлаш ва диний бағрикенгликка асосланган.

**Бизнинг фикримизча,** диний бағрикенглик нақафат муайян динга мансуб инсонларнинг ўзга диндагиларни эътиқодини хурмат қилиб, муроса билан биргаликда яшашда намоён бўладиган муносабат, балки дунёвий давлат билан муайян конфессиялар ўртасида, шунингдек, конфессиялараро

<sup>198</sup> Қаранг: 2017 йил-шиддатли ислоҳотлар йили. –Т.: 2018.

муносабатларни тартибга солишда намоён бўладиган умуминсоний тамойил ҳамдир.

Дунё аҳолисининг диний таркиби ҳақида АҚШнинг “Pew Research Center” (Вашингтон) марказининг 2010 йили ўтказилган ва 2012 йили декабрида эълон қилинган тадқиқотлари натижасига мувофиқ, ҳозир дунёда христианлар 2,2 млрд. (Ер аҳолисининг 32 %), мусулмонлар 1,6 млрд. (23 %), буддавийлар 500 млн. (7 %), хундуйлар 1 млрд. (15 %), яхудийлар 14 млн. (0,2 %) ҳамда сикхизм, синтоизм, жайнизм, баҳоийлик каби миллий дин ва диний конфессияларга 58 млн. Киши (1 %) эътиқод қиласиди. Ҳали бирор динни танламаган ва атеистлар сони 1,1 млрд. (16 %)ни ташкил этади<sup>199</sup>.

Шунга қарамай, бугунги кунда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар ўз мазмуни, моҳияти, шакллари ва усуllibарига кўра турли давлатларда ўзига хосликка эга ҳамдир. Шу муносабат билан дин ва давлат ўртасидаги муносабатнинг типлари, моделлари ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ҳозирда давлат билан дин (диний ташкилотлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солишининг турли шакллари мавжуд бўлиб, улар бугунга келиб қуидаги учта асосий туркумга ажратилади:

1. Давлат черкови модели – идентификацион модель. (яъни Европа иттифоқининг деярли учдан бир қисмида).
2. Сепарацион, яъни давлат диндан ажратилганлигига асосланган модель. (АҚШ, Франция, Нидерландия, Ўзбекистонкабилар).
3. Кооперацион – нейтралитет модели. (Германия, Испания, Италия, Бельгия, Люксембург, Австрия кабилар)<sup>200</sup>.

Хорижий мамлакатларда диний ташкилотларнинг хуқукий мақомини, давлатнинг динга, виждан ва эътиқод эркинлигига бўлган муносабатини тартибга солувчи конституциявий ва қонунчилик нормалари ниҳоятда турли-

<sup>199</sup> The Global Religious Landscape. Pew Research Center. Washington, D.C. 2012.P.9.

<sup>200</sup> Юнусова А. Религия и закон (сборник международных документов и законодательных актов Республики Узбекистан). – Т.: Тошкент ислом университети. 2002. –240 с.;

Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. Т.: Тошекнт ислом университети. 2014. –552 б.

тумандир. Конституциялар одатда, диний ташкилот билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабат асослари, жамиятда диннинг тутган ўрни билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи маҳсус моддаларни, айrim ҳолларда эса бир-бутун бўлим ва бобларни ҳам ўзида акс эттиради.

Умуман олганда эса, конституциялар конфессиялар ва эътиқод қилувчилар хукуқларининг кафили бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, унда дин давлатдан ажратилган. Бироқ мамлакат раҳбарияти яхши тушунадики, дин давлатдан ажратилган бўлса-да, у жамият ҳаётидан ажралган эмас, қадим-қадимга бориб тақаладиган маънавий-диний анъаналарга эга Ўзбекистон каби мамлакатда динга муносабат масаласи жиддий ва ҳушёр ёндашувни талаб этади.

Шу боис, аввал-бошданоқ дин ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг қўйидаги тамойиллари белгиланди:

- одамларнинг диний туйғуларини ҳурмат килиш;
- диний эътиқодни фуқаролар ёки диний жамоаларнинг шахсий иши эканлигини тан олиш;
- динга эътиқод қилувчи ҳамда ҳеч қайси динга эътиқод қилмаган фуқароларнинг teng хукуқлилигини таъминлаш ва уларни шу асосда таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- диний ташкилотлар билан, уларнинг имкониятларидан маънавий тикланиш ва умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятларни қарор топтиришда фойдаланиш мақсадида самарали мулоқот йўлларини излаш ва
- Х.К.

Ўзбекистонда давлатни динга бўлган муносабати Конституциянинг 61-моддасида ифода этилган: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди»<sup>201</sup>.

---

<sup>201</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.

Бу ғоя «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда ҳам диннинг давлатдан ажратилганлиги, ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган<sup>202</sup>. Бу эса мамлакатимизда давлатнинг диний ишларга, диннинг эса давлат ишларига (қонун хужжатларида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно, албатта) аралашмаслигини англаади.

Бунинг замирида давлат томонидан турли динларга эътиқод қилувчи ва динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, шу каби ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва хурмат ўрнатилишига кўмаклашиши, улар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган қарама-қаршилик ва кескинликларнинг олдини олиши, диний конфэссиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-кувватлаши, диний ташкилотлар зиммасига давлат ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламаслиги, уларнинг қонун хужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмаслиги кабилар ётади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси демократик принципларга содиқлигини ифодаси сифатда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатда қуйидаги принципларга амал қилишини эълон қилди:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиши;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиши;
- диний қараашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишига йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиши, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириши ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиши учун улар билан мулоқот қилиши йўлларини излаш зарурати;

---

<sup>202</sup>«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-б-сон, 99-модда).

➤ диндан бузгунчилик мақсадларида фойдаланишига иўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиши.

Юртимиз қадим асрлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи ва бир-бирига ўхшаш бўлмаган турли халқлар, миллатлар яшаб келаётган заминдир.“Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди”<sup>203</sup>.

Бугунги кунда юртимизда юртимизда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да таъкидланганидек: “Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”<sup>204</sup>.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон диний бағрикенглик ва динлараро мулоқот борасида бутун дунёга намуна бўлмоқда. Республикаимизда истиқомат қилаётган фуқаролар қайси динга мансуб бўлишидан қатъий назар биргалиқда, тинч ва осойишта шароитда, юртимиз равнақи учун фаолият юритиб келмоқдалар. Юртимизда виждон эркинлигига доир қонун асослари янада такомиллаштирилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

<sup>203</sup> Бу ҳақда қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.

<sup>204</sup> Бу ҳақда қаранг: Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси. ЮНЕСКО халқаро меъёрий хужжатлари. – Т.: Адолат, 2004.

Тарихдан шу нарса маълумки, қайси жамият ҳаётида диний бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топса, ўша жамиятда ўзаро ҳурмат ва самимият қарор топиб, барча инсонлар тинч ва осойишта ҳаёт кечирадилар. Тинчликсиз тараққиёт ва фаровонлик бўлмагани каби, диний бағрикенгликсиз тинчлик барқарор бўлмайди. Шунинг учун ҳам инсоният Ер юзида ҳаёт кечиришни бошлагандан буён бағрикенглик тамойилларига амал қилиб яшашга эҳтиёж сезади.

Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон заминида қадим замондан ислом дини билан бир қаторда бошқа дин вакиллари ҳам ёнма-ён яшаб, ривожланиб ва бу жамиятнинг маънавий юксалишига муайян ҳисса қўшди.

Мана шундай диний бағрикенглик намуналарини юртимизда яшаб ўтган буюк аждодларимиз ҳаётида ҳам кўплаб кўришимиз мумкин. “...бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандлариdek ахил ва иноқ яшамоқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда.

Ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи сифатида бир мисол келтирмоқчиман. Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур даврида бунёд этилган, Дониёр пайғамбар номи билан аталадиган мақбара ислом, христиан ва яхудийлик дини вакиллари томонидан бирдек эъзозланади”<sup>205</sup>, деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.

Муқаддас ислом динида ҳам бағрикенглик тушунчаси диний истилоҳда “мурувват” деган маънени англатиб, кенг маънода чиркин нарсалар ва воқеалар қаршисида гўзалликни устун қўйиб, меҳрибонлик қилиш ҳамда ҳар бир воқеликка гўзаллик нуқтаи назаридан ёндошиш, эътиқод, маданият, анъаналарга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш демакдир.

<sup>205</sup>Бу ҳақда қаранг:Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асрар – давр талаби" мавзусидаги анжумандада сўзлаган нутқи.15.06.2017. Интернет манба: [hppt:// www.prezident.uz](http://www.prezident.uz)

Бошқа динлар сингари ислом дини ҳам азалдан инсониятга асл муруватни, диндошларига, ҳатто, ғайридинлар (исломдан бошқа динга эътиқод қилувчилар)га ҳам эҳтиром ҳамда бағрикенглик билан муносабатда бўлишни ўргатиб келган ва келмоқда. Маълумки, ислом ўзидан аввалги самовий динлар (яхудийлик, насронийлик)ни шунчаки хурмат қилиш билан чекланмай, ўша дин вакилларига чексиз муруватлар кўрсатган. Уларнинг ҳақ-хукуқларини шариат қонунлари билан мустаҳкамлаб қўйган. Маданият ва анъаналарига эҳтиром билан қараган.

Асрлар давомида бу қоидаларга амал қилиб яшаган мусулмонлар бир-бирларига ва ҳатто, ораларида яшайдиган ғайридин (бошқа диндаги)ларга, аҳли зимма<sup>[206]</sup> Аҳли зимма ёки зиммий (араб. бирорнинг зиммасидаги шахс) – ислом давлати соясида яшайдиган ғайридинлар. Яъни, улар дини, жони, моли ва б. соҳаларининг тинч-омонлиги мусулмонлар зиммасида бўлганлардир. Улар б-н аҳднома тузилганда мусулмонлар ана ўша нарсалар ила уларни таъминлашни ўз зиммаларига олганлар. Пайғамбар (с.а.в.) даврларида Мадинаи Мунавварада яхудийлар мусулмонлар б-н аҳднома асосида аҳли зимма бўлиб тинч-омон ўз динларига амал қилиб яшаганлар<sup>[207]</sup>га ҳам муруватнинг мислсиз намуналарини кўрсатиб, бутун инсониятга ибрат бўлишди. Чунки, бу Аллоҳ таолонинг ами ҳамда Расулининг умматга берган кўрсатмаси эди. Аллоҳ таоло “Моида” сурасида шундай марҳамат қиласи: “Эй мўминлар, бирон қавмни ёмон кўришингиз хаддингиздан ошишингизга олиб келмасин!”<sup>206</sup>.

Қуръони каримнинг бир неча оятларида миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик масалалари кенг ёритилган. Жумладан, “Оли Имрон” сурасида: “Айтинг (Эй, Мухаммад!): “Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса (Қуръон)га ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Ёкуб ва (унинг) авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Исо ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарса (ваҳий)га имон

<sup>206</sup> Бу ҳақда қаранг: Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансуров. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004.

келтиридик. Уларнинг орасида бирортасини (тасдиқлашда) фарқ қилмаймиз ва биз Унинг ўзигагина бўйин синувчилармиз”. Шу суранинг давомида эса: “Эй, иймон келтирганлар! Сабр қилингиз, бағрикенг бўлингиз ва (Аллоҳ йўлига) тахт бўлиб турингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз, зора (охиратда) нажот топсангиз!” – деб амр қилинган.

Куръони карим ўзидан олдинги муқаддас китоблар Забур, Таврот, Инжилларни тан олишга, аҳли китобларни, яъни, бошқа дин вакилларини хурмат қилишга чақиради. Одамларни ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳамкорликка чақириб, фитна, нифоқ ва низоларнинг ҳар қандай кўринишини енгиб ўтишга даъват этади.

Бундан ташқари, Куръони каримда бошқа дин вакилларининг ибодатхоналари – монастир, бутхона ва синагогаларга хурмат билан қарашга буюрилган. Куръони карим бизларга таълим берган яна бир муҳим ҳақиқат бу бошқа дин вакиллари, яъни насронийлар ва яҳудийлар ибодат қиласидиган жойларга чуқур эҳтиром ва хурмат билан муносабатда бўлмоқлиkdir. Куръоннинг хабарига кўра, аҳли китоблар ибодат қиласидиган жойлар, яъни, монастирлар (роҳиблар узлатга чекинадиган ибодатхона), бутхона (насронийлар ибодатхонаси) ва синагогалар (яҳудийлар ибодатхонаси) Аллоҳ таолонинг ҳимоясидадир. “Ҳаж” сурасида: “Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз Аллоҳ номи кўп зикр қилинадиган (роҳибларнинг) узлатгоҳлари, (насронийларнинг) бутхоналари, (яҳудийларнинг) ибодатхоналари ва (мусулмонларнинг) масжидлари вайрон қилинган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ Ўзига (яъни, динига) ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур. Шубҳасиз, Аллоҳ кучли, кудратлидир” – дейилган.

Ушбу оят ҳар бир мусулмонга аҳли китоблар ибодат қиласидиган жойларни чуқур хурмат ва ҳимоя қилиш муҳимлигини очик-ойдин кўрсатиб қўйган.

Юқорида тилга олинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун демократик дунёвий давлатчиликни барпо этиш йўлидаги қадамлардан бири бўлди.

Ушбу қонун диний ташкилотларнинг роли ва мақомини ҳамда уларнинг давлат органлари билан муносабатларини аниқ-равshan белгилаб берди.

Қонунга мувофиқ, диний оқим ва мазҳабларнинг расмий рўйхатдан ўтиши ва фаолият юритиши учун 100 та имзо тўплаш кифоя қиласи. Ҳозирги пайтда диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Адлия органлари томонидан Ўзбекистон худудида Ислом, Рус Православ черкови, Рим-католик черкови, Инжил христиан баптистлари черкови, Еттинчи кун христиан адвентистлар черкови, Инжил-лютеран черкови, Яхудий диний жамоалари, Буддавийлик ва бошқа 16 та диний конфессияга тааллуқли 2239 тадиний ташкилотлари рўйхатга олиниб, расман ўз фаолиятини олиб бормоқда. Улардан 2065 таси мусулмонларга тегишли бўлиб, умумий диний ташкилотларнинг 92% ни ташкил этади<sup>207</sup>.

Қайд этиш лозимки, узоқ асрлар давомида исломий ахлоқ нормалари Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ахолисининг ҳаёт тарзи ва дунёқарашига жиддий таъсир кўрсатган. Бугунги кунда ҳам ислом ўз ижтимоий мавқеини юксалтириб, миллионлаб одамларнинг ижтимоий муносабатлари, майший турмуши, оиласи ҳаётида юқори ўринда турибди. Исломий диний қадриятлар ўзбек халқи қиёфасини белгилайдиган сифатларга айланиб кетган.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72- сессиясида сўзлаган нутқида бу ҳақда алоҳида

<sup>207</sup> Бу ҳақда каранг: Юсупов О.О. Обеспечение религиозной свободы в Республике Узбекистан. // Ўзбекистон – тинчлик ва тотувлик мамлакати. Узбекистан – страна мира и согласие. – Т.: “O’zbekiston”, НМИУ, 2017.- Б.41-47.

урғу берди: “**Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз**”<sup>208</sup>.

Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон хукумати халқнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган ислом дини ва маданиятини тиклашга одамларнинг онги ва қалбига олий маънавий, ахлоқий қадриятларни сингдириш, тарихий хотирани тиклаш, тарихий ва маданий меросга ворисийлик туйғусини уйғотишнинг муҳим омили ҳамда воситаси сифатида ёндашди.

Ўзбекистон хукумати ҳамда ҳалки маърифий ислом тарафдорлари бўлиб, ақидапарастлик ва диний экстремизмни инкор этади. Ўзбекистонда тикланаётган анъанавий Ислом муайян кучлар ташқаридан олиб кирмоқчи бўлган ғайриинсоний оқим ва мазҳаблардан мутлақо фарққилади. Ислом диний ва этник сабр-тоқат ҳамда бағрикенглик руҳини ўзида акс эттиради.

Хозирги кунда ҳам Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида юзлаб йиллар аввал қурилган мачитлар ёнида насронийларнинг черкови ёки яҳудийларнинг синагогаларини кўриш мумкин.

Анъанавий исломга хос бўлган бу каби сифатлар ва бой маънавий-маданий имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида 1992 йил 7 марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилди. Натижада Рамазон ва Қурбон хайит байрамлари расман эътироф этилди ҳамда унинг биринчи кунлари дам олиш кунлари деб эълон килинди. Бу исломий байрамларни Ўзбекистоннинг барча фуқаролари миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, тенг нишонлайди. Бу

---

<sup>208</sup> Бу ҳакда қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблейсининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. Интернет манба: <https://daryo.uz/2017/09>.

Ўзбекистон халқларига доимо хос бўлган диний бағрикенгликнинг яна бир ифодасидир.

Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси тарихидаги алоҳида ўрни ва унинг ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда жамиятдаги тинчлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш борасида мамлакатда олиб борилаётган сиёsat, диний-маданий анъаналар, ислом маданий меросини асрраб-авайлашга қаратилган ишларни эътиборга олган ҳолда Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Халкаро ислом ташкилоти (ISESCO) 2007 йилда Тошкент шахрини Ислом маданияти пойтахти деб эълон килди. Шу йилнинг 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида мазкур воқеага бағишиланган "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва хорижий давлатлардан 200 га яқин олим иштирок этди.

Умуман олганда, мамлакатда диний ташкилотлар уларнинг сони ёки бошка хусусиятларига кўра ажратилмайди. Диний ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, улар фаолиятида кўмак бериш, динлараро ва миллатлараро тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда динлараро мулоқотни ривожлантириш бўйича ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш мақсадида Дин ишлари бўйича қўмита қошида конфессиялар фаолияти бўйича Кенгаш ташкил этилган.

Унинг таркибига Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Рим католик черкови, Инжил христиан-баптистлари черковлари Иттифоқи, Тўлиқ Инжил христианлари черковлари Маркази, Инжил-лютеран черкови, Тошкент шахри яхудий диний жамоаси раҳбарлари кирган. Кенгаш йигилишларида республика қонунчилигини амалга ошириш, диний ташкилот ва динга эътиқод қилувчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим масалалар муҳокама қилинади. Кенгаш фаолияти ўз бюллетенида ёритиб борилади. Бу каби нашрлар орқали Дин ишлари бўйича қўмита Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда ахолига маънавий қадриятларни етказиш

мақсадида диний байрам ва маросимларни ўтказиш, муқаддас жойлар ва қабристонларни зиёрат қилиш, "Хаж" ва "Умра" амалларини бажариш тартиби хақида ахборот, йўл-йўриқҳамда тавсиялар бериб борилади.

Бугунги кунда мамлакатда динлар ва дунёвий давлат ўртасида энг мақбул муносабатлар ўрнатилган. Хусусан, фуқароларга берилган эътиқод эркинлиги билан бир қаторда, умумхалқ аҳамиятига эга бўлган диний маданий-маърифий тадбирлар давлат томонидан кўллаб-куватланади. Ўзбекистонда динга эътиқод қилган барча фуқаролар ўз диний байрам ва маросимларини эркин ўтказишлари, жумладан, муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилишлари, Хаж ва Умра зиёратларига бориш имкониятига эгадирлар. Мусулмонларнинг Курбон ва Рамазон хайитлари, насронийларнинг Пасха ва Рождество, яхудийларнинг Песах, Пурим ва Ханука каби диний байрамларини нишонлаш тобора анъанавий тус олмокда.

Диний китоб ва нашрларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондириш, уларни чуқур, атрофлича ўрганишга имконият бериш эътиқод эркинлигини таъминлашнинг муҳим жиҳатини ташкил этади. Мустақиллик йилларида Қуръон, Мухаммад пайгамбар хадислари, "Инжил", Эски Аҳднинг ўн олти китоби ва Янги Аҳд ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. 2004 йили Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Республика кўзи оқизлар жамияти билан ҳамкорликда Брайл шрифтида чоп этилган Қуръон китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон бундай хайрли ишни амалга оширган учинчи давлат бўлди. Бу, ўз навбатида, давлат томонидан аҳоли барча қатламларининг маънавий эҳтиёжларига teng эътибор берилишидан далолат беради. Ҳозирда маҳсус мактаб-интернатлар, республика оммавий кутубхоналари ҳамда барча эҳтиёжмандлар Брайл шрифтидаги Қуръон нусхалари билан таъминланган.

Ногиронларнинг диний амалларни бажарилари борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳридаги иккита масжидда кар-соқов мусулмонлар учун сурдотаржима хизмати ташкил этилган. Буни республиканинг бошқа худудларига ёйиш хақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистонда маънавий-маданий ва диний меросга бўлган эътибор кенг миқёсда олиб борилаётган тарихий, диний обидаларни тиклаш ҳамда қайта қуришда ҳам намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни амалга ошириш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашни қўллаб-қувватлаш мақсадида доимий равишда турли конференциялар ўтказилмоқда. Маданиятлараро мулоқот ва динлараро толерантликни ривожлантириш борасида мазкур ташкилотлардан ташқари "Маҳалла", "Нуроний" жамоат ташкилотлари, Ёшлар иттифоқи, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва бошқа ташкилотлар ҳам муайян иш олиб бормоқда.

Миллат ва дин вакилларининг миллий анъана ва қадриятларини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган эзгу ишлар, кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликлар, яратилаётган барча имконият ва шароитлар бугунги ҳаётимизда акс этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистондаги диний ва миллатлараро тотувликни сақлашга доир юксак инсонпарвар сиёsat, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳроқибат, мурувват ва шафқат, саховат муҳити дунёning кўплаб мамлакатлари учун ҳавас қилишга ва намуна бўлишга арзигулиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги "**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**" ги қарори ислом дини одамларни, барча миллат ва халқларни ҳамиша нурли ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка даъват этишини, унинг асл, гуманистик мазмунини теран таҳлил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга кенг имкониятлар яратди.

Ислом дини одамларни, барча миллат ва халқларни ҳамиша нурли ҳаётга, эзгулик, ўзаро дўстлик ва инсонийликка даъват этишини, унинг асл, инсонпарварлик мазмунини теран таҳлил этишга қаратилган комплекс чора-

тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этилиши, жумладан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидағи халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилгани, буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳукуқшунослиги, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича маҳсус мактабларни ташкил этилиши, Қуръон тиловати танлови ҳамда Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “**кичик ҳаж**” дастури<sup>209</sup> кабиларни амалга оширилаётгани маънавий ҳаёт соҳасидаги ислоҳотларни самарадорлигидан далолат беради.

Ўзбек халқининг бағрикенглиги турли эътиқод ва маданиятларга ҳурмат билан қараши миллат ва элат вакиллари томонидан чуқур самимият билан эътироф этилмоқда.

Демак, юқоридагилардан маълум бўладики, жамиятнинг ривожланиши, тинч ва осойишта бўлиши, тотувлик ва ҳамжиҳатлик қарор топиши учун инсонлар ўзаро меҳр-оқибатли бўлиши, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, қариндошлилик ва қўшничилик ҳақларига риоя этиш, ўзга дин вакилларига бағрикенг бўлиш каби инсоний фазилатларда намоён бўлади.

Зеро, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик фуқаролик жамияти ривожланишининг асосий мезонларидан бири бўлиб, ушбу тамойиллар юртимиз тараққиёти ва тинчлигининг гаровидир.

**Бизнинг фикримизча**, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик жамият ва давлатнинг тараққиёти учун мустаҳкам замин ҳисобланади. Жамият демократлашувида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик аҳамияти борасида қуйидаги назарий хуносаларга келинди:

---

<sup>209</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори ва б. Интернет манба: <http://www.prezident.uz>

1. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояси кўп миллатли жамият ва давлатнинг тараққиёти учун ҳам назарий, ҳам методологик, ҳам амалий асос ҳисобланади.
2. Жамият демократлашуви шароитида амалга оширилган ислоҳотлар тақдири жамиятимизда яшаётган миллатларнинг хайриҳоҳлиги, бу жараёнларда тўла асосларда маъсулият билан иштирок этишларига бевосита боғлиkdir. Бу жараёнларда турли этник гурух вакилларини бир-бирига нисбатан ўзаро ишончи ва ҳамкорлигини юзага келтиришда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг аҳамияти бекиёсdir.
3. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик узвий тарихий жараён. Давлат ва жамият ҳаётидаги барча ўзгаришлар инъикоси айнан шу жараёнларда ўз аксини топади. Шу нуқтаи назаридан ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни қарор топтириш ва такомиллаштириш давлат миллий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ўз долзарблигини йўқотмайди.

## **МИЛЛАТЧИЛИК ВА УНИ ҚАЙТА ТИКЛАШДА ТЕРРОРИЗМНИНГ РОЛИ**

XVI—XX асрлардаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт, ҳалқлар тенгсизлиги, мустамлака давлатларнинг талон-торож қилиниши, уларнинг жисмоний ва руҳий эзилиши тобора ортиб, кучайиб бориши миллатчиликнинг доимий ва кучли ижтимоий оқимга айланишига сабаб бўлди. Бу оқим XXI асрга келиб ҳам ўз кучи ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсирчанлигини сақлаб қолди.

Инсоният тараққиётининг тарихий тажрибаси миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва террорчиликнинг намоён бўлиши даражаси ўртасида чуқур алоқадорлигини тасдиқламоқда. Бу масала айниқса кўпмиллатли далатлар учун долзарб аҳамият касб этмоқда. Ижтимоий тараққиётнинг ўзгариши, бир тузумнинг ўрнига бошқасининг келиши, хусусан, собиқ тоталитар тузумдан воз кечиш ҳамда янги демократик тузумга қадам қўйиш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини бошдан кечираётган айрим давлатларда миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви, бунинг натижасида эса оммавий норозиликлар, ҳукуқбузарликлар, ҳалқлар ўртасидаги ишончсизлик, адват, экстремистик кайфиятларнинг ўсиб бориши ва унинг ўта чет кўриниши – террорчиликка олиб келишини кузатиш мумкин<sup>210</sup>.

Турли ижтимоий-сиёсий асосдаги террорчилик таҳдидига самарали қарши кураш олиб бориш бугунги кунда глобал даражадаги муаммога айланган. Бу муаммо айниқса собиқ иттифоқдош республикалар учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

---

<sup>210</sup>Бу хақда қаранг: Национализм: теория и практика (Сборник статей под ред. проф. Позднякова Э.А.) - Москва, 1994, Стр -20-65 ;  
Устинов В. Экстремизм и терроризм. Проблемы разграничения и классификация // Российская юстиция.- 2002, №5, Стр -8-17.

Маълумки, ўтган асрнинг 80 - йилларида бундай қўринишидаги ҳаракатлар фаоллашган. Сиёсий жиҳатдан асосланган зўравонликка нисбатан ишончли иммунитетга эга бўлган мамлакат бу иммунитетни йўқотди.

Сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ, ижтимоий ва жамият ҳаётининг бошқа муҳим соҳаларида вужудга келган вазият, барча муносабатларни тартибга солувчи конституциявий механизмларнинг бузилишига етаклаб, мамлакат хавфсизлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатди.

Бундай жараёнлар сиёсий-мафкуравий соҳага ҳам катта таъсир кўрсатди, мафкуравий вакуум хосил бўлди, ватанпарварлик, бурч, байналмилаллик, ахлоқ каби ижтимоий ҳаётни мустаҳкамловчи асослар емирилди. Экстремизм, миллатчилик, терроризмни вужудга келтирувчи омиллар қайта тикланди. Бундай детерминантларга жамиятнинг ижтимоий табақаланиши, сиёсий курашнинг кескинлашуви, ишсизликнинг ўсиб бориши ва фуқароларнинг ижтимоий химояланмаганлиги, жамият ҳаётининг турли соҳалари ва давлат тизими даражаларида тарқалган ҳуқуқий нигилизм, сепаратизм тенденцияларининг кучайиши, қонунчиликдаги камчиликлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Терроризмни вужудга келтирувчи ва қайта тикловчи детерминантлар қаторида миллатчилик алоҳида ўрин тутади. Маълумки, миллатчилик-жаҳоннинг мустамлака ва метрополиялар, қолоқ ўлка ва илфор давлатлар, озод ҳалқ ва мустабидлик исканжасидаги ҳалқларга бўлинниб кетишига қарши курашувчи демократик, маърифатпарвар ҳамда инсонпарвар қучлардан фарқли ўлароқ, мавжуд зиддиятларни ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интилевчи сиёсий оқимдир. Миллатчилик миллий алоҳидалик ва устунликни тарғиб қилишга, ксенофобия ва миллий курашни ўт олдиришга қаратилган сиёсат, мафкура ва амалиёт сифатида турли даражадаги конфликт, кескинлик, зиддиятларни вужудга келтириш, унга қарши адекват самарали чора-тадбирлар кўрилмагандага эса, бутун давлатларни йўқ қилиш салоҳиятга эга.

Хиндистоннинг Кашири ва Пенджоб штатларида содир бўлган қонли тўқнашувлар, Югославиядаги ҳарбий ҳаракатлар, Шри-Ланкадаги тамиллар ёки Туркиядаги курдларнинг террорчилик фаоллигини миллатчиликдан келиб чиқадиган ҳамда хавфсизликка таҳдид соловчи жиддий омил эканлиги деб кўрсатиш мумкин.

Замонавий экстремизм тараққиётида миллатчилик террорчилиги кенг тарқалган бўлиб, у ўта шавқатсизлик билан характерланади. Бизнингча, миллатчилик терроризми миллат ёки этносларнинг алоҳида ҳукуқ ва манфаатларини камситишига қарши қаратилган курашнинг ноадекват шаклидир. Оҳир-оқибат у сиёсий мақсадлар, чунончи: мавжуд конституциявий тузумни ағдариш, миллий давлат ёки маъмурий-худудий тузилишини мажбуrlаш йўли билан ўзгартириш каби мақсадларга эришишга қаратилган.

Сўнгти йилларда миллатчилик руҳдаги экстремистик ташкилотларнинг фаоллашуви Испания, Франция, Англия, Белгия ва бошқа Европа давлатларида кузатилади.

Миллатчилик руҳдаги машҳур бўлган ташкилотларга ирландиядаги ИРА, баскиялик ЭТА, “Корсика миллий озодлик фронти”, ТОТИ (Шри Ланкадан ажралиб, мустақил Томиль давлатини ташкил қилиш мақсадида тузилган ташкилот) ва бошқалар киради<sup>211</sup>.

Миллатчилик террорчилиги субъектларининг ўта хавфли мақсадларига мамлакат худудий яхлитлигини бузиш, у ёки бу худудудий бирликларни давлат таркибидан чиқариб юбориш (миллий сепаратизм террорчилиги), ўз мустақил давлатни ташкил қилиш кабилар ҳисобланади<sup>212</sup>. Миллатчилик террорчиликнинг бундай йўналиши бугунги кунда қатор Ғарбий Европа, Болқон, Жанубий Шарқий Осиё давлатларида кузатилиб, кенг жамоатчиликда катта хавотир уйғотмоқда. Бундай ҳаракатларни амалга оширишда одатда мавжуд ҳукumat босқинчиликда, миллий (этник)

<sup>211</sup> Замковой В.И., Ильчиков М.З. Терроризм-глобальная проблема современности. -Москва, 1996, Стр -24-52.

<sup>212</sup> Полякова Е.Ю. Северная Ирландия: источник конфликтов.- Москва, 1990, Стр -64-86

геноцидни ёқлашда, миллий сиёсат олиб боришда турли миллий бирлик ва этнослар ҳақ-хуқуқлари поймол этишда айбланади.

Миллатчилик-сепаратизм террорчилиги террорчилик актларини амалга ошириш, имкон қадар кўпроқ кишилар иштирокида тўпалон ва қўзғалонларни уюштириш, хокимиятни қурол билан қўлга киритиш ва бошқа шу каби усулларга мурожаат қиласди. Бундай кўринишдаги миллатчилик террорчилиги Жанубий ва Жанубий Осиё, Тинч океани худудидаги мамлакатларда олдиндан ва кенг тарқалган “миллатчилик ҳаракатларида” ўз ифодасини топган.

Миллатчилик терроризмнинг кенг тарқалган турларига миллий экстремистик гуруҳларининг “ирқ софлиги”ни таъминлаш, аниқ бир давлат аҳолини хорижликлар “хужуми”дан асраб қолиш шиорларини қўллаб-кувватланаётганлар киради. Бундай турдаги миллатчилик террорчилиги “очик” иммиграция сиёсатини олиб борадиган ва шу туфайли ўз қарамоғида бошқа мамлакатлар вакилларидан иборат бўлган катта мустамлакаларга эга бўлган давлатлар учун хос. Миллатчилик террорчиликнинг бундай кўриниши Германия, Франция, Англия ҳамда АҚШда кузатилади<sup>213</sup>.

Мисол учун, бугунги кунда АҚШда испан тилида сўзловчи мексикаликларнинг миллий озодликка эришиш мақсадида кураш олиб бориши учун жанговор гуруҳларни ташкил қилиш ҳамда “гринго колониал тизими”дан чиқиб кетиш ҳаракатлари фаоллашмокда. Ушбу этник гуруҳ тарафдорлари миллий озодлик учун кураш олиб борадиган жангари гуруҳларни ташкил қилганликларини маълум қилмоқда.

Миллатлараро муносабатлар кескинлашувининг салбий оқибатларини бизнинг мамлакатимиз ҳам бошдан кечирган. Собиқ Иттифоқ раҳбарларидан Горбачев, Яковлев, Шеварнадзе ва уларнинг гумашталари ўз халқига нисбатан очиқдан-очиқ миллатчилик сиёсатини олиб борганлар.<sup>214</sup>

<sup>213</sup>Бу ҳақда қаранг: Мелентьева Н. Размышления о терроре // Элементы. Евразийское обозрение. Москва.- 1996, №7, Стр -32-41

<sup>214</sup>Бу ҳақда қаранг: Авксентьев В.А. Этническая конфликтология: в поисках научной парадигмы.- Ставрополь,2001; Здравомыслов А.Г. Межнациональные конфликты в постсоветском пространстве.-Москва:

Истибод даврида хукмрон бўлган мафкура миллатчиликка қарши кураш ниқоби остида қўплаб тараққийпарвар, маърифатпарвар инсонларни жисмонан ва руҳан таъқиб этди.

Болтиқбўй республикаларда содир бўлган ҳамда Москва “демократлари” томонидан қўллаб-қувватланган миллатчилик руҳдаги ҳаракатлар, Тоғли Қорабоҳдаги арман-озарбайжон конфликти, Ўрта Осиё республикаларидағи (Ўзбекистондаги месҳети турклар ва ўзбеклар ўртасида, Қозоғистондаги ва х.қ.) миллатчилик-сепаратизми жараёнлари, Россиядаги қонли воқеалар бунга мисол бўла олади.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши билан миллатчилик пайдо бўлган янги демократияларга нисбатан ўз таъсирини кучайтирди. Миллатчиликдан келиб чиқадиган даҳшатли таъсирини Чеченистон (Басаев, Радуев) ҳамда бугунги кунда Украина даги воқеалар мисолида кўриш мумкин.

Биз юкорида, террорчилик кенг қамровли ҳодиса бўлиб, у турли табиатдаги омиллар билан детерминантлашади, деб асослагандик. Аммо улар қаторида (террорчилик оқибатларини вужудга келтирувчи нуқтаи назаридан) энг чуқур, кучли ва ижтимоий жихатдан хавфли бу - миллатчилиkdir.

Миллатчилик инсоннинг энг чуқур ва хиссий психологик сифатларга мурожаат қилиб, унинг ташқи ижобий ва салбий таъсиrlарга зудлик билан жавоб бериши билан тавсифланади. Бунда миллий ғурурни поймол қилиш, бошқа миллат вакилларини камситиш, у ёки бу миллатнинг миллий ўзига хослигини инкор этувчи ахборотларни тарқатиш каби ташқаридан бўлган таъсиrlар индивиднинг салбий реакциясни уйғотади.

Бундай рефлексия у ёки бу сабабларга кўра миллатлараро муносабатлар кескинлашувидан манфаатдор бўлган гурӯхларга кишиларнинг эмоция, хис-ҳаяжон, ижтимоий, миллий онг даражасига таъсиr этиш, уларда

---

“Аспект-пресс”,1997; Сикевич З. Этносоциология. Национальные отношения и межнациональные конфликты.–СПб.,2004; Солдатова Г. Психология межнациональной напряженности.-Москва,2001; Степанов Е. Конфликтология переходного периода: методологические, теоретические, технологические проблемы /Центр конфликтологии Института социологии РАН.-Москва,1996; Уники: Методология анализа социальных конфликтов. Социальные конфликты в современной России.–Москва,1999; Тишков В.А. Общество в вооруженном конфликте: Этнография чеченской войны. -Москва: “ Наука”, 2001 ва бошк.

жавобан агрессив реакцияни хосил қилишга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, кишилар хатти-ҳаракатларини, уларда хосил бўлган агрессив кайфиятларини бошқариш ҳамда террорчилик ва экстремизм оқимлари томон етаклашга имкон яратади.

Шуни аълоҳида таъкилдаш жоизки, одамларнинг миллий хистуйғуларига таъсир кўрсатиш уларда барқарор жавоб берувчи реакциясини уйғотади, бу ҳолатни ўзгартириш эса узоқ муддатли ҳамда авлоддан - авлодга ўтадиган жараёндир. XIX аср охири XX аср бошларидағи турклар томонидан арманларни аёвсиз қириб ташланиши бунга мисол бўла олади.

Миллатчиликнинг яна бир жихати унинг манфаатдор кишилар томонидан сунъий ёки реал мавжуд бўлган таҳдидга қарши кураш олиб бориш мақсадида алоҳида миллат вакилларини уюштириш ва сафарбар этиш имкониятини яратиб беришидадир. Бундай ҳолат алоҳида индивидлар агрессивлигини тўплаш, миллатчилик руҳидаги шиорлар остида бирлаштириш, сафарбар этиш имкониятини тўғдириб, уни у ёки бу таҳликали шаклида намойиш этишга етаклайди.

Одамларнинг бундай кўринишидаги норозилик реакциясини кучайтириш, энг нозик, барқарор ва кенг қатламли ҳамда миллий жихатдан яқдил социумнинг бу хусусияти олимлар диққат эътиборида ҳамиша бўлган.

Бундан юз йил аввал ижтимоий психология асосчиси Гюстав Лебон ўзининг “Халқлар ва омма психологияси” асарида шундай деб ёзганди: “Меросхўрлик асосида аста-секинлик билан шаклланган хис-туйғулар, эътиқод ва манфаатлар умумийлиги халқ психик ҳолатига катта ўхшашлик ва мустахкамлик, айни пайта унга жуда катта куч ҳам бағишлайди”<sup>215</sup>.

Миллатчиликка ижтимоий-сиёсий конфликтларни вужудга келтиришнинг жуда кучли детерминанти сифатида мурожаат қилиш унинг таъсир доираси ва маконини сезиларли даражада кенгайтириш, хориждаги миллий диаспораларнинг турли шакллардаги иштирокини таъминлаш (чунончи: мафкуравий, моддий, техник, молиявий ва бошқа кўмак кўрсатиш;

<sup>215</sup> Қаранг: Лебон Г. Психология народов и масс.-СПб,1995.-С.21-22.

миллатчиларга мақбул келадиган ижтимоий фикрни шакллантириш; зарурият түғиса давлат тузулмалари, хукумат, халқаро ташкилотларга таъсир ўтказиш ва х.қ.) орқали битта давлат чегарасидан чиқиб кетишигача олиб келиши мумкин.

Миллатчилик факат битта миллат вакилларини бирлаштиради, уларда бошқа миллатлар, халқлар вакилларига нисбатан душманлик образини шакллантириб, акс таъсир этувчи салбий реакцияни туғдиради. Бунинг натижасида миллатлараро муносабатлар кескинлашади, антагонистик босқичга ўтади ҳамда кенг қамровли зўравонлик акцияларга олиб келиши мумкин.

Миллатчилик ва террорчиликнинг умумийлиги тарихий тараққиёт жараёни билан тасдиқланган, иккаласи ҳам ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шароитлар ёмонлашганда, талафот, инқироз ва бир тузумдан иккинчисига ўтиш шароитида вужудга келади. Айнан шундай ҳолат бугунги кунда жаҳоннинг қатор мамлакатларида (Англия, Сирия, Россия, Украина, Молдавия, Озарбайжон ва х.қ) кузатилмоқда.

Албатта миллатчилик ҳамиша экстремизм ва террорчиликнинг намоён бўлишига олиб келавермайди. Миллатчиликдаги конфронтация ва у билан суғорилган ижтимоий норозилик қўшма баёнот, ультиматумларни эълон қилиш, митинг, манифестация, намойишлар уюштириш, халқаро ташкилотлар, бошқа давлатлар элчихоналари, ваколатхоналари олдида намойишлар ўтказиш ва х.қ. шаклларда ўз ифодасини топиши мумкин.

Миллий камситилганлик (устунлик, нафратланиш) ҳисси қатор омилларга боғлиқ: конфлиқ, зиддиятнинг кескинлик даражасига; миллатнинг бирдамлилигига; миллий ҳаракатлар етакчиларининг обрўсига; миллатчилар эълон қилаётган мақсадларга эришишда иштирокчиларни манфаатдор қилишининг усул ва воситаларига; халқнинг миллий-психологик хусусиятларига ва х.қ.

Миллатчилик террорчилигидан миллий (давлат) ва халқаро даражадаги сиёсий мақсадларда фойдаланишининг замонавий шароитлари миллатчилик

моҳияти ҳамда уни ташкиллаштириш усулларини ўзгартириб юборди. XX аср иккинчи ярмида миллатчилик терроризмидан содир бўлган бундай ўзгаришлар қатор тенденцияларда ўз ифодасини топган.

Фикримизча, ушбу тенденцияларни белгилаш нафақат миллатчилик терроризмнинг инсоният тараққиётига глобал таҳдид солувчи ролини асослаш, балки унга қарши кураш олиб боришнинг илмий асосланган чоратадбирлар тизимини ишлаб чиқиши учун ҳам муҳимдир.

*Миллатчилик терроризми ривоҷланишининг муҳим тенденцияларидан бири - унинг халқаро муносабатлар, халқаро ва миллий хавфсизлик, давлатлар конституциявий тузуми, фуқаролар ҳақ-хуқуқларига нисбатан ижтимоий хавфининг ўсиб боришидир.*

**Биринчидан**, бу жаҳоннинг турли давлатларида илдиз отган ва жаҳон сиёсати, айрим мамлакатлар сиёсий амалиётига миллатчилик экстремизми ва сиёсий терроризмнинг қириб бориши ва фаоллашуви. Ўтган асрнинг ўрталари ва охирига келиб кишилик жамиятининг барча соҳаларида конфликтоген салоҳият йиғилиб қолди. Айнан шу салоҳият бугунги кунга келиб сиёсий зўравонликнинг ўзига хос шаклларини вужудга келтиришга сабаб бўлган. Улар қаторида миллатчилик ва миллатчилик сепаратизми, миллатчилик террорчилиги алоҳида ўрин тутади.

Миллатчилик ва террорчилик муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар фикрича XX асрнинг иккинчи ярми ҳамда XXI аср бошларига келиб ижтимоий амалиётда сиёсий зўравонликдан фойдаланишининг кенгайиб бориши ҳамда террорчилик ва миллатчилик сиёсатига мурожаат қилишининг кучайиб бориши кузатилган. Хусусан, У. Хелвиг фикрича: "...маълум шароитларда деярли ҳар бир сиёсий ва мафкуравий груух – у мавжуд хукумат ёки муҳолиф қучлар бўладими – террорчилик ва миллатчилик сиёсатига мурожаат қилган"<sup>216</sup>.

---

<sup>216</sup> Hahlweg W. Moderner Guerillakrieg und Terrorismus/ Probleme und Aspekte ihrer Theoretischen Grunlagen als Widerspiegelung der Praxis// Terrorismus. Hrsg.von M.Funke.Bonn,1977.-P.118

**Иккинчидан**, бу тараққий этадиган жараёндир ҳамда у ахоли турли гурух ва қатламларини (энг аввало, миллатчилик экстремизми, диний-сиёсий, неофашизм асосида) дунёning асосий қитъалари ва айниқса Яқин ва Ўрта Шарқ, Лотин Америка, Шимолий Америка, Жанубий-Шарқий Осиё, Фарбий Европа мамлакатларида кечаётган сиёсий экстремизмнинг турли оқимларга жалб этиш билан тавсифланади.

**Учинчидан**, сиёсий жиҳатдан “оқланган” зўравонликнинг хавфли шакл ва усулларга мурожаат қилиш, миллатчилик ҳаракатларини амалга оширишда куч ишлатиш, вайронгарчиликлар, одамларни ваҳшиёна ўлдириш ва х.к.<sup>217</sup>

**Тўртинчидан**, турли мафкуравий-сиёсий йўналишдаги миллатчилик руҳдаги ташкилотлар фаолиятининг аълоҳида миллат, элатларга қарши қаратилган даҳшатли таъсири томон барқарор ўзгариши.

Бугунги кунда, МДХ давлатлари ички ва ташқи хавфсизлигига нисбатан миллатчилик ижтимоий хавфининг ўсиб боришини кузатиш мумкин.

Миллатчилик терроризми сиёсий хокимият учун кураш олиб бориш, уни қўлга киритиш ва сақлаш каби сиёсий мақсадларга эришиш воситаси сифатида айнан миллатчилик кайфиятлар кенг илдиз отган ва тарқалган, конфесиялараро зиддиятлар қучайган, жамият криминаген даражаси юқори бўлган, жиноятчилик ривожланган мамлакатларда намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, миллатчилик терроризми ўз амалиётида террорчилик усулларига мурожаат қилиш орқали ўз сиёсий рақибларга, хокимият идоралари ёки уларнинг вакилларига босим ўтказиш, турли клан, мафия тизимлари билан ҳисоб-китоб қилиш ва таъсир кўрсатишга интилади.

**Замонавий миллатчилик терроризмнинг муҳим тенденциядан бири - унинг ижтимоий асосининг кенгайиб боришиидир.**

---

<sup>217</sup>Dobson C., Payne R. The terrorists.Their Weapons, Leaders and tactics.-N.Y.,1979.-P.15,16.

Миллатчилик терроризми жаҳоннинг қайси мамлакатида бўлишидан қатъи назар аҳоли турли қатlam вакилларини уюштиришга интилишини намоён қилиб, уларда миллатчилик руҳдаги сиёсий мақсадларни қўллаб-кувватловчи кайфиятларни кучайтириш, бу мақсадларга эришиш йўлидаги усул ва воситаларини танлашдаги уйғунликка эришишга муваффақ бўлмоқда.

Миллатчиликнинг келиб чиқиши ва эволюциясини тадқик этувчи кўпчилик хорижлик олимлар фикрича, турли қарама-қаршиликлар ва зиддиятлардан иборат бўлган жамият ижтимоий тараққиёти миллатчилик актларида иштирок этишга тайёр турган, у ёки бу миллат устуворлигини, алоҳидаликни қўллаб-кувватловчи ижтимоий гуруҳлар сони ўсиб бормоқда. Ижтимоий, иқтисодий муаммолар кўпайиб бориши эса, ўз навбатида миллатчиликнинг ижтимоий асосини кенгайтириб боради.<sup>218</sup>

Сиёсий бекарорлик юксак даражада бўлган ҳамда сиёсий экстремизми тарқалиб бораётган айрим худуд ва мамлакатларда миллатчилик терроризми ижтимоий асосининг кенгайиб бориши, нафақат ушбу ижтимоий жиҳатдан хатарли ҳодиса эволюциясининг объективлигини ифодалайди, балки бевосита миллатчилик руҳдаги террорчилик ташкилотларнинг асосий масаласига айланиб бормоқда. Бундай асоснинг мавжудлиги миллатчилик руҳдаги террорчилик ташкилотлари актив фаолиятининг зарурий шартидир.

Миллатчилик террорчилик ижтимоий асосининг мухим вазифаларидан бири алоҳида миллат вакилларидан иборат бўлган гуруҳлар, аҳоли қатламлари томонидан террорчилик фаолиятини сиёсий, ахлоқий жиҳатдан қўллаб-кувватлашишига эришиш, миллатчилик ғояларига содик кишилар билан қаторларини тўлдириш, ҳар қандай ёрдам қўрсатишга тайёр туришдан иборат.

---

<sup>218</sup>Буҳақдақаранг: Brian M. Jenkins. Terrorizm and Beyod //An international Conference on terrorizm and Low-Lewel Conflikt.-Bonn,1992

Юқорида кўрсатилган ушбу тенденция турли характердаги миллатчилик намоён бўлишининг шаклларида (намойиш ва чиқишлиар, тарғибот ишлари, унинг легитимлик даражасини оқлаш ва шу туфайли айrim халқ, миллат, элат томонидан қўллаб-кувватланиши, миллатчилик руҳдаги ёки миллатчилик террорчилик руҳдаги ташкилотлар инфраструктурасини шакллантиришнинг сиёсий-хуқуқий, ижтимоий, техник имкониятларини кенгайтириш ва х.к.) ифодаланади.

Миллатчилик террорчилик ижтимоий асосининг кенгайиб бориши жаҳоннинг айrim мамлакатларида миллатчилик руҳдаги террорчилик ташкилотларини аниқлаш ва хуқуқ-тартибот органлари томонидан улар фаолиятини тўхтатиши билан боғлиқ бўлган сиёсий-хуқуқий характердаги муаммоларнинг келиб чиқиши билан характерланади.

**Фикримизча**, миллатчилик терроризми ижтимоий асосининг кенгайиб боришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

-жаҳоннинг турли мамлакатларида ижтимоий-иктисодий ва мафкуравий-сиёсий зиддиятларнинг кенгайиши асосида ушбу ижтимоий-сиёсий курашга етарли даражада сиёсий онг ва маданиятга эга бўлмаган, сиёсий экстремизм таъсирига мойил бўлган қатлам ва гуруҳлар вакилларининг кенг жалб қилиниши;

-айrim мамлакатлар ёки худудларда миллатларапо зиддияларнинг кескинлашуви, экстремистик ва сепаратик характердаги миллатчилик жараёнларининг фаоллашуви, уларга аҳоли кенг қатламларининг жалб қилиниши<sup>219</sup>;

-турли худудларда конфессияларапо зиддиятларнинг тарқалиши, диний ва диний-сиёсий экстремизмнинг ривожи (аввало ислом характердаги), ушбу асосда кенг халқ оммаси иштирокида давлатлараро ва давлат ичидаги

<sup>219</sup>Бу ҳақда қаранг: Геллер Э. Нации и национализм.-Москва,1991; Джунусов М. Национализм в различных измерениях.-Алма-Ата,1990; Залужный А.Г. Взаимосвязь между экстремистскими проявлениями в политической и религиозной сферах / под ред.А.В.Пчелинцева, Т.В.Толмачевой.-Москва, 2002; Причины распространения этнического экстремизма и ксенофобии среди молодежи (Центральный федеральный округ): Сб. материалов социолог. исследования /под ред. Л.Я.Дятченко.-Белгород,2008 ва бошк.

барқарор характердаги сиёсий түқнашув ва конфликтларнинг шакллантирилиши;

-жаҳоннинг турли худудларида худудий сепаратизмнинг кескинлашуви, давлат маъмурий-худудий тузилиши, давлат ичидаги алоҳида худудларнинг сиёсий-ҳуқуқий макомини ўзгартириш мақсадида қуролли курашнинг вужудга келиши;

-айрим худудларда ўтган асрнинг саксонинчи йиллар охири ва тўқсонинчи йиллар бошида содир бўлган ўзгаришлар натижасида Ғарбий Европа ва собиқ Иттифоқдош республикларида сиёсий зўравонликнинг оммавий қўринишларига етакловчи сиёсий конфронтация мухитини вужудга келтириш ва х.к.

Бугунги кунда айрим жаҳон ҳамда МДҲ мамлакатларида шаклланган сиёсий мухит уларда сиёсий экстремизм кучайишининг оммавий жараёнлари кузатилаётганлигини ҳамда ижтимоий жихатдан хавфли шаклларида намоён бўлаётганлигини (зўравонлик асосига қўрилган оммавий намойишлар, сиёсий экстремизм актларида қуролга мурожаат қилиш амалиёти ва х.к.) кўрсатмоқда.

Бу эса, ўз навбатида миллатчилик терроризмни вужудга келтиришнинг замини бўлиб хизмат қилмоқда. Аксарият кўпчиллик холатларда ушбу жараён жамият иқтисодий, ижтимоий соҳаларида кўп йиллар давомида йиғилиб қолган ва ечилмаган салбий холатлар, қайта қуриш ва демокртик ислоҳотларни амалга ошириш йўлида қўйилган камчиликлар, аҳолининг ўз ижтимоий холатини яхшилаш билан боғлиқ орзуларининг сўниши, камсонли миллат ва элатларнинг ҳолати, ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилиши, муаммолари ва ижтимоий мақомига хукумат томонидан етарли ёки умуман эътибор берилмаётганлиги, айрим холатларда эса очиқдан-очиқ миллатчилик сиёсати қўллаб-қувватланаётганлиги билан боғлиқ.

Ижтимоий-сиёсий жараёнларининг бундай кечиши эса, бир томондан аҳоли ўртасида ижтимоий мухитни яхшилашга ишонмаслик кайфиятларининг ўсиб боришига, иккинчи томондан эса, экстремистик

кайфиятлари кучли бўлган, миллатчилик руҳдаги гурух ёки қатламларнинг фаоллашувига олиб келмоқда. Маълум радикал кучлар таъсирида миллатчилик ва диний-экстремистик нуқтаи назарда турувчи аҳолининг бундай гурухлари сиёсий жараёнларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишнинг экстремистик ҳамда оммавий шаклларини ўз амалиётида кўлламоқда.

*Миллатчилик терроризмни ривожлантиришида алоҳида эътиборни тортувчи тенденциядан бири - унинг замонавий сиёсий ҳаётда узоқ муддатли омил эканлигига айланаб бораётганлигидир.*

Жаҳоннинг айрим худудларида террорчилик асосидаги миллатчилик сўнгги ўн йилликларда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг барқарор феноменига айланган. У, алоҳида мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг фаол ҳаракатларига қарамасдан, ўз ижтимоий барқарорлигига миллатчилик, экстремистик ва террорчилик фаолиятига аҳолининг янги қатlam ва гурухларини жалб қилиш ҳисобига эришишга мувоффак бўлган.

Террорчилик асосидаги миллатчиликнинг барқарорлигини белгиловчи омиллардан бири унга қарши турувчи, конкрет амалий натижа берувчи оптимал ёндашув ва йўналишларни аниқлашдаги камчиликлар ҳамда қарши кураш олиб боришга қаратилган фаолиятнинг самарадорлиги етарли даражада эмаслигидадир.

Шу билан бирга, терроризм ва унинг асосидаги миллатчилик кучайиб кетётганлигига қарамасдан унга қарши олиб борилаётган кураш маълум натижа бермоқда. Аммо, бу кураш мавжуд миллатчилик ва террорчилик ташкилотлар фаолиятини тўхтатиш, йўқ қилишга қаратилган хукуқий ва мажбуровчи чораларни қўллаш билан чекланган бўлиб, кенг кўринишдаги олдини олувчи комплекс характерга ҳамда ушбу иллатларни вужудга келтирувчи ижтимоий шароитларни ўзгартиришга таъсир эта оладиган даражада эмас.

Миллатчилик ва экстремизмни вужудга келтирувчи ижтимоий, синфий, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий зиддиятлар мавжудлигидан ташқари бугунги кунда узоқ муддатли ҳамда таҳлиқали характерга эга бўлган қатор янги

қарама-қаршиликлар пайдо бўлмоқда. Айни пайтда кучайиб бораётган миграция жараёнларининг кечиши ҳамда уларга маҳаллий аҳоли томонидан ноадекват реакциясининг (миллатлараро кескинликлар, конфликтлар, айрим холатларда оммавий-экстремистик қўринишдаги ҳаракатлар) ўсиб бориши<sup>220</sup>.

Бундай ҳаракатлар ташаббускорлари турли неофашизм, ирқчилик ташкилотлар “миллат соғлигини сақлаб қолиш”, “эмигрантларни хайдаш”, “ирқий тозалаш”, ксенофобия, очикдан-очиқ геноцидни оқловчи шиорлар асосида тарафдорларини уюштиришга интиладилар (АҚШ, ФРГ, Англия)<sup>221</sup>. Бундай инсониятга таҳдид соловчи ғояларга қарши кураш жаҳон ҳамжамиятини асосий вазифаси бўлмоғи керак.

Миграция жараёнларининг ҳамда улар асосида вужудга келадиган ижтимоий хавфли конфликтларнинг бошқа бир жиҳати - турли Ғарбий мамлакатлар худудида (Шарқий-Ғарбий, МДҲ ва Яқин Шарқ давлатлари) очикдан-очиқ миллатчиликни кўллаб-куватловчи жиноятчи этник гурухларнинг пайдо бўлишидадир.

*Миллатчилик терроризмни ривожлантиришидаги тенденциядан бири - унинг уюшган жиноятчилик билан яқинлашиб бориши ёки бирлашишидир.*

Бу жараён турли давлатларда турли даражада сақланиб қолмоқда ҳамда ҳар бир мамлакатда уюшган жиноятчилик даражасига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Уюшган жиноятчилик ўз табиатига кўра, ноконуний мақсадларга эришиш йўлида куч ишлатиш, зўравонлик, босқинчилик, террорчилик усулларига, хатто ўз иқтисодий манфаатларни ифодаловчи аниқ сиёсий

<sup>220</sup>Бу ҳақда қаранг: Алисов Н.В. Территориальное передвижение населения (миграция) // Алисов Н.В., Хорев Б.С. Экономическая и социальная география мира.-Москва,2001; Дмитриев А. В., Слепцов Н. С. Конфликты миграции.-Москва,2004; Эко У. Миграции, терпимость и нестерпимое: Пять эссе на темы этики.-СПб.,2003; Хоперская Л.Л. Этнические миграции на Юге России в периоды резкого изменения социальной структуры общества/Актуальные социально-политические и экономические проблемы южного федерального округа.- Ростов н/Д, -2005; Этнические мигранты в принимающем обществе. Ч.1. Методология и теория исследования толерантности и мигрантофобии. В.Н.Петров, М.В.Донцова, Н.М.Нос /под ред.В.Н. Петрова.- Краснодар, 2005 ва бошк.

<sup>221</sup>Бу ҳақда қаранг: Верховский А., Прибыловский В., Михайловская Е. Национализм и ксенофобия в российском обществе.-Москва,1998;Дробижева Л.М., Аклаев А.Р., Коротеева В.В., Солдатова Г.У. Демократизация и образы национализма в Российской Федерации 90-х годов.-Москва,1996;Современный терроризм: состояние и перспективы /под ред. Е.И.Степанова.-Москва,2000 ва бошк.

мақсадларга эришиш йўлида террорчилик ташкилотлар кўмагига ҳам мурожаат қиласди<sup>222</sup>.

Миллатчиликнинг уюшган жиноятчилик билан ҳамкорлиги эса ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўта хавфли бўлган ҳамда мамлакатдаги миллатлараро ва элатлараро кескинликларга сабаб бўладиган омилга айланиши мумкин.

Бу масаланинг уюшган жиноятчилик групхлари томонидан қўйилишининг асосий сабаби уларнинг ижтимоий жиҳатдан заарли табиати ҳамда хокимият ёки хокимиятнинг айрим групхлари билан ҳамкорлик қилишини назарда тутиши ва унга ҳамиша интилувчанлигидан келиб чиқади.

Терорчиликка асосланган миллатчиликнинг уюшган жиноятчилик билан ҳамкорлигининг ошиб бориши эса, ўз навбатида миллатчилик ва диний-экстремистик руҳдаги террорчилик ташкилотларининг молиявий, моддий, бошқа имкониятларнинг кенгайиб бориши, инфраструктурасининг кучайиб кетишига олиб келиши табиийдир.

Демак, миллатчилик давлат ва жамият хафсизлигига жиддий таҳдид соловчи омил сифатида нафақат мамлакат ичида ва халқаро майдондаги вазиятни кескинлаштириш, балки одамлар ўлеми, йўқотишлар, талофатлар ва бошқа салбий оқибатларга етакловчи кенг қамровли ижтимоий конфликларни уйғотиши мумкин.

Шу туфайли давлат ва хукумат даражасида миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ масалаларга бўлган диққат ва эътиборни кучайтириш мухим аҳамият касб этади. Давлат томонидан қабул қилинадиган ҳар бир хужжат, сиёсий, иқтисодий, маъмурий қарорлар миллатлараро муносабатларга таъсири жиҳатидан ўзига хос экспертизадан ўтиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Маълумки, мамалакатимизда миллатчилик ва унинг асосидаги террорчиликка қарши кураш олиб боришга қаратилган “Терроризмга қарши

---

<sup>222</sup>Қаранг: Основы борьбы с организованной преступностью/ Под.ред. В.С.Овчинского, В.Е.Эминова, М.П.Яблокова.-Москва, 1996.

кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган ҳамда бу ҳолат масаланинг ниҳоятда мухим аҳамият қасб этишини кўрсатади. **Фикримизча, миллатчилик, экстремизм, сепаратизмга қарши кураш олиб бориш стратегияси қуйидагиларни ҳам ўз ичига олиши керак:**

- миллатчилик ва унинг асосидаги террорчилик, сепаратизм, экстремизм кайфиятлари, ниятлари, мақсадларининг аҳоли кенг қатламларида шакллантиришга мафкуравий, ахборот, ташкилий жиҳатдан йўл қўймаслик;
- жамиятда норозиликни намоён қилишнинг миллатчилик усулларига йўл қўймаслик, миллатчилар билан битимлар тузиш ёки уларнинг айрим талабларига ён босиш умуман мумкин эмаслиги ҳақидаги барқарор фикрларни шакллантиришга эришиш;
- миллатчилик руҳдаги экстремистик, террорчилик гурӯҳ ва ташкилотларнинг пайдо бўлишига ҳуқуқий, ахборот, маъмурий ҳамда оператив механизmlар орқали йўл қўймаслик;
- миллатчилик шиорлар остида бирлашаётган, миллатчилик ғояларини мафкура даражасига кўтариб чиқаётган кишиларнинг қурол ёки жиноий ҳаракатларини амалга оширишнинг бошқа воситаларига эга бўлишга йўл қўймаслик;
- миллатчилик руҳдаги ҳаракатларнинг тайёрланаётганлигини дастлабки босқичларда аниқлаш ва амалга оширишнинг олдини олиш;
- миллатчилик актларининг содир этишини оператив, жиноий-ҳуқуқий, маъмурий йўл билан тўхтатиш ва х.қ.

Шунингдек, аҳоли орасида миллатчиликка қарши иммунитетни шакллантирувчи мафкуравий ва тарғибот-ташвиқот ишларни олиб боришни кучайтириш йўли билан, экстремистик ва ҳуқуқбузарлик ҳаракатларига аҳоли турли қатlam вакилларини жалб қилишнинг олдини олиш мумкин бўлади.

## **Миллатларапо муносабатлар соҳасидаги зиддиятлар ва уларни бартараф этиш йўллари**

Миллий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам миллий ва миллатларапо муносабатларда ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар, мавжуд қийинчиликлар, зиддиятлар ўз аксини топиши табиийдир.

Зиддиятлар ҳар қандай ривожланишга хос бўладиган жараёндир, у миллатларапо муносабатларда ҳам ўз ифодасини топади. Энг муҳими, уларни юзага келтирувчи сабабалар, жиҳатлар ва кирраларини кўра билиш ва ўз вақтида оқилона ҳал қилишдир.

Маълумки, ўтмишда биз миллий сиёсатнинг улкан ва шубҳасиз ютуқлари ҳақида керагидан ортиқча даражада гапирилди, аммо мазкур масаладаги жиддий камчиликлар, бузилишлар, йўл қўйилган хатолар, муаммоларга етарли эътибор қаратилмади.<sup>223</sup>

Миллий масалада, миллатларапо муносабатларда, тил масалаларида, ижтимоий масалалар, ахолини озиқ-овқат, уй-жой, тиббий хизмат билан таъминлаш, миллий кадрларни ўстириш, ўзбек хотин-қизлари ўртасида ўзига ўзи ўт қўйиш, ёш болалар ўртасида кучайиб борган бевақт ўлим ва бошқа шу каби долзарб муаммолар ҳақида узоқ йиллар давомида индамасдан, дардимизни ичимизга ютиб келдик.

Турғунлик йилларида нашр этилган илмий ишларда, ҳимоя қилинган диссертацияларда, айрим собиқ раҳбарларнинг баландпарвоз нутқларида

<sup>223</sup> Қаранг: Национальные отношения в развитом социалистическом обществе (под ред. М.И.Куличенко).-М.:Мысль,1977;Национальные отношения и государство в современный период.-М.:Наука,1972; Национальный вопрос и новое мышление.-Ереван: Ереванский Университет,1989; Национальные вопросы и современная идеологическая борьба ( под ред. М.Б.Митина).-Т.:Фан,1977;Диалектика национального сознания национального самосознания в процессе совершенствования социалистического образа жизни (под ред. Ф.Т.Константинова).-М.: Б.и.,1985; Диалектика интернационального и национального в развитии общественной мысли ( под ред. М.Т.Иовчук).-Кишинёв:Штиинца,1984; Сикевич З.Социология и психология национальных отношений.-СПб.:Изд-во Михайлова В.А.,1999: Уники: Этническое самосознание молодёжи// “Социальные проблемы молодёжи”.-СПб,1995 и др.

миллий муносабатларда ҳеч қандай муаммо йўқлиги, бўлиши ҳам мумкин эмаслиги ҳақида зўр бериб гапирилди, бу соҳадаги ютуқлар бир ёқлама, факат яхши томондангина баён этилди ва бўрттирилди, реал ҳақиқат бузиб кўрсатилди. Айрим республикалар ва муҳтор тузилмаларининг ҳам, миллий гурухларнинг ҳам ижтимоий-иктисодий, маданий тараққиёти эҳтиёжлари етарли равишда ҳисобга олинмади. Миллатлар ва элатлар тараққиётининг ўзи ўртага қўйган бир талай кескин масалалар ўз вақтида ҳал этилмади. Бу эса, ижтимоий каноатланмасликка олиб келиб, баъзан можароли тус ола бошлади.

Миллий худбинлик ва маҳаллийчилик қайфиятлари, тайёрга айёрлик каби кўринишлари содир эта бошлади. Бир неча йиллар давомида йиғилиб колган салбий ҳодисалар узоқ вақтгача эътиборга олинмади, муносиб равишда баҳоланмади. Бунинг натижасида шундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй бердики, ҳозирги кунда булар нафақат собиқ шуролар жамияти кишиларини, балки жаҳон халқларини ҳам ташвишга солмоқда. Собиқ Иттифоқнинг тугатилишидан сўнг Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Чеченистонда ва бошқа республикаларда рўй бериб турган воқеалар ва жараёнлар шулар жумласидандир.

Халқимиз ҳаётига зўравонлик билан жорий этилган эски маъмурий-буйруқбозлик тизимида инсон, унинг моддий, маънавий, шу жумладан миллий қадриятлари бу тизимда сўнги ўринда турад эди. Бинобарин, бундай давлатнинг аввал – бошиданоқ истиқболи йўқ эди. Собиқ Иттифоқ худудининг гоҳ у, гоҳ бу ерида рўй бераётган бугунги ижтимоий, этник можаролар бунинг яккол мисолидир.

Узоқ йиллар давомида зўр бериб айтилганидек, агар собиқ Иттифоқда миллий масала билан боғлиқ бўлган муаммолар тўла ва узил-кесил ҳал этилганда, минглаб одамлар қатағон қурбони бўлмаганда, бошқа бир қатор хато ва камчиликларга, жиноятга йўл қўйилмаганида, кейинги йилларда мамлакатнинг бир қанча минтақаларида нохуш ҳодисалар рўй бермаган

бўлар эди, хисобсиз қон тўкилмаган, қурбонлар берилмаган, вайронгарчиликлар бўлмаган бўларди.

Нисбатан хийла жонланиб қолган миллатчилик, миллий калондимоғлик, миллий худбинлик, экстремизм кўринишлари маълум маънода айнан ўша эски хатолардан озикланди, дейиш мумкин. Кишиларни дарғазаб қилган салбий ҳодисаларнинг тўғилишига фақат шахсга сифиниш йилларида мамлакатлараро муносабатларни белгилаш, байнамилал тарбияни йўлга қўйиш чоғида рўй берган жуда катта хатолар, камчиликларгина эмас, балки кейинги йилларда миллий масалага ёндашиш борасида йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ана шундай хатолар йиғилиб, газак отиб кетиб, охири юқорида айтиб ўтилган миллий муаммолар туғдирадиган қулай шарт- шароит яратди.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликлар қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини, нималарда намоён бўлаётганлигини билиш, миллий масалада келажакда бундай вазиятлар такрорланишига йўл қўймаслик учун уларни келтириб чиқарган ва ривожлантириб юборган сабабаларини кенг ва атрофлича идрок қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни эътиборга олиш керакки, миллатлар ва миллатлараро муносабатларга бевосита даҳлдор бўлган жуда қўплаб муаммолар бирданига, фавқулотта, бир икки йил ичидаги эмас, балки узоқ йиллар мобайнида секин-асталик билан пайдо бўлиб, ривожланиб, йиғилиб, пировард оқибатда ҳозирги кескинлашиб кетган даражасига етган. Бунинг оқибатида миллатлараро муносабатлар соҳасидаги бир қатор муаммолар ва зиддиятлар ижтимоий ҳаёт юзасига калқиб чиқди.

Мазкур масала хусусида Збигнев Бжезинский шундай холосага келди: “Шуни очиқ ойдин айтиш керакки, 20-30-йилларда совет хариталарини тузган мутахассислар томонидан Ўрта Осиё давлатларининг чегаралари хоҳлаган кўнгилларига келган тарзда белгилланганди. Бу давлатларнинг чегаралари асосан, этник принципларга асосланиб белгиланган эди, бироқ

Кремль бу республикаларда ички зиддиятларнинг сақланиб қолишидан манфаатдор эди. Шу йўл Россия империясининг жанубий минтақасини тобеълиқда тутиб туриш осонроқ кечарди. Ўшанда белгиланган чегараларда Россиянинг ана шу манфаатдорлиги яққол акс этган.

Шунга мувофиқ равишда Москва Ўрта Осиё миллатчиларнинг (уларнинг кўпчилиги ҳали миллатчилик нима эканини тузукроқ англаб етган эмас эди) Ўрта Осиёнинг турли халқларини сиёсий жиҳатдан яхлит қилиб, масалан, “Туркистон”деган ном остида бирлаштириш ҳақидаги таклифларни рад этди. Бунинг ўрнига Москва бешта мустақил республика тузишни маъқул кўрди”<sup>224</sup>.

Миллий сиёсатдаги бузилишларнинг каттагина қисми Сталин даврида юз берди. Сталин миллий сиёсатнинг кўп томонларини назар-писанд қилмади, уларни обрўсизлантириди. Миллатлар ва миллий муносабатларнинг эркин ривожланиши, жонли жараёнда раҳбарликнинг формал-бюрократик усуслари тор доирасига бошқарувининг буйруқбозлик ва маъмуриятчилик тизимини барқарор этиш билан узвий боғлиқ бўлган республикаларнинг мустақиллиги, ташаббуси ва фаоллигини буғиб қўйган асоссиз тарзда қаттиқ марказлаштириш доирасига зўрлик билан тиқиширилди. Миллатлар ўртасидаги муносабатларга ён босиши ва уларга нисбатан яхши муомалада бўлиш зарурлиги унутиб юборилди.

Миллий сиёсатнинг кўпол равишида бузилиши шахсга сифиниш йилларида яккол намоён бўлиб, миллий жараёнларни бошқариш механизмини тугатишида, ССРР Олий Кенгашининг Миллатлар Кенгashi фаолиятини ўзгартириб ва ваколатларини торайтириб, уни ССРР Марказий Ижроя Кумитаси фаолияти билан тенглаштиришда, 20-30 йиллардаги буржуазия миллатчилигига қарши кураш баҳонаси билан ҳам миллий кадрларни, ҳам рус кадрларни катағон қилишда ва бошқа масалаларда намоён бўлди.

---

<sup>224</sup>Бжезинский З.Буюк шахмат тахтаси// “Жаҳон адабиёти”,2004, 2-сон,112-бет

Йигирманчи йиллардан кейин Сталин томонидан тез-тез такрорланиб турган ғоя – Совет Иттифоқи социализга яқинлашиб бормоқда – аслида ўтмишда минглаб кишиларни ноҳақ ўлдиришларни, сургун қилиб юборишларни оқлаш учун сиёсий қўлланма бўлиб хизмат қилди. Ички ишлар халқ комиссарлиги ва раҳбарлари (Ягода, Ежов, Берия) Сталиннинг бу сўзларидан Октябрь инқилоби ғалабасини амалга оширишда шахсан иштирок этган инқилобчиларни, Лениннинг шогирдларини, бутун ҳаёти, ақл-идроқи ва заковатини халқ ишига баҳшида этган кишиларни жисмонан йўқ қилиш, сиёсат майдонидан улоқтириб ташлаш, йўлни ўз фойдалари учун тозалаб олиш мақсадида фойдаландилар. Мамлакатда шахсга сифиниш йилларида юзага келган ва кескин авж олиб кетган катафонлик, бало-қазодек, ҳамма жойда, жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг ёйилди.

Шуни эслаб ўтиш жоизки, миллий сиёсатдаги бузилишларнинг катта қисми шахсга сифиниш даврида юз берди. Бутун-бутун халқлар, элат ва миллатлар қатағон қилинди. 1941-1945 йилларда Шимолий Кавказ ва Крим ахолисидан қалмиклар, чеченлар, ингушлар, қарачайлар, қрим татарлари ва бошқалар зўравонлик йўли билан ўз юртларидан Шарққа томон кўчирилди. Кўчирилган халқларнинг умумий сони таҳминан уч миллион кишини ташкил қилди. Мажбурий равишда ўз ҳудудидан бадарға қилинган халқларга нисбатан асоссиз равишда чеклашлар жорий этилди, уларнинг барча ҳақ-хуқуqlари ва эркинликлари камситилди. “Бу ихтилоф оқибатида,-деб ёзади З.Бжезинский,- кенг кўламда этник тозалашлар ўтказилди, юз минглаб қочоқлар ва ўз юритидан қувилган одамлар эса турли томонларга тарқалиб қочиб кетди. Арманлар христиан, озарбайжонлар мусулмон эканини ҳисобга олганда, ихтилоф диний рангларга ҳам эга бўлганди.”<sup>225</sup>

1950-60 – йилларда миллий муносабатлар соҳасидаги салбий хатолар кўпайиб бораверди. Миллий муносабатлардаги муаммолар, камчиликлар ва қийинчиликлар хусусида сукут сақланди, кенг жамоатчиликдан бор ҳақиқат

<sup>225</sup> Бжезинский З. Буюк шахмат таҳтаси// “Жаҳон адабиёти”, 2004 ,2-сон, 113-бет

атайин яширилди, ютуқлар керагидан ортиқча бўрттирилди. Миллатлар ва элатларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатлари эътиборга олинмади. 1970-80 - йилларда мамлакат иқтисодиётида рўй берган танглик, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги бузилишлар, порахўрлик, таниш-билишлик, хизмат вазифасини сустеъмол қилишлар, қўшиб ёзишлар ва бошқа салбий ҳодисалар миллий ва миллатлараво муносабатларнинг ҳолатига кескин таъсир кўрсатди. Ана шу камчиликларнинг, шу салбий ҳодисаларнинг ҳаммаси ҳар хил миллатчилик кайфиятларининг намоён бўлиши, миллатлараво низолар вужудга келиши учун негиз яратди.

“Ўрта Осиёда бекарорликни вужудга келтиришда ички омилларнинг аҳамияти янада каттароқ бўлди. Маданият ва тил нуқтаи назардан қараганда Ўрта Осиёдаги бешта янги мустақил бўлган давлатнинг тўрттаси туркийзабон дунёнинг бир қисмини ташкил қиласди. Лингвистик ва маданий нуқтаи назардан қараганда Тожикистонда форсийлар устиворлик қиласди. Ҳолбуки, Афғонистонда (собиқ Совет Иттифоқи ҳудудларидан ташқарида) этник жиҳатдан ранг-баранг манзарага дуч келамиз. Бу ранг-барангликни патонлар, пуштунлар, тожиклар ва бошқалар ташкил қиласди. Олти мамлакатнинг ҳаммаси – мусулмон мамлакати. Узоқ вақтлар мобайнида уларнинг баъзилари Эрон, Туркия ва Россия империясининг вақтинча таъсирида бўлган. Бироқ бу тажриба уларда минтақадаги манфаатлар муштараклигируҳини мустаҳкамламади. Аксинча, этник таркиби турли-туман бўлгани учун улар ички ва ташқи ихтилофларда ожизликлари билиниб қолди, бу эса, охир-оқибатида, уларнинг баъзи бир қудратли қўшниларининг тажовузкорлик борасидаги иштаҳаларини қўзғатиб туради.”<sup>226</sup>

Мустақиллик туфайли жамиятимизнинг барча соҳаларида содир бўлаётган туб сифат ўзгаришлар миллатлар ва миллалатлараво муносабатларни такомиллаштиришга қулай шарт-шароитни вужудга келтирди. Айни вақтда шулардан тўлиқ фойдаланган ҳолда миллий ва

<sup>226</sup> Бжезинский З. Буюк шахмат таҳтаси// “Жаҳон адабиёти”, 2004, 2-сон, 113-бет

миллатлараро муносабатлар соҳасидаги барча мавжуд муаммолар камчиликларни бартараф этиш устида мунтазам равишда кўпгина ижобий ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги куннинг асосий вазифаси фақат ўтмишни баҳолаш, миллий масалада ўтмишда рўй берган нуқсон ва камчиликларни санаб ўтишдангина иборат эмас, балки бугунги куннинг вазифалари ва келажак ҳақида аниқ, равshan, илмий асосда ўйлашдир. Фақат орқага қараб олдинга юриш мумкин эмас, шундай қилинса биринчи тўсиқдаёк қоқилиб қолиш мумкин. Биз ўтмишнинг хатолари ҳақида кўп ўйладик, маълум чора-тадбирлар кўрдик. Эндиликда, ҳозирги куннинг муаммоларни ҳал қилиш вазифаси олдимизда турибди. Агар биз шуларни ҳал қилишга киришмасак, кўп имкониятлардан фойдалана олмаймиз, майда-чуда масалалар доирасида ўралашиб қолиб, муҳим воқеалар, вазифаларни билиш, улардан фойдаланиш ва амалга ошириш имкониятларини қўлдан бой берамиз.

Республикамизда кейинги вақтда рўй берган тарихий воқеалар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллиги тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, кўпгина хорижий мамлакатлар томонидан тан олиниши, ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар миллатлар ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтирмоқда. Шулардан тўлиқ фойдаланган ҳолда миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги барча мавжуд камчиликларни зудлик билан тузатиш ҳаммамизнинг олдимизда турган муҳим масаладир.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда минтақадаги этник-нуфус вазиятни, аҳолининг полиэтник таркибини ҳисобга олиш катта аҳамият касб этади<sup>227</sup>. Республиқада ундан ташқари татарлар, қрим татарлари, озарбайжонлар, уйгурлар; славян халқларидан – руслар, украинлар, белоруслар, шунингдек, поляклар, чехлар, словаклар, болғарлар ҳам истиқомат қиласди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда

<sup>227</sup>Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик.-Т.: “Университет”, 2007.Б.129.

форслар, пуштунлар, балужлар, корейслар, арманлар, яхудийлар ҳам яшайди. Уларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш учун республикамизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.<sup>228</sup>

Она тилида таълим олиш борасидаги эҳтиёжлари тўлароқ қондирилмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, маданият ва маънавий бойликларни тақсимлаш масалаларида ижтимоий адолат тамойилларига асосланияпти. Миллий тилларда рўзномалар, китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётлар нашр этилмоқда. Кўпчиллик миллатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар кенгайтирилмоқда, миллий маданият марказлари очилмоқда.“Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда”<sup>229</sup>, деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев. Бошқа мамлакатларнинг вакиллари давлат ва жамоат ишларига жалб қилинмоқдалар.

Мустақилликни кўлга киритгач, Ўрта Осиё давлатларида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг мазмуни ва суръатларидаги айрим фарқлар миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ана шуни эътиборга олган ҳолда, минтакамизнинг бир халқини бошқасига қарама-қарши қўйиш, миллий устунлик мавжудлиги тўғрисидаги афсоналарни тарқатиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “минтақамизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни сақлаб туриш учун миллий сиёsat юргизишда қуидагиларга эътиборни қаратмоқ керак:

<sup>228</sup>Қаранг: Туленов Ж.,Фофуров З. Миллатларро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги.-Т.:Ўзбекистон,1999,15-бет

<sup>229</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилад маданият маркази ташкил этилганинг 25 йиллигига багишланган учрашувдаги нутқи.24.01.2017.Интернет манба: <http://www/president/uz>

- таркиб топган давлат чегараларини, уларнинг даҳлсизлигини тан олиш;
- мустақиллик туфайли ҳалқлар миллий ўзлигини англашнинг ривожланиши орқага қайтмайдиган жараён эканлигини ҳисобга олиш;
- минтақамизда яшаётган ҳалқларнинг ўзаро яқинлиги миллатлараро муносабатларда ижобий таъсир кўрсатишни инобатга олиш;
- республикамизда “Туркистон-умумий уйимиз” ҳаракати амалга оширилаётган этник сиёsat ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра инсонпарвар, конструктив жараён эканлигини назарда тутиш;
- минтақамиздаги интеграция жараёнлари ҳам барча ҳалқлар ва кўп миллатли манфаатларининг энг мақбул даражада уйғунлаштришга асосланган ҳолда ривожланишини таъминлаш.”<sup>230</sup>

Этник гурухларда, миллатлараро муносабатлар масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликлар қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини, нималарда намоён бўлаётганлигини билиш, миллий масалада келажакда бундай вазиятлар такорланишига йўл қўймаслик учун уларни келтириб чиқарган ва кескинлаштириб юборган сабабларни чукур ва атрофлича идрок қилиш миллий сиёsat юритишда катта аҳамият касб этади.

Жамиятда юзага келаётган ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиши ва сабабларининг чукур ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши уларни баратараф этишининг муҳим омилидир.

Ижтимоий зиддиятлар ҳар доим олимларнинг дикқат марказида бўлиб келган. Мустақиллик мазкур муаммога янгича ёндашиш имкониятини яратиб берди. Улар қуидагилардан иборат:

**Биринчидан**, мустақиллик жамиятимизнинг барча жабҳаларида, шунингдек миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳам, мавжуд бўлган, аммо улар ҳақида ёзиш у ёқда турсин, ҳаттоқи гапириш мумкин

---

<sup>230</sup>Каримов И.А.Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида., 6-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1998, 82-83-бетлар

бўлмаган реал зиддиятлар, уларни келтириб чиқарган сабаблари ва бартараф этиш йўлларини очик-ойдин кўрсатиб берди.

Ижтимоий зиддиятлар ўзларининг турли-туман ва серқирралиги билан ажralиб туради. Улар иқтисод соҳасида ҳам, ижтимоий ва миллий муносабатлар соҳасида ҳам, мафкуравий ҳаёт, шунингдек, маданият соҳасида ҳам яққол намоён бўлади. Бу соҳаларнинг ҳар бирида зиддиятларнинг қамрови ва намоён бўлиш шаклларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**Иккинчидан**, жамиятдаги зиддиятлар, уларнинг турличалигига қарамасдан, бир-биридан ажralган ҳолда мавжуд бўлмайди, балки улар бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирларини тақазо этади. Мана шу зиддиятлар ва ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишидаги салбий жараёнлар ижтимоий соҳадаги зиддиятларнинг кескинлашувига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Ижтимоий, хусусан миллатлараро соҳадаги зиддиятлар, ўз навбатида, жамиятнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатади, халқимизга хос бўлган юксак маънавий қадриятларни емиради. Бунинг оқибатида, жамоат ишларига қизиқиш сўнади, ахлоқий қадриятларимизга тўғри келмайдиган бефарқлик ва бошқа салбий жараёнлар юзага келади.

**Учинчидан**, мустақиллик шуни кўрсатдики, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятлар ҳам, маълум мақсадлар ва манфаатлар йўлида ҳаракат қилувчи кишилар фаолиятида намоён бўлади. Ижтимоий зиддиятларнинг кишилар фаолияти билан боғланиши, бир томондан, уларнинг зич субъектив томонини, иккинчидан эса, зиддиятларнинг объектив томонларини кўрсатади.

Тарих маълум кишилар, миллатлар ва элатлар фаолияти орқали намоён бўлади, кишилар эса ижтимоий-тарихий жараённинг ҳам обьекти, ҳам субъекти ҳисобланади, шунинг учун ҳам, ижтимоий зиддиятларга субъект ва обьект муносабатларнинг бирлиги сифатида қараш керак.

Ижтимоий зиддиятларни, жумладан миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларни ҳам бартараф этишда консенсус муҳим аҳамият

касб этади. “Consensus”- лотинча сўз бўлиб, “келишиш”, “яқдиллик” маъносини билдиради. Консенсус қарама-қарши кучлар, томонлар, ижтимоий гурӯҳлар, партиялар, ҳаракатлар ўртасидаги зиддиятларни умумий манфаатлардан келиб чиқиб ҳал этиш йўлларидан бири ҳисобланади. Консенсус келажакда ўзаро битимлар, келишувлар, ўзаро мажбуриятни белгилашда асос вазифасини ўташи мумкин.

Консенсус одатда меҳнат жамоалари ва уларнинг ижтимоий томонлари (касаба уюшмалари), маъмурият, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари, марказий идоралар, вазирликлар, ҳамда турли давлатлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқалар ўртасидаги келишувчиликлар, муаммоларни ҳал қилишда қўлланилади. У халқларимизни миллий тотувликка, ҳамкорликка даъват этадиган йўлдир.

Консенсуснинг муҳим хусусияти шундаки, музокараплар қатнашчилари ўзаро ён беришлар йўли билан, тинч йўл билан келишиб, ўзаро фойдали қарорларга келадилар ва бир-бирига муҳокама қилинаётган масалалар бўйича мавжуд зиддиятларни вақтинча бартараф қилиш имкониятини берадилар. Консенсус вужудга келган зиддиятларни бартараф қилиш воситаси сифатида ҳозир амалда давлат ва ижтимоий ташкилотлар фаолиятида қўлланилмоқда.

Консенсуснинг самарадорлиги бутунлай музокараплардаги ҳамма бандлар юзасидан эришилган келишувларнинг барчасини бажарилишга боғлиқ бўлади. Агар улар аниқ ва вижданан бажарилса, вазиятнинг яхшиланиши кузатилади, меҳнат жамоаларининг ҳаёти ва фаолияти учун етарли шарт-шароитлар яратилади ва аксинча.

Консенсуснинг муҳим шакли, турли сиёсий кучлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш учун кенг қўлланилаётган муроқот ва думалоқ стол атрофида сухбат ўтказишdir. Консенсуснинг яна бир хусусияти шундан иборатки, у оммавий ахборот воситалари орқали жамиятимиз учун муҳим бўлган сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа масалалар бўйича референдум (умумхалҳ овоз беришлар) ўтказиш ва қонунлар лойиҳасини муҳокама қилиш орқали ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш имкониятини яратади.

Консенсус – ихтилофлардан ҳамкорликка олиб борувчи йўлдир. У халқлараро амалиётда кенг кўлланилади. Маълумки, ўн йиллар мобайнида Шарқ ва Ғарб бир-бирига душманлик нуқтаи назаридан қараб келди. Ҳозир ихтилофлар, сиёсатидан ҳамкорликка ўтиш жараёнлари амалга оширилмоқда. Бундай ўтишнинг бир қанча сабаблари бор. Асосий сабаблардан бири Ғарб ва Шарқ манфаатларидан устун келадиган ва ҳамкорликда ечишни талаб қиласиган умумбашарий муаммолар мавжудлиги. Булар – “учинчи дунёдаги” қашшоқлик ва очлик, энергия танқислиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ядро, бактериологик ва кимё қуроллари ишлаб чиқиш технологиясининг ёйилиб кетиши, террорчилик, гиёхвандлик муаммолариdir. Инсоният дуч келаётган бу муаммоларни, илгаридагидек, ихтилофлар йўли билан ҳал қилиб бўлмайди.

Ҳозирги авлоднинг тарихий вазифаси вужудга келган имкониятни кўлдан чиқармай, Европа давлатлари, МДХ ва Ғарб Иттифоқлари давлатлари манфаатларига мос тушадиган муносабатларни қарор топтиришдан иборат, деган фикр тобора оммавий тус олмоқда.

Консенсус – бу, фуқароларнинг тинчлик сари тутган йўлидир. Ҳозирги босқичга хос зиддиятлар, ижтимоий ва бошқа тангликлар ҳаддан зиёд кучайган шароитда жамиятнинг соғлом кучларини жиспслаштиришга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Фуқаролар тинчлигига эришишнинг муҳим шартларидан бири – ҳамма даражадаги умумхалқ мулоқоти, турли партиялар ва ижтимоий групкалар, оммавий ҳаракатлар ўртасидаги мулоқотdir. Мулоқот бирлашишнинг базаси ва асоси сифатида зарурдир. Эшитишни билиш ва эшитишга сазовор бўлиш – маданиятли одамлар анъаналаридандир.

Мулоқот самарали бўлиши учун унда нафақат олимлар ва публицистлар, ёзувчилар ва тарғиботчилар, балки партиялар, давлат, ижтимоий ташкилот раҳбарлари, албатта, қатнашишлари керак. “Халқ билан юзма-юз” – бу шиор ҳамма фуқаролар тинчлигини таъминлаш ҳамда кимнинг ким эканлигини аниқлашда объектив баҳолаш имкониятиdir. Бу

ерда бир-бирига ён босиш, муҳолифлар фикрини эшитиш ва баҳолай олиш орқали салбий томонларни эмас, балки ҳозирги туб бурилиш даврида бизларни бирлаштирувчи ижобий томонларни қидириш лозим.

Фуқаролар тинчлиги – бу яқдиллик ва ҳамма нарсани бир овоздан тасдиқлаш эмас. Бундай ҳолдан биз аста-секин қутиляпмиз, чунки бу ҳолнинг нимага олиб келишини амалиётдан қўрдик. Ҳозирги тафаккур қотиб қолган ва бир томонламалик хусусиятларидан ҳолос бўлиб, фикрлар хилма-хиллиги ва ранг-баранглиги билан тавсифланади.

Ҳаёт шуни кўрсатяптики, жамиятда фуқаролар тинчлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан яна бири – ҳокимиятга бўлган ишончдир. Ҳокимиятга ишончнинг етарли даражада бўлиши ҳар қандай ислоҳот ижобий натижа беришининг муҳим омилидир. Ижобий ўзгаришлар, ҳокимият томонидан қабул қилинадиган тўғри қарорлар кишилардаги ишонч даражасини кўтарса, камчиликлари эса бу ишончни сусайтириши мумкин. Жамиятдаги бўлинишлар, халқнинг норозилиги, ҳукумат истеъфосини талаб қилиш, сиёсий иш ташлашлар, ҳатто қуролли кураш – буларнинг ҳаммаси ҳокимиятнинг тўла инқирозининг натижасидир.

Миллатлараро зиддиятлар миллатлараро муносабатларнинг бир шакли сифатида намоён бўлади.

Миллатлараро зиддият -миллий бирликлар ўртасидаги муносабатларни бир шакли бўлиб, халқлар, миллатлар ва элатларни очиқ қарама-қаршилиги, ўзаро баҳсли ҳолатини тавсифловчи жараён бўлиб, бу қарама-қаршиликлар қуролли тўқнашувлар, ҳатто очиқ урушга айланиш хавфи мавжуд<sup>231</sup>.

Ниҳоят ижтимоий миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларни ўрганишнинг муҳим томонларидан бири – жамият ривожланишида диалектик зиддиятлар тараққиётини бошқариш масаласидир. Бошқариш санъати зиддиятларни писанд қиласлиқ эмас, балки ана шу зиддиятларни ўз вақтида сезиш ва қарама-қарши томонларни ўрганишда келимшомчиликларни бартараф этиш шакллари ва йўлларини

<sup>231</sup> Қаранг: Человек и культура межнационального общения (под ред. С. Шермухамедова). - Т.: Узбекистан, 1995

топа билишда ўз аксини топади. Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятлар қотиб қолган, ҳаракатсиз, ҳамма вақт бирдай бўлмай, балки доимо ҳаракатда, ўзгаришда ва тараққиётда бўлади.

Зиддиятлар диалектик жараён, улар пайдо бўлади, чукурлашади ва бартараф этилади. Шунинг учун амалий фаолиятда зиддиятларни ўз вақтида бартараф этишда уларни етуклик даражасини аниқлай олиш муҳим омил ҳисобланади. Бунда секинлашиш ҳам, олдин ўтиб кетиш ҳам бирдек заарли. Зиддиятлар ҳоҳкатта, ҳоҳ кичик бўлсин, ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилмаса, улар жамият тараққиётига салбий таъсир қўрсатадилар. Масалага бундай ёндашиш ижтимоий зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига жиддий муносабатда бўлиш ва уларнинг жамият тараққиётига бўлган таъсирини ҳисобга олишни тақозо этади.

Миллий ва миллатлараро муносабат соҳасида вужудга келган зиддиятларнинг кескинлашиб, миллий ва миңтақавий хавфсизликка таҳдид соладиган можароли вазиятга айланиб кетишига йўл қўймаслик учун, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, қуидаги асосий қоидаларга амал қилишимиз керак.

**“Биринчидан**, давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устивор бўлишига асосланиши даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари ҳам камситилмаслиги шарт.

**Иккинчидан**, давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиласиган усусларга асосланиши лозим.

**Учинчидан**, жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли меҳанизимини таъминлаган ҳолда республика ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мосдир. Бу тараққиёт ҳам бир одамнинг қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш, ҳар бир оилани

ривожлантириш ва фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос яратмоқда”.<sup>232</sup>

Буларни рўёбга чиқариш, ўз навбатида, босқичма-босқич амалга ошириладиган миллат ва элатлар ўртасидаги муносабатларни уйғун тарзда ривожлантиришга қаратилган сиёsat юритишни талаб этади. Республикаизда бу соҳада олиб борилаётган амалий ишлар давлатимизнинг мазкур сиёsatга монанд ҳаракат қилиб келаётганлигидан далолат беради.

Демак, объектив ижтимоий зиддиятлар жамият эхтиёжлари ва қизиқишлирга мос тарзда субъектив омиллар: қизиқишлиарни англаш, мақсадни белгилаш, ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш, жамиятни бозор иқтисодиёти асосида қайта қуриш дастурини амалга ошириш учун ижтимоий кучларни ташкил қилиш механизими орқали инсон фаолиятининг сабабияти сифатида намоён бўлади.

**Бизнинг фикримизча**, миллатлараро соҳасида зиддиятларни бартараф этиш учун ҳар бир кишида, ва айниқса ёшларда, миллий онг ва миллий ғуур туйғуларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар бир миллатнинг онги, маънавий қиёфаси, давлатдаги иқтисодий, маънавий-маданий муҳитига қараб ўзгариб боради. Миллатнинг руҳий, маънавий қиёфаси эса миллий ғуур, миллий ифтихор, миллий ўз-ўзини англашда ифодалайди. Халқни миллий жиҳатдан ўз-ўзини англашига эришмасдан туриб, умумий мақсадлар йўлида бирлаштириб, ғоявий-иктисодий жиҳатдан уюштириб, ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал қиласиган буюк ижтимоий кучга айлантириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ёш авлодда соғлом миллий онг ва миллий ғуурни шакллантириш лозим.

---

<sup>232</sup>Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.,6-жилд.-Т.:Ўзбекистон, 1998. Б.87-88.

## **Хулоса**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги принципиал масалаларини ҳал этиш, миллий сиёсат ва бошқарувнинг илфор механизмларини жорий этилиши натижасида шахслараро даражадан миллатлараро даражагача уйғунликни мустаҳкамлаш учун зарур шартшароитлар яратди.

Эндилиқда глобаллашув жараёнларида давлатлараро, миллатлараро мулоқот кучайётган шароитда, бир томондан миллий негизлар емирилиб, барча муносабатлар универсаллашаётган, иккинчи томондан миллий ўзига хосликни асраб-авайлаш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш зарурати ҳаётий вазифага айланаётган даврда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини чуқур таҳлил қилиш, миллий тафаккурни ўзгартириш, миллатларо муносабатларни такомиллаштириш мезонларига янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Жамият демократлашувида миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масаласи мамлакат янги қиёфасини шакллантириш учун Харакатлар стратегияси доирасида бошланган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида миллий ва миллатлараро муносабатларни хусусиятлари, таркиби ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш алоҳида илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлиб, унинг натижадорлиги қўйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

1. Жамият демократлашуви барча соҳавий йўналишда, яъни сиёсат, иқтисод, ижтимоий ва маънавий – мафкуравий соҳаларда ўзаро алоқадорликда инсонпарварлик, эркинлик, қонун олдида тенглик каби ҳалқаро меъёрларни миллий қадриятлар асосида қонунларда қарор топтириш асосида мавжуд муносабатларни тараққиёт юксак босқичига сифат жиҳатидан замон талабларига мослаштириш ва такомиллаштиришни назарда тутади. Миллат кишилиқ тарихий тараққиётини ҳосиласи сифатида юзага келган экан, бугунги жамиятда кечётган барча ўзгариш ва янгиланишлар шу худудда яшаётган

Ўзбекистон халқини ташкил этаётган 130дан ортиқ миллат ва элатларни ўзаро ва ички муносабатларида ўз аксини топади.

2. Миллий ва миллатлараро муносабатларнинг ўзаро вобасталиги ва демократик тамойиллар асосида шаклланиши ва ривожланиши давлат ва жамиятни яхлит организм сифатида такомиллашувига сабаб бўлади. Миллий муносабатлар характери миллатлараро муносабатларни мазмуни ва моҳиятида намоён бўлади. Яъники, миллий муносабатлар табиатан тоталитар ва зулмкор бўлса, миллатлараро муносабатлар ҳеч қачон демократик руҳда мавжуд бўла олмайди. Бугунги давр дунёда кечаётган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда миллий ва миллатларо муносабатларга нисбатан янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш, уларни ўзаро вобасталиги ва уйғунлигини таъминлаш миллий сиёсатнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, миллий сиёсатнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштиришни талаб этади.

3. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнидажамият аъзоларини тафаккурни ўзгартириш, ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятнинг принципиал масалаларини ҳал этиш, иқтисодий ва маънавий камолот уйғунликни таъминлаш, Ўзбекистон худудида истиқомат қиливчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилиниши, миллатидан қатъий назар фуқароларнинг қонун олдида тенглиги таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш каби инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш орқали ватанпарварлик ва “Ўзбекистон-умумий уйимиз” ғояси атрофида кўп миллатли таркибга жамият аъзоларини ягона ҳалқ сифатида ҳамжиҳат қилиш миллий сиёсатни асосий мақсади сифатида намоён бўлади. **Ўзбекистонни миллий сиёсат ва бошқарув модели мавжуд маданий, тил, қадриятлар ва диний хилма-хиллик – миллатлараро тутувлик , ижтимоий ва сиёсий барқарорлик омили эканлигини фуқароларимиз ўртасида ўтказилган социологик сўров натижаларига асосланиб таъкидлаймиз.**

